

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ  
ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

ТДТУ ҳузуридаги педагог кадрларни  
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
ошириш тармоқ маркази директори  
Н.Э.Авезов

“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2015 йил

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ МОДУЛИДАН  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Ишлаб чиқди: к.ф.н., проф.И.Нигматов**

**ТОШКЕНТ -2015**

## **МУНДАРИЖА**

ИШЧИ ДАСТУР .....	3
МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....	12
1-МАВЗУ: АҲОЛИ ВА ХУДУДЛАРНИ ФВДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ. (2 СОАТ) .....	12
2-МАВЗУ: ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМНИНГ САЛЬЙ ОҚИБАТЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУТГАН ЎРНИ. (2-СОАТ) .....	18
3-МАВЗУ: ҚУТҚАРУВ, БИРЛАМЧИ ТИКЛОВ ВА БОШҚА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ИШЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ (2-СОАТ).....	27
4-МАВЗУ: ТЕХНОГЕН ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР: ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАРДАГИ АВАРИЯЛАР ВА ТАЛОФАТЛАР, УЛАР ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ. (2-СОАТ). .....	38
АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУСИ.....	42
МАВЗУ: ФУҚАРОЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСЛУБИЁТЛАРИНИ ЎРГАНИШ. (2 СОАТ) .....	42
МАВЗУ: ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ШИКАСТЛАНГАН ЎЧОҚЛАРДА ҚУТҚАРУВ ВА БИРЛАМЧИ ТИКЛОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ(2 СОАТ) .....	47
МАВЗУ: КТЗМ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРДАГИ АВАРИЯЛАРДА КИМЁВИЙ ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ (4 СОАТ) .....	52
МАВЗУ: ИҶТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МУҲАНДИСЛИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ (4- СОАТ).....	57
ТАҚДИМОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	61

## ИШЧИ ДАСТУР МОДУЛНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

### **“Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулининг мақсади:**

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналиши бўйича Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитиши орқали, мутахассислик фанлари ўқитувчиларини инновацион ёндашувларини шакллантириш, ўқув жараёнидаги муаммоларни ҳал этиш стратегиялари асосида фаолиятни ташкил этишга оид билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришдан иборат.

### **“Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулининг вазифалари:**

- “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши бўйича Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишининг долзарб муаммолари ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш масалалари билан таништириш;
- “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши бўйича Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишда мутахассислик фанлари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш;
- “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши бўйича Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга оид кўникмаларни шакллантириш.

### **Модул бўйича билимлар, кўникмалар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари**

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулини ўзлаштириш орқали қўйидаги билим, кўникма ва малакага эга бўладилар:

#### **Тингловчи:**

- “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” соҳаси ривожидаги энг сўнгги ўзгаришлар ва ривожлантиришнинг истиқбол режалари;
- “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” соҳасидаги янгиликларни ўқув жараёнига олиб кириш масалалари;
- “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитища таълим жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этишнинг илмий-амалий асослари;
- “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитиши жараёнида компьютер ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш методологиясини билиш;
- “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фани бўйича тақдимотлар ва электрон ресурслар тайёрлаш услублари;
- “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишда илмий изланишларнинг базавий материалларидан фойдаланиш;
- “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанининг электрон ўқув-методик базасини яратиш ҳақидаги етарли **билимга** эга бўладилар.

#### **Тингловчи:**

- “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитища ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишининг педагогик дастурий воситаларини ишлаб чиқиш;
- “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишнинг электрон ўқув материалларини яратиш технологиялари;

- “Хаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишида глобал ахборот тармоклари – Интернет хизматларидан фойдаланиш;
- замонавий компьютер ва ахборот коммуникация техникиси воситаларидан фойдаланган ҳолда Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишининг маъруза ва амалий машғулотлари учун кўргазмали тақдимотлар яратиш;
- “Хаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фани бўйича виртуал стенклар ва тақдимотлар тайёрлаш;
- “Хаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишида тақдимот мухаррирлари кўллаш бўйича керакли **кўникма** ҳосил қиласидилар.

#### **Тингловчи:**

- “Хаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишининг таълим жараёнинда компьютер ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва амалиётга татбиқ этиш;
- “Хаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитиши замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда маъруза ва амалий машғулотлари учун кўргазмали тақдимотлар яратиб, улардан амалиётда фойдаланиш;
- “Хаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишининг электрон ўқув-методик базасини яратиш ва ундан фойдалана олиш **малакаларига** эга бўладилар

#### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги барча блоклар ўқув модуллари билан узвий боғлиқ бўлиб, “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” соҳаси муаммо ва вазифаларини педагогик жараёнга татбиқ этиш масалаларини ҳал этишга, шунингдек, соҳадаги янги техника ва технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш орқали таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлашга хизмат қиласиди.

#### **Модулининг олий таълимдаги ўрни**

Таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, илмий-техник тараққиётнинг тезда ўсиши “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” модулининг олий таълимдаги ўрнида ҳам акс этмоқда.

Модул “Хаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишида инновацион технологияларни яратиш ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташкил этишга ва таълим сифатини тизимли орттиришга ёрдам беради. Замонавий ахборот технологиялари ва педагогик дастурий воситалари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини ўзлаштириш ва ўқув-тарбия жараёнинда кўллаш ҳақидаги билим ва қўникмаларни шакллантиришга асосланганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

**Модул бирликлари бўйича соатлар тақсимоти: 30 соат**

№	Мавзулар	Ўқув юкламаси, соат						Мустакил иш	
		Аудитория ўқув юкламаси							
		Жумладан:							
Хаммаси	Жами	Назарий	Амалий	Тажриба алмашини	Кўчма				
1	Ахоли ва худудларни ФВдан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш	4	4	2	2				
2	Халқаро терроризмнинг салбий оқибатлари ва унга қарши курашда Ўзбекистоннинг тутган ўрни	6	6	2	2		2		
3	Қутқарув, бирламчи тиклов ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларининг ташкилий асослари	10	8	2	4		2	2	
4	Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар: -гидротехник иншоотлардаги авариялар ва талофатлар, улар олдини олиш чоралари	10	8	2	4		2	2	
Хаммаси		30	26	8	12		6	4	

**МОДУЛ БИРЛИГИНИНГ МАЗМУНИ**

**Назарий таълим мазмуни**

**1-мавзу: Ахоли ва худудларни ФВдан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш. (2 соат).**

**Режа:**

- Фуқаро муҳофазаси омилларини (ҳарбий ҳамда тинчлик даврда ) режалаштириш.
- Режалаштиришга кўйиладиган талаблар, режалаштириш учун керакли меёрий- хукукий хужжатлар.

Фуқаро муҳофазасининг ривожланиш тарихи. Фуқаро муҳофазасининг роли ва аҳамияти. Фуқаро муҳофазасининг ривожланиш этаплари. Фуқаро муҳофазасининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқ ривожидаги аҳамияти. Ишлаб чиқаришда Фуқаро муҳофазаси масалалари. “Фуқаро муҳофазаси” фанини ўқитищдаги мавжуд муаммолар. Мутахассис кадрларни тайёрлашнинг замонавий талаблари. Мутахассислик ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари.

**2-мавзу: Халқаро терроризмнинг салбий оқибатлари ва унга қарши курашда Ўзбекистоннинг тутган ўрни. (2-соат).**

**Режа:**

- Терроризм тушунчаси, унинг салбий иллатлари ва амалга ошириш усуллари.
- Халқаро терроризм ва унга қарши олиб бориладиган ҳаракатлар.
- Террористик ҳаракатларга қарши Ўзбекистон Республикасида яратилган хукукий база асослари ва жаҳон миқёсидаги иштироқи.

Террорчи - террорчилик фаолиятини амалга ошириш. Террорчилик гурухи - олдиндан тил биритириб террорчилик харакатини содир этган, бундай харакатта тайёргарлик кўрган, ёки уни содир этишга суюқасд қилган шахслар гурухи. Террорчилик ташкилоти - икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гурухларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви. Террорчиликка қарши операция - террорчилик харакатига чек қўйиш ва уни оқибатларини минималлаштириш, шунингдек, жисмоний шахсларни ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда террорчиларни заарсизлантиришга қаратилган келишилган ва ўзаро боғлиқ маҳсус тадбирлар мажмуи. Террорчиликка қарши операция ўтказилган зона - жойнинг ёки акваториянинг алоҳида участкалари ва хоналар ҳамда террорчиликка қарши операция ўтказиладиган доирада уларга туташ худудлар. Терроризмни олдини олиш ва халқаро терроризмга қарши курашда Ўзбекистоннинг тутган ўрни.

### **3-мавзу: Қутқарув, бирламчи тиклов ва бошқа кечикириб бўлмайдиган ишларининг ташкилий асослари (2-соат).**

#### **Режа:**

1.Кутқарув ва бирламчи тиклов ишларининг моҳияти.

2.Ҳар қандай экстремал вазиятларда қутқарув ва бирламчи тиклов омилларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш услублари.

Шикастланган ўчоқларни тиббий разведка қилиш. Жабрланганларни қидириб топиш ва уларни қутқариш. Жабрланганларни саралаш. Жабрланганларни эвакуация қилиш. Санитар ва қутқарув тузилмаларига иш жойлари тайёрлаш. Транспорт воситалари. Заарланган одамларни ўчоқдан олиб чиқиш. Бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва эвакуатцияни ташкил этиш. Радиацияга қарши (РК) ва кимёвий ҳимоя (КТК) омилларини ўтказиш. КТЗМ сақланадиган жойлардаги аварияни тўсиш ва заҳарланган иншоотларни, атроф-муҳитни дегазация қилиш ишлари. Заарсизлантириш гурухларига дегазация бажариладиган иш жойлари, обьектлари, дегазация қилувчи эритмаларни тайёрлаш ва тегишли ишларни олиб бориш.

### **4-мавзу: Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар: -гидротехник иншоотлардаги авариялар ва талофатлар, улар олдини олиш чоралари (2-соат).**

#### **Режа:**

1.Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни сабабчи омиллари ва турлари.

2.Гидротехник иншоотлардаги ёнғин чиқиш ва портлаш хавфи бўлган обьектлардаги аварияларда олиб бориладиган чора-тадбирлар.

Гидротехник иншоотларини лойихалаш ва қурилишда хатоликларга йўл қўймаслик. Гидротехник иншоотларидан тўғри фойдаланиш. Гидротехник иншоотларида белгиланган тадбирларни ва таъмирлаш ишларини ўз вақтида бажариш. Қирғоқ ва иншоот тубини мустаҳкамлаш ишларини ўтказиш. Сув чиқаришда ва ғамлашда қонун қоидаларга риоя этиш (вақтга мос равишда тақсимланиши). Қўшимча сув омборлари ёрдамида тошқин сувлар оқимини тартибга солиб туриш. Гидротехник иншоотларида вазиятни доимо кузатиб туриш. Гидротехник иншоотлари ҳудудини чет элли кишилар киришидан ишончли қўриқлаш. Фалокатларга олиб келадиган нокулай омиллар бўлиш эҳтимолини олдиндан айтиш тахминларини тузиш.

## **Амалий машғулот мавзуси**

### **Мавзу: Фуқароларни химоя қилиш услубиётларини ўрганиш. (2 соат)**

#### **Ишдан мақсад :**

-ФВ да фуқароларни химоя қилиш усулларини ўрганиш;

-Фавқулодда вазиятларда шахсий химоя воситаларидан фойдаланишни ўрганиш.

Ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврда ҳам фавқулодда вазият юз берганда фуқароларни сақлашнинг асосий услублари муайян тамоиллар асосида амалга оширилади. Фуқароларни муҳофаза қилишнинг асосий принциплари қўидагилардан иборат:

1. Давлат органлари, вазирлик раҳбарияти ва ҳалқ ҳўжалик обектларининг

раҳбарлари томонидан фуқароларни муҳофаза қилиш омилларини доимий равища амалга ошириш ва бошқариш.

2. Мамлакатнинг ҳар бир бурчагида, аҳоли яшаш жойларида, ҳалқ ҳўжалиги тармоқларида, фуқароларни сақлашнинг омилларини олдиндан режалаштириш.

3. Ҳар бир жойнинг иқтисодий, сиёсий ва мудофаа қудратини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар муҳофазасини режалаштириш ва амалга ошириш.

4. Фуқароларни муҳофаза қилишнинг омилларини ҳар бир жойнинг (республика, вилоят, шаҳар, худуд, ҳалқ ҳўжалиги тармоқлари) иқтисодий ва сотсиал ривожланиш режалари билан бирга амалга ошириш.

### **Мавзу: Фавқулодда вазиятларда шикастланган ўчоқларда қутқарув ва бирламчи тиклов ишларини ташкил этиш (2 соат)**

#### **Ишдан мақсад :**

-Табиий оғатлар юз берганда олиб бориладиган қутқарув ва тиклов ишлари ўтказишни ўрганиш

-Зилзила оқибатларини бартараф этиш ишларини ташкил этишини ўрганиш

-Сув тошқини, кўчки ва сел оғати оқибатларини бартараф этиш тадбирларини ўрганиш

-Авария ва ҳалокат оқибатларини бартараф этиш қоидаларини ўрганиш

Табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва ҳалокатлар юз берганда катта миқёсдаги кулфатларга олиб келади ҳамда қўплаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлади. Агар бу фалокатлар ўз вақтида бартараф қилинмас экан уларнинг қамрови миллий, ҳатто, трансчегаравий даражадаги фавқулодда вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш – фавқулодда вазиятлар юзага келганда ўтказиладиган чора-тадбирлар, жумладан, инсонларнинг соғлигини ва ҳаётини сақлаш, атроф-муҳитга етказиладиган зарар ва моддий йўқотишлар миқдорини камайтириш, фавқулодда вазиятлар юз берган худудларни ҳалқага олиш, хавф хусусида аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш, иқтисодёт тармоқларининг баркарор ишларини таъминлаш, юзага келадиган хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган авария-қутқарув ва бошқа кечикириб бўлмас тиклов ишларининг мажмуасидан иборат. Мазкур мажмуани ташкил қилувчи омилларнинг энг асосий тури – бу фавқулодда вазиятларни бартараф этишда ўтказиладиган авария-қутқарув ва бошқа кечикириб бўлмас ишлар (ҚБТИ) ҳисобланади. Чунки табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва ҳалокатлар ўзининг тўсатдан юзага келиши билан ҳамда келтирадиган заарлари билан хавфли.

### **Мавзу: КТЗМ қўлланиладиган обьектлардаги аварияларда кимёвий ҳолатни баҳолаш (4 соат)**

#### **Ишдан мақсад:**

- радиатсиявий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш қоидаларини ўрганиш.

- кимёвий ҳолатни аниқлаш ва баҳолашни ўрганиш.

Маълумки, баркарорликни баҳолашда қўидаги маълумотлар зарур:

- обектнинг ФВ шароитидаги ҳолати;
- обектнинг ишчи кучи, техникаси, энергия манбалари, хомашёси ва бошқа-захиралар билан таъминланганлиги;
- обектнинг иқтисодий кўрсаткичлари;
- одамлар, ҳайвон ва ўсимликларнинг ҳамда бошқаларнинг эҳтимолий талофати ва шу кабилар.

Радиатсиявий ҳолатлар ва уларнинг хавфсизлиги бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда «Радиатсиявий хавфсизлик тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади инсонлар хаёти, соғлиги ва мол-мулки, шунингдек, атроф-мухитни ионлаштирувчи нурланиш, радиоактив ифлосланишларнинг зарарли таъсиrlаридан муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишдан иборат.

### **Мавзу: Иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини оширишда муҳандислик ҳолатини баҳолаш (4 соат)**

#### **Ишдан мақсад:**

- Иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини оширишнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш.
- Иқтисодиёт тармоғининг барқарор ишлашини ошириш муаммолари юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишни ўрганиш.
- Иқтисодиёт тармоғининг барқарорлигини ошириш услубларини ўрганиш.

Маълумки, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, ҳар қандай фавқулодда вазиятларда (ҳарбий ва тинчлик даврларида) фуқаролар муҳофазасининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятларда иқтисодиёт тармоқлари барқарорлиги дейилганда, уларнинг режалаштирилган микдорда сифатли маҳсулотларини ишлаб чиқариши ёки бирор авария натижасида шикастланган ишлаб чиқариш корхоналарида жуда қисқа вақт ичida тиклаш ишлари тушунилади. Иқтисодиёт обектларининг барқарор ишлаши шу тармоқлар жойлашган минтақага ва унинг метеорологик шароитларига боғлиқ бўлади. Чунки минтақада ҳавфли табиий оғатлар (зилзилалар, ер, кор кўчкилари, селлар, сув тошқинлари, кучли шамоллар ва бошқалар) натижасида иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлаш даражасини пасайтириш мумкин. Иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашига яна кўйдаги омиллар: обектнинг қурилиш характеристи, обект атрофида жойлашган ҳавфли корхоналар, ишловчилар сони, обект ўлчами ва характеристи, иморат ва иншоотларнинг қурилиш тавғисифи, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми, кўлланиладиган технологиялар, кўлланиладиган КТЗМнинг хусусиятлари ва бошқалар таъсиr қиласи. Мана шу омилларни ўрганиш асосида обектнинг барқарорлигига баҳо бериши мумкин.

#### **Кўчма машғулот мазмуни**

### **Мавзу: Қутқарув, бирламчи тиклов ва бошқа кечикириб бўлмайдиган ишларининг ташкилий асослари (2 соат)**

ТДТУ тегишли бўлган кафедраларда профессор-ўқитувчилари билан биргалиқда тажриба алмашишда ўзларининг фаолият соҳалари буйича иш тажрибалари билан фикр алмашади. Мавзунинг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда лаборатория хоналарда тажрибаларни амалга оширади.

### **Мавзу: Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар: -гидротехник иншоотлардаги авариялар ва талофатлар, улар олдини олиш чоралари**

ТДТУ тегишли бўлган кафедраларда профессор-ўқитувчилари билан биргалиқда тажриба алмашишда ўзларининг фаолият соҳалари буйича иш тажрибалари билан фикр

алмашади. Мавзунинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда лаборатория хоналарда тажрибаларни амалга оширади.

### **Мустақил иш мавзулари**

- 1.Оммавий қирғин қуроллари таъсиридан ҳимояланиш.
2. Табиий оғат оқибатларига қарши чора-тадбирларни ўрганиш.
3. Радиатсиявий ва кимёвий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш қоидалари .
4. Радиатсия дозасини аниқлаш .
5. Фуқароларни ҳимоя қилиш услугиётларини ўрганиш.
6. Фавқулодда вазиятларда иқтисодиёт тармоқларининг барқарорлигини таъминлаш ва ошириш.
7. Фавқулодда вазиятларда шикастланган ўчокларда кутқарув ва бирламчи тиклов ишларини ташкил этиш.
8. Фуқароларни ҳимоя қилишда шахсий сакловчи воситалар қўлланишини ўрганиш
  
9. Кимёвий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш .
10. КТЗМ қўлланиладиган обьектлардаги аварияларда кимёвий ҳолатни баҳолаш .
11. Ҳаводаги заҳарли моддаларни аниқлаш .
12. Тупроқ ва сочилувчи материалларда заҳарли моддаларни аниқлаш.
13. Жойларда, кийимларда ва ҳар хил предметларда заҳарли моддаларни аниқлаш.
14. Иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини оширишда мухандислик ҳолатини баҳолаш.
15. ФВ ларда бирламчи тиббий ёрдам беришни амалий жиҳатларини ўрганиш.
16. Биологик шикастланиш ўчогини баҳолаш .
17. Табиий оғатлар оқибатида юзага келадиган талофат очоклари хусусиятларини ўрганиш.
18. Йонғин оғатига қарши тизимлар ва уларнинг олиб борадиган тадбирларини ўрганиш.
19. Фуқаро муҳофазасининг хуқукий асослари: -“Аҳоли ва худудларни табиий ва техноген тусдаги ФВлардан муҳофaza қилиш тўғрисида”ти ЎзР Қонуни..
20. ЎзР Қонунлари “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ти ЎзР Қонуни.
21. ФМ стандартлари.Табиий тусдаги ФВлар..
22. ФМ стандартлари.Техноген тусдаги ФВлар..
23. Саноат обьектларида хавфсизлик декларатсияси.. .
24. Аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофaza қилиш мухандислик – техник тадбирлари 4 соат.
25. Халқаро терроризмга қарши кураш муаммолари ва бу борада Ўзбекистоннинг тутган ўрни. .
26. Фуқаро муҳофазаси борасида халқаро ҳамкорлик. .
27. Иқлим ўзгариши муаммолари ва унга қаратилаётган чоралар .
28. Сув танқислиги ва қурғоқчилик муаммолари .
29. Орол денгизи қуриши билан боғлиқ муаммолар ва унинг атрофини жонлантиришга қаратилаётган чоралар .
30. Гидротехник иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш муаммолари .
31. Оғир юқ ташиш билан боғлиқ хавфсизликни таъминлаш муаммолари .
31. ФВДТ ни янада такомиллаштиришга қаратилаётган чоралар .
33. Транспортлардаги аварияларни олдини олишга қаратилаётган чоралар .
34. Экологик ФВлар олдини олишга қаратилаётган чоралар .
35. ФВларни олдини олиш ва унга қарши курашда хавфсизлик ва экологик маданиятнинг хамда маънавий-рухий тарбиянинг ўрни .

**Эслатма:** Тингловчи келтирилган мавзулардан ихтиёрий бирини танлаб, шу мавзу асосида ижодий изланиб мустақил ишни тайёрлайди ва тақдимот ўтказиб беради.

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
5. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
6. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
7. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Ҳалқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
8. Миллий истиқбол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.Ўзбекистон, 2000.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрь 263-сонли “Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш хақидаги Қарор.
13. Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари: «Аҳолини ва худудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» (20.08.1999 й.); «Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида» ги (20.08.1999 й.), «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги ( 20.05.2000 й.) ; «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида» ги (31.08.2000 й.); «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (15.12.2000 й.) қонунлар.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари: 4.03.1996 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги 143-сон; 23.12.1997 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида»ги 558- сон; 7.10.1998 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги 427-сон; 27.10.1998 йилдаги «Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида»ги 455- сон қарорлар.
15. М.Тожиев, И.Нигматов, М.Илҳомов «Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси» ўқув кўлланма. Т., М.Ч. «Таълим манбаи», 2002 й.
16. Нигматов И., Тожиев М. “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Дарслик -Т., Иқтисод-молия, 2011 й.
17. Фуқаро муҳофазаси асослари (маъруза матнлари тўплами). Муаллифлар мажмуаси. Т., «Фуқаро муҳофазаси институти», 2003 й.
18. Раҳмонов И., Ваҳобов У., Ёкубов Н. “Фавқулодда ҳолатларда шикастланганарга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш”, Т.: “ФАН”, 2004 й.
19. Юлдашев О., Хасanova О., Жалолов У., Турагалов Т. , Артыков.А, Хусанова С. “Аварийно-спасательные работы”, Учеб. пособие.-Т:2008 г

20. «Первая медицинская помощь на месте происшествия», Учеб.пособие для добровольных спасателей, Т.: «Международная стратегия снижения риска стихийных бедствий»,2008 г.
21. O` Yo`ldoshev va boshqalar. Mehnatni muxofaza qilish. -T.: Mehnat, 2005.
- 24.Yo`ldashev O`R., Usmonov, U., Qudratov O. “Mehnatni muxofaza qilish”. –T.: 2001.
25. Ў. Йўлдошев ва бошқалар. Мехнатни муҳофаза қилиш. -Т.: Мехнат, 2005.
- 26.“Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингининг Ахборотномаси. –Т.: 2002 й., 1-сон.
- 27.Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом. Вазирлар Махкамасининг қарори № 286, 06.06.1997, –Т.: 1997.
- 28.“Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва қасб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон.
29. “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. –Т.: 2006 й., 39-сон.
- 30.“Санитария назорати тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. –Т.: 2006 й., 41-сон.
- 31.Yormatov G`Yo, O.R.Yuldashev Hayot faoliyati xavsizligi. –T.: «Aloqachi» 2009.

#### **Интернет маълумотларн:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)
9. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
10. [www. cottonginning.com](http://www.cottonginning.com)

## МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

### 1-МАВЗУ: АҲОЛИ ВА ХУДУДЛАРНИ ФВДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ. (2 СОАТ).

**Режа:**

- 1.Фуқаро муҳофазаси омилларини (ҳарбий ҳамда тинчлик даврда ) режалаштириаҳ.
- 2.Режалаштиришга қўйиладиган талаблар, режалаштириш учун керакли меёрий- хукукий хужжатлар.

**Таянч сўз ва иборалар:** фавқулодда вазиятлар, табиий, техноген, тадбирлар, режалаштириш, фуқаро муҳофазаси, мукаммал, қоида қонун, аниқ, реал, тоифа, объект.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги ва “Аҳолини ва худудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ти қонунларини амалда қўлланилиши ва фуқаро муҳофазасининг асосий вазифаларини бажарилишини таъминлаш, фуқаро муҳофазаси режаси билан узвий боғлиқдир.

Фуқаро муҳофазаси режаси дейилганда - қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажарилишига ёрдам берадиган муҳофаза тадбирларининг мажмуаси тушунилади. Бундай тадбирларга: фавқулодда вазиятларни олдини олиш, аҳолини ва худудларни муҳофаза қилиш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарорлигини ошириш, қутқарув ва тиклов ишларини ўтказишга куч ва воситаларни тайёрлаш ҳамда қўриладиган зарар ва талофотларнинг миқёсини камайтириш юзасидан бажариладиган вазифалари киради.

Фуқаро муҳофазаси режаси умумдавлат миқёсда ишлаб чиқилади. Аҳолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари олдиндан тузилиб, улар республика миқёсидан тортиб, то обект даражасигача алоҳида тузилади. Режалаштириш ҳар қандай ФВ лар учун (тинчлик ёки ҳарбий давр) алоҳида ишлаб чиқилади.

ФВда фуқаро муҳофазаси режалари республика миқёсида Фавқулодда Вазиятлар Вазирлиги томонидан, худудларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий обектларни муҳофаза қилиш режалари эса корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бошлиqlари томонидан тузилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазасига умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Айни чоғда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири мамлакат ФМ бошлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси бўйича фавқулодда вазиятда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини режалаштириш ҳамда ФМни бошқариш Фавқулодда Вазиятлар вазирлиги зиммасига юқлатилган.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар муҳофазаси тўғрисида” ги қонуннинг 7-моддасида Республика Вазирлар Маҳкамасининг ФМ соҳасидаги қўйидаги ваколатлари белгилаб қўйилган:

- фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлайди;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси режасини тасдиқлайди;
- фуқаро муҳофазасини режалаштириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тасдиқлайди;
- фуқаро муҳофазаси тизимини уруш даври шароитига ўтказиш, эвакуатсия тадбирларини амалга ошириш тартибини белгилайди;
- фавқулодда вазиятлар таснифини тасдиқлайди ҳамда уларни бартараф этишда ижро ҳокимияти органлари иштироки даражасини белгилайди;
- фуқаро муҳофазаси республика маъмурий худудий тузилишига мувофиқ худудий - ишлаб чиқариш принципида ташкил этилиб, миллий иқтисодиётни ҳамма тармоқларини қамраб олади;

- химоя иншоотларини ва фуқаро муҳофазаси бошқа обектларини барпо этиш тартибини, шунингдек якка муҳофазаланиш воситалари, моддий техника озиқ овқат, тиббий ва бошқа хил воситалар захираларини тўплаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилайди;
- давлат органлари ва ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Фуқаро муҳофазаси режасига қўйиладиган талаблар. Фуқаро муҳофазасининг тадбирлари худудларнинг иқтисодий, табиий хусусиятларини, географик жойлашган ўрни ҳамда ФВ хавфи қанчалик аниқлигини ҳисобга олган ҳолда, олдиндан режалаштирилади ва амалга оширилади.

ФМ нинг режаларига қўйидаги талаблар қўйилади:

- 1) Тўлиқ, мукаммал ишланган бўлиши;
- 2) Мазмуни қисқа ва лўнда бўлиши;
- 3) Вақт ҳар томонлама қатъий ҳисобга олиниши;
- 4) Аниқ ва реал бажариладиган бўлиши;
- 5) Иқтисодий томондан мақбул бўлиши керак.

Режанинг мукаммал тўлиқ ишланганлиги - аҳоли ва моддий бойликларни муҳофаза қилинишини таъминлайдиган тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқилишини ва унинг муваффакиятли бажарилишини таъминлайди. Шунинг учун режада бажариладиган аниқ тадбирлар, уларнинг мазмуни, шакли, муддатлари ва бошқарувчилари кўрсатилади.

Режа мазмуни қисқа бўлиши - режадаги тадбирлардан фойдаланиш осон бўлиши учун қилинади. Бунинг учун ҳамма бажариладиган тадбирлар график-схемалар тарзда амалга оширилади. Бунда схема-харитада обектлар, бажариладиган вазифалар ва уларнинг ҳажми шартли белгилар билан тасвирланади. Тушунтиришлар, жадваллар, схемалар, графиклар, суръатли белгилар тушунтириш хатлари орқали берилади.

Вақтни ҳар томонлама қатъий ҳисобга олиниши - режалаштирилган ҳар бир тадбирни тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

Режа аниқ ва реал бўлиши - режанинг бажарилиш даражасини характерлайди. Бунинг учун фалокат ва ҳалокат маълумотлари тўлиқ ўрганилади. Жумладан: вайроналиклар, талофтот даражаси, моддий зарарлар имёси олдиндан башортланади, унинг оқибатларини йўқотиш учун керакли ФМнинг куч ва воситалари ҳисоблаб чиқилади.

Иқтисодий мақбуллик - ҳар қандай ФВда (тинчлик даврда ҳам, ҳарбий даврда ҳам) муҳофазаланиш иншоотларидан фойдаланишини ҳисобга олишидир.

ФМ режаси 4 та босқичли ишлардан ташкил топади:

- 1) биринчи босқичда режани тузишда иштирок этувчиларнинг таркиби, уларнинг малакаси аниқланади, улар тўғрисидаги маълумотлар, хужжатлар ўрганилади, тўпланган маълумотлар умумлаштирилади ва календар режа ишлаб чиқилади;
- 2) иккинчи босқичда режа амалда ишлаб чиқилади ва унинг хужжатлари тузилади;
- 3) учинчи босқичда бажариладиган ҳамма тадбирлар бир-бирига мослаштирилади, зарурат бўлса тузатилади ва тасдиқланади;
- 4) тўртинчи босқичда ҳамма режалаштирилган тадбирлар, тасдиқлангандан кейин (тасдиқланган режа) тегишли ижрочиларга етказилади.

ФМ режасини ишлаб чиқиш бевосита ФМ бошлиғига юқлатилади, режа тадбирларини ишлаб чиқишида ФМ бўйича штатли ходимлар ишлари билан шугуналувчи ҳайъат, ФМ тизимлари, эвакуатсия комиссияси ва иқтисодиёт тармоқларини етакчи мутахассислари иштирок этадилар.

Фуқаро муҳофазаси режасини ишлаб чиқишида керакли маълумотлар. ФМ режасини ва унинг иловаларини ишлаб чиқиш учун ФМ нинг юқори ташкилотлари ва бўлимларидан қўйидаги маълумотлар олиниши керак:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг фуқаро муҳофазасига оид карор ва кўрсатмалари;

- 2) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг низомлари, кўрсатмалари ва тавсиялари;
- 3) Иқтисодитот тармоғи юқори органларининг кўрсатмалари ва тавсиялари;
- 4) Фуқаро муҳофазаси тизимларини, ундаги одамлар сони, ҳамда ахолини ва моддий бойликларни муҳофаза қилиш имкониятлари хусусидаги маълумотлар;
- 5) Бошпаналарнинг сони, уларнинг одамларни қабул қилиш имкониятлари, ҳамда бошқа бошпаналар куриш имкониятлари;
- 6) Обектнинг хусусияти, унинг муҳофаза ва иқтисодий имконияти;
- 7) Тоифаланган шаҳарларга ФВ да ёрдам бериш имкониятлари;
- 8) Тоифаланган шаҳар иқтисодиёт тармоғларининг рўйхатлари: а) ФВ да ўз ишини давом эттирадиган обектлар;  
б) эвакуация қилинадиган обектлар.
- 9) Юқори хавфли ҳамда тасарруфида кимёвий, портлаш-ёнғин хавфи бор обектлар, КТЗМ ва заҳарли моддалар ташиладиган темир йўл магистраллари, аэропортлар ва бошқа обектлар рўйхати.
- 10) Хавфли худудлардаги аҳоли пунктлари хақидаги маълумотлар.
- 11) ФМ вазифаларини бажарилишига таъсир этадиган маҳаллий, хусусиятли маълумотлар (худуднинг географик ўрни ва табиий иқлим шароити);
- 12) Фавқулодда вазиятлардан чиқариладиган хulosалар.

ФМ режасини тузишда Республикада фаолият кўрсатаётган барча тармоқ ва корхоналар ўз маълумотлари билан бир-бирларини таъминлашлари керак. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги 143-сон қарорида таъкидлаб ўтилган. Яъни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, энергетика ва электротехника вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Узсаноатконтехназорат» давлат қўмитаси, Фанлар Академияси, «Ўзбекнефтгаз» миллый холдинг компанияси, «Ўзкимёсаноат» уйишмаси ва «Бошгидромет» бошқармаси Фавқулодда Вазиятлар вазирлигининг худудлар, обектлардаги табиий иқлим, экологик, эпидемиологик, эпизоотик, эпифитотик, геологик ва техноген вазиятлар ҳамда уларнинг истиқболдаги ўзгариш эҳтимоллари тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида, мунтазам равища таъминлашлари лозим деб такидланган.

ФМ режаларини ишлаб чиқиша ва бажаришда ФМ кучларига катта эътибор берилади. Масалан, авария-кутқариш ишларини режалаштиришда қуйидаги тартибдаги вазифалар белгиланади:

- а) шикастланган ўчоқларни ва оғат жойларини разведка қилиш, қидиув-кутқарув ишлари комплексини ўтказиш;
- б) аҳолини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ва иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш тадбирлари;
- в) зарарланган аҳолини хаёт фаолиятини ташкил қилиш, ҳалок бўлганларни хисобга олиш ва кўмиш, ярадорларни касалхонага ётқизиш;
- г) карантин-обсерватсия, санитар-гигиеник, эпидемияга қарши тадбирлар;
- д) маҳаллий органлар билан ҳамкорлик қилиш.

Яна бир мисол. Аҳолини, моддий-маданий бойликларни эвакуатсия қилиш тадбирларни режалаштиришда:

- Шикастланган худудлардан транспорт ёки пиёда олиб чиқиладиган аҳолининг сонини;
- Зарур бўладиган транспорт сонини;
- Одамларнинг транспортда олиб чиқиш тартиби;
- Қимматбаҳо ускуналар, моддий бойликлар, озиқ-овқатларни олиб чиқиш тартиби;
- Хом-ашёлар, ўғитлар ва бошқа керакли моддий ресурсларни хавфли худудлардан олиб чиқиш тартиблари;

■ Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини хавфли худуддан хавфсиз худудга узоқлаштириш тартиб қоидалари ва бошқа вазифалар белгиланади.

Фуқаро муҳофазасини бошқа тадбирларини режалаштиришда ҳам муайян тартибдаги вазифалар белгиланади. Албатта, буларда ҳар бир қилинадиган амал тадбирнинг моҳиятидан, хусусиятидан ва имкониятлардан келиб чиқиб, режа тадбирлари белгиланади. Ҳар бир ҳолат учун тузилган ФМ режалари ФВВ га тақдим этилиши зарур. Мабодо тузилган режаларга ўзгартиришлар киритиш керак бўлса, йилнинг биринчи чораги давомида киритилади. Режа икки нусхада тузилиб, унинг бир нусхаси обектнинг бошқариш пунктида, иккинчиси юқори ташкилотларда сакланади.

#### Тинчлик даврида фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси режасини тузиш.

Тинчлик даврида кузатиладиган ФВни бартараф этиш режаси - ФВ юз бергандага фуқароларни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитга етказилган моддий заарлар миқдорини камайтириш, шикастланган худудларни ҳалқага олиш ва бу худудларда хавфли омиллар таъсирини камайтиришга қаратилган ҚБТИ ишлар мажмуасидан таркиб топади.

Бу ишларни бажаришда ФВДТнинг ФВни тугатувчи куч ва воситаларидан фойдаланилади. Бу куч ва воситалар ФВВ бевосита бўйсунувчи тезкор ФМ қўшинларидан, Республика ихтисослашган тизимларидан, вазирлик ва идораларнинг ҳарбийлашган ва профессионал ихтисослашган аварияни тиклаш тизимларидан, маҳаллий ҳокимият органларининг тизимларидан, обектларнинг ихтисослашган ва ҳарбийлашмаган умумий ва маҳсус тизимларидан ташкил топади.

Режа икки бўлимдан ва иловадан иборат бўлади: Биринчи бўлимда - ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатлари ва табиий оғат рўй бергандага муайян худудда юзага келадиган ФВ га баҳо берилади.

Бунда қўйидагилар ёритилади:

1) Радиатсиявий, кимёвий ва ёнғин хавфи бор шахарлар ва аҳоли пунктларини, КТЗМ, портлаш хавфи бор бўлган ва биологик воситалари бўлган обектларни, одамга кучли таъсир этувчи моддалар ташийдиган транспорт воситаларининг темирйўл узелларини, нефт-газ конлари, нефт қувурлари, гидроузеллар ва бошқа обектларнинг рўйхати аниқ келтирилади. Талофот худудидаги, шунингдек қўшни худудлардаги эпидемиологик, эпизоотик, элифитотик ва сейсмик актив худудлар, табиий оғатлар бўладиган жойлар, саноат ва қишлоқ хўжалигига этиши мумкин бўлган заарлар ҳамда шу худудлардаги аҳоли сони ва қўриладиган тахминий талофотлар миқдори қўрсатилади.

2) Йирик ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатлари ва табиий оғатларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини камайтириш юзасидан аҳолини, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини ва ўсимликларини, моддий бойликларни муҳофaza қилиш юзасидан қилинадиган тадбирлар қўрсатилади.

3) Юқоридаги фалокат ва ҳалокатлар рўй бергандага шикастланган худудларда (хусусиятига кўра) кутқарув ва бирламчи тиклов тадбирлари қўрсатилади.

Рўй берган фавқулодда вазият ҳолатидан келиб чиқиб, қўйидаги тадбирлар режалаштирилади:

- бошқарув, ҳабарлаш ва алоқани ташкил этиш;
- разведкани, кузатишини ва назоратни ташкил этиш;
- ФМ кучларини ташкил этиш;
- моддий ва молиявий таъминотни ташкил этиш. ФВни тугатишини ташкил этиш.

Режанинг иккинчи бўлими икки қисмдан ташкил топиб, бу бўлимда ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатлари ва табиий оғатлар содир бўлиши хавфида ва содир бўлганда қўйидаги тадбирлар режалаштирилади:

1) ФВ содир бўлиш хавфида бошқарув органларини, ишчилар ва хизматчиларни ва аҳолини огохлантириш тартиби.

2) ФВни олдини олиш ёки уларни таъсирини камайтириш тадбирлари, амалга ошириш муддатлари ва тартиби, жалб этиладиган куч ва воситалар.

3) ФМ кучларини, муҳофaza иншоатларини шай ҳолатига келтириш.

- 4) Шахсий муҳофаза воситаларини ишчи ва хизматчиларга бериш.
  - 5) Одамларни эвакуатсия қилиш ва кўчириш учун автотранспортларни ва хавфсиз худудни тайёр ҳолга келтириш.
  - 6) Аҳолини тиббий ва эпидемияга қарши муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш.
  - 7) Ёнғиндан сақлаш тадбирларини ўтказиш ва ишлаб чиқаришни авариясиз ишлашга тайёрлаш.
- Тузилган режага қўйидагилар илова қилинади:
- 1) ФМ бошлигининг ФВ ни тугатиш бўйича қарори.
  - 2) Фавқулодда вазиятларда ҳаракатланувчи тизимларни фалокат ва ҳалокатда, ҳамда табиий оғатлар хавфи бўлганда ёки содир бўлганда бажариладиган тадбирларнинг календар режаси.
  - 3) Фавқулодда вазиятларда ҳаракатланувчи тизимларнинг фалокат ва ҳалокатда ҳамда табиий оғатлар хавфи туғилганда ёки содир бўлганда тадбирларни бошқарувчи куч ва воситаларни хисоби (хар бир тадбир хусусида умумий маълумотлар келтирилади).
  - 4) Фожеа, ҳалокатлар ва табиий оғатлар хавфи туғилганда бошқарувни, хабар берини, ва алоқани ташкил қилиниши (схема тарзида).

Фуқаро муҳофазаси режалари худудлар учун ҳам иқтисодиёт тармоқлари учун ҳам бир хил тузилишда ишлаб чиқилади. Тузилган фуқаро муҳофазаси режаларини тегишли фуқаро муҳофазаси бошлиқлари тасдиқлайди ва бир нусхаси юқори ташкилотга жўнатилади.

#### **Назорат саволлар:**

1. Фуқаро муҳофазаси режаси нима мақсадда тузилади?
2. Фуқоро муҳофазаси режаларини қайси ташкилотлар тасдиқлайди?
3. Фуқаро муҳофазаси режаларига қандай талаблар қўйилади?
4. Режани тузиш босқичлари қандай?
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги 143-сон қарорида нималар таъкидланган?
6. Нима учун режага тузатишлар киритилади?

#### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари: «Аҳолини ва худудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» (20.08.1999 й.); «Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида» ги (20.08.1999 й.), «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги ( 20.05.2000 й.) ; «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида» ги (31.08.2000 й.); «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (15.12.2000 й.) қонунлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари: 4.03.1996 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги 143-сон; 23.12.1997 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида»ги 558-сон; 7.10.1998 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги 427-сон; 27.10.1998 йилдаги «Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида»ги 455-сон қарорлар.

3. М.Тожиев, И.Нигматов, М.Илҳомов «Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси» ўқув кўлланма. Т., М.Ч. «Таълим манбай», 2002 й.

4. Нигматов И., Тожиев М. “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Дарслик -Т., Иқтисод-молий, 2011 й.

5. Фуқаро муҳофазаси асослари (маъруза матнлари тўплами). Муаллифлар мажмуаси. Т., «Фуқаро муҳофазаси институти», 2003 й.

6.Рахмонов И., Ваҳобов У., Ёқубов Н. “Фавқулодда ҳолатларда шикастланганарга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш”, Т.: “ФАН”, 2004 й.

7. Юлдашев О., Хасанова О., Жалолов У., Турагалов Т. , Артыков.А, Хусанова С. “Аварийно-спасательные работы”, Учеб. пособие.-Т:2008 г

8.«Первая медицинская помощь на месте происшествия», Учеб.пособие для добровольных спасателей, Т.: «Международная стратегия снижения риска стихийных бедствий»,2008 г.

#### **Интернет маълумотларн:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

2.Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

3.Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)

4.Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)

5.[Infocom.uz](http://www.infocom.uz) электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

6.<http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>

7.[www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)

8.[www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)

9.[www.edu.uz](http://www.edu.uz)

10.[www. cottonginning.com](http://www.cottonginning.com)

## **2-МАВЗУ: ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУТГАН ЎРНИ. (2-СОАТ).**

**Режа:**

1. Терроризм тушунчаси, унинг салбий иллатлари ва амалга ошириш усуллари.
2. Ҳалқаро терроризм ва унга қарши олиб бориладиган харакатлар.
3. Террористик харакатларга қарши Ўзбекистон Республикасида яратилган хуқукий база асослари ва жаҳон миқёсидаги иштироки.

**Таянч сўз ва иборалар:** Терроризм, ҳалқаро терроризм, террористик харакатлар, иллат, даҳшатли воқеалар, инсоният тақдири, уюшган гурӯхли терроризм, тадбирлар, режалаштириш, фуқаро муҳофазаси, террорчилик ташкилоти, террорчиликка қарши оператсия ўтказилган зона, аниқ, реал, тоифа, объект.

Инсоният янги юз йилликка – XXI асрга қадам босди, лекин шуни таъкидлаш лозимки, ўтган асрда башарият жуда кўп қувончли ҳамда таҳликали, даҳшатли воқеаларни бошидан кечирди. Қонли тўқнашувларни, иккита жаҳон урушини, совуқ уруш ваҳимаси ва қатағонларни бошидан кечирган инсоният келажак сари талпиниб, ҳар қандай қийинчиликларни енгид тараққиётга эришиб борди.

Афсуски, инсониятнинг ҳаёт кечириши учун ундаги имкониятларнинг борган сари чекланиб бораётганлиги аён бўлмоқда. Аҳолини тоза ичимлик суви, тоза ҳаво, озиқовқат маҳсулотлари билан бир вақтда ҳавфсиз ҳаёт масалалари тобора қийинлашиб бормоқда. Бироқ тараққиյпарвар кучлар томонидан башариятнинг гуллаб-яшнаши, унинг сайёрамизда эмин-еркин яшши учун янгидан-янги имкониятлар яратилмоқда. Бугунги кунда ер юзида, инсоният тақдирига ва келажак истиқболига жиддий ҳавф солаётган, хуруж қилаётган ҳалқаро терроризм ўзининг манфуқ мақсадларини жаҳон оммасига тобора яққол кўрсатмоқда. Ҳалқаро терроризм хуружи оқибатида юз минглаб кишиларнинг ёстуғи қуриб, моддий бойликлар вайрон қилинмоқда. Ҳозирда унинг хуружидан ҳеч бир давлат, ҳатто ҳеч ким мутлақо муҳофазада эмас. Ҳар дақиқада инсоният бундай ижтимоий оғатнинг қурбонига айланиши мумкун. Шу сабабдан БМТнинг фавқулодда вазиятлар таснифига қўшимча қилиб, айнан ижтимоий-сиёсий тавсифдаги фавқулодда вазиятларнинг киритилиши бежиз эмас. Чунки бундай тусдаги ҳавф ҳатарнинг даражаси йилдан йилга ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳар бир инсон ўз юрти, миллати, муқаддас замини ва оиласи тинчлихи, хотиржамлиги учун курашмоғи лозим.

**Терроризм ҳақида тушунча.** Терроризм лотинча "террор" сўзидан олинган бўлиб, сиёсий, диний, мағкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига ҳавф туғдирувчи, мол - мулк ва бошқа моддий бойликларни ёъқ қилиниши ҳавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, ҳалқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шаҳсни бирон - бир харакатлар содир этишга ёки содир этилишидан тийилишига мажбур қилишга, ҳалқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг сувернетитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, ҳавфсизлигига путур этказишга, қуролли муожоролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган. Терроризмнинг икки тури мавжуд: А) якка тартибдаги; Б) уюшган гурӯхли терроризм.

Терроризм ўрта асрлардан бошлаб барча минтақа ва мамлакатларда учраб, ўз фаолиятларини амалга оширган. Лекин ўтган асрнинг охирларидан унинг янги кўринишлари вужудга келди: жумладан, чет эл давлатлари ва ҳукumatлари раҳбарларини, уларнинг дипломатик вакилларини ўлдириш ёки ўғирлаш, элчиҳоналар, ҳалқаро ташкилотларнинг биноларини портлатиш, аэропортлар ва вокзалларда портлаш содир этиш, ҳаво кемаларини олиб қочиши, одамларни гаровга олиши ва бошқа шунга ўхшаш номақбул харакатларни амалга ошириш. Булардан кўринадики, терроризмга аниқ ва яқдил

таъриф бериш анча мураккабдир. Шу фазифани имкони борича ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабр "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ти қонунда келтирилган тушунчаларнинг моҳиятини билиш орқалигина аниқлик киритиш мумкин. Ушба қонуннинг 2-моддасида терроризмга оид тушунчалар ва уларнинг моҳияти баён этилган. Жумладан, **гаровда ушлаб турилган шахс** – кўлга олинган ёки ушлаб турилган шахсни озод этиш шартлари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, ҳалқаро ташкилотларни, шунингдек, айrim шахсларни бирон - бир ҳаракат содир этишга ёки бундай ҳаракат содир этишдан тийилишига мажбур қилиш мақсадида террорчилар томонидан кўлга олинган ёки ушлаб турилган жисмоний шахс.

**Террорчи** - террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахс.

**Террорчилик гурухи** - олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган, ёки уни содир этишга суюқасд қилган шахслар гурухи.

**Террорчилик ташкилоти** - икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гурухларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви.

**Террорчиликка қарши оператсия** - террорчилик ҳаракатига чек қўйиш ва уни оқибатларини минималлаштириш, шунингдек, жисмоний шахсларни ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда террорчиларни заарсизлантиришга қаратилган келишилган ва ўзаро боғлиқ махсус тадбирлар мажмуи.

**Террорчиликка қарши оператсия ўтказилган зона** - жойнинг ёки акваториянинг алоҳида участкалари, ҳаво бўшлиғи, транспорт воситалари, бинолар, иморатлар, иншоотлар, хоналар ҳамда террорчиликка қарши оператсия ўтказилган доирада уларга туташ худудлар.

**Террорчилик фаолияти** - терроҷилик ҳаракатини уоуштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишдан, тузишдан, уларни молиялаштириш ва моддий - техника жихатдан таъминлашдан иборат бўлган фаолият.

**Террорчилик ҳаракати** - гаровга ушлаб туриш учун шахсларни кўлга олиш ёки ушлаб туриш, давлат ёки жамият арбобининг, аҳолининг миллый, этник, диний ва бошқа гурухлари чет эл давлатлари ва ҳалқаро ташкилотлар вакилларини ҳаётига тажовуз қилиш, давлат ёки жамоат аҳамиятига молик обьектларни босиб олиш, шикастлантириш, ёъқ қилиш, портлатиши, ўт қўйиш, портлатш қурилмаларини, реактив, биологик, портловчи, кимёвий ва бошқа заҳарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш ёъли билан кўркитиши, эр усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини кўлга олиш, олиб қочиши, шикастлантириш, ёъқ қилиш аҳоли гавжум жойларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда вахима қўтариш ва тартибсизлик келтириб чиқариши, аҳоли ҳаётига, соғлиғига, жисмоний ёки юридик шахслар мол - мулкига, авариялар, техноген хусусиятли ҳалокатлар содир этиш ёъли билан зарар этказиш ёки ҳавф туғдириш, таҳдидий ҳар қандай воситалар, усууллар билан ёйиш тарзида террорчилик тусидаги жиноятларни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва ҳалқаро ҳуқуқнинг умум – эътироф этилган нормаларида белгиланган террорчилик тусидаги бошқа ҳаракатларни содир этиш.

**Ҳалқаро терроризм** - бир давлат худуди доирасидан ташқарига чиқадиган террористик ҳаракатлар мажмуаси.

**Терроризмни иқтисодиёт ва аҳоли учун хавфли оқибатлари.** XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида терроризм инсоният ҳаётига катта хавф сола бошлади. Ўзининг ниятини ошкора эта бошлади. Жумладан, Ню-Ёрк (АҚШ) шаҳридаги бутунжаҳон савдо марказининг икки биноси санокли дақиқалар ичидаги эр билан яксон бўлди. Шунингдек, Ирландия ва Англиядаги "УПА", Испаниядаги "ETA", Осиёда жинояткорона фаолият олиб бораётган "АЛ-Қоида", "Кхамас" каби эр юзасининг турли бурчакларидаги 500 га яқин террорчилик ташкилотлари турли кўринишдаги қабиҳ ишларни амалга оширидилар ва ҳозирда ҳам олиб бормоқдалар. Расмий маълумотларга қараганда 1975 йилдан то бугунги кунгача дунёнинг турли мамлакатларида 10 мингта яқин террористик ҳаракатлар содир этилган.

Охирги йилларда террорчиллик услублари анча кенгайганлиги маълум. 1970 йилларда бирор шахс ёки сиёсий арбобга қарши уюштирилган террор амалиёти қўпроқ кўлланилган бўлса, ҳозирда жамоат жойларида, самолёт, автобус, поездларда портлашларни содир этиш орқали кўплаб, тасодифий кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келадиган қўпорувчиликни амалга оширишга қаратилган.

Авваллари терроризм, одамларни гаровга олишдан мақсад пул ундириш бўлган бўлса, ҳозирда террорчилар асосан, халқаро муносабатлар соҳасида ва мамлакатларда бекарорликни келтириб чиқариш борасида мўлжалланган сиёсий мақсадларга эришишини кўзлайдилар.

Бугунги кунда террористик ҳаракатларнинг янада фаоллашиш жараёни юз бермоқда. У ҳозирги кунда XXI асрнинг "глобал" муаммосига айланиб қолди.

Террорчиллик ташкилотлар ўзларида мавжуд бўлган барча имкониятларни ишга солиб, ўз мақсадига эришиш учун қонли юришларни ҳам қилмоқдалар. Улар турли хилдаги кимёвимй ва биологик куроллардан фойдаланишга уринмоқдалар. Маълумотларга қараганда 200 мартадан ортиқ шундай курол ва воситалардан фойдаланилган. Жумладан, 1994 йил Япониянинг "АВМ Синрисо" диний террористик ташкилоти томонидан "зарин" кимёвий воситасини ишлатиш оқибатида 7 киши вафот этган, 114 нафар киши турли даражадаги тан жароҳатини олган. 1995 йилда мазкур террористик ташкилот томонидан Токио метроси 16- бекатининг заарланиши оқибатида 12 ёъловчи ҳалок бўлган, 400 киши турли даражада тан жароҳати олган. Бундай заарли моддалар Қувайтда, Ироқнинг Курдистон ҳудудларида ва бошқа давлатларда кўлланилиб, кўплаб инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган.

Террористик гурухлар ёвуз ҳаракатларини амалга оширишда киши эътиборини ўзига тортмайдиган, кичик ҳажмли, ташқи томони ҳар куни фойдаланиладиган буюмлар қўринишидаги нарсалардан фойдаланмоқдалар (масалан, жомадан, сумка, селлофон пакет ва бошқалар).

Террористлар томонидан кўлланиладиган куролларнинг фойдаланиш обьектлари - одамлар кўп тўпланадиган жойлар: метро бекатлари, аэропортлар, темирёъл ва автомобил бекатлари, катта бинолар, ёпик турдаги концерт ва спорт заллари, кинотеатрлар, йирик шаҳарлардаги сув ҳайдаш тизимлари, сув омборлари ва бошқа обьектлар.

Улар қўпроқ портловчи модда ва қурилмалардан: фугас, мина, гранаталардан фойдаланадилар. Террорчиларни бундай куроллардан фойдаланиб ўз ҳаракатларини амалга оширишлари кучли таъсирга киради. Чунки, бундай портловчи қурилмалар ҳар кимнинг эътиборини ўзига тортмайди ва ўзи билан бирга уни олиб юриш имконияти юкори бўлади. Масалан "ўйинчоқ мина", "ўйинчоқ қопқонлар" ва бошқалар.

Террорчиларнинг қўллаётган турли қўринишидаги портловчи моддаларнинг хавфли майдони қўйидагicha:

- граната парчасининг тарқалиши 50-100 м;
- мина парчасининг учиши 100-300 м;
- кейснинг хавфли майдони 250-300 м ;
- жомадон, сумкага солинган портловчи модданинг хавфли майдони 350-400 м;
- автомобилга қўйилган портловчи модданинг хавфли майдони 50-300 м;
- "ўлим белбоғи" нинг хавфли майдони 50-300 м.

Террорчилар томонидан кенг кўлланилаётган куроллардан бири тупроқ остида портлатиладиган мина ва фугаслар хисобланади. Фугас ёки мина типидаги портловчи моддаларни мина изловчи жиҳозлар ёрдамида топиш мумкин эмас. Чунки бундай типдаги портловчи қурилма пластик материаллардан ясалган бўлиб, уни факат саперларнинг маҳсус таёқчаси ёрдамида аниқлаш мумкин. Буни аниқлаш жараёни ўта хавфли бўлиб, кичик бир ҳато ҳам инсон ҳаётига хавф солиши эҳтимоли жуда юқори.

Террористик ҳаракатларнинг ҳусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- а) террористик ҳаракатлар қонун устивор бўлмаган, ўзаро жипслашмаган, ривожланиш даражаси анча паст бўлган худудларда шаклланади;
- б) биринчи бўлиб ўзи шаклланган, бирлашган худудни ўз тасарруфига олишга ҳаракат қиласди;
- с) озга ривожланган мамлакатларда ҳомий излашга ҳаракат қиласди ва ҳар қандай ҳомий ёрдамини рад этмайди;
- д) тарқиботни ҳар қандай усуллардан: рекламалардан, матбуот, материаларидан, оғзаки ташвиқотлардан, турли миш - мишлардан ва ёлғон гаплар тарқатишдан ўз мақсадлари учун самарали фойдаланишга уринадилар.;
- е) улар ўзини портлатиб юборадиган (камекадзе) лар гурухини тайёрлайди ва ўз ҳаракатларини билвосита амалга оширади;
- ф) улар ҳозирги кунда фан, техника ва технологиялар ютукларидан фойдаланиб, терроризмни "глобал" муаммоларга айлантиришга уринадилар;
- г) улар ўзлари паноҳ топган мамлакатлар бошқарувини гаровга олиш ёки назоратда ушлаб турган ҳолатда кенг жамоатчиликни кўрқитищ, вахимага солиш, бўйсудириш мақсадида кўпроқ кучли ривожланган мамлакатларда террористик ҳаракатларни амалга оширадилар ва бу билан ўзларини намойиш этишга уринадилар. Бундай ташкилот ва террорчилик ҳаракати гурухларига жумладан, Саудия Арабистоннинг "Ал - Қоида", Иорданиянинг "Хамас", Испаниянинг "Ета", Палестин ислом жиҳоти "Шакаки", "Абу Нидала" кабиларни кўрсатиш мумкин).

Айни пайтда, терроризмнинг ҳам муҳим жиҳатлари мавжуд. Бу ҳусусиятлар ҳусусида АҚШ давлат департаментининг 1999 йилдаги глобал терроризм тўғрисидаги маъруzasida кўрсатиб ўтилган. Булар қўйидагилардан иборат:

1. Яҳши ташкил қилинган террористик гурухлардан тузилган ҳалқаро жиноий уюшмага айланиши. Буларни маҳаллий ҳомий давлатлар кўллаб - қувватлаб турадилар;
2. Сиёсий террордан диний ёки ғоявий асослари устун бўлган терроризмга айланиши;
3. Терроризм марказининг Яқин Шарқдан Жанубий Осиёга, ҳусусан, Афғонистонга кўчиши, террористик ташкилотлар томонидан улар жазосиз ҳаракат килиши мумкин бўлган минтақалардан жой қидириши;
4. Молиялаштиришнинг ҳомийлар, наркобизнес, уюшган жиноячилик ва ноконуний савдо-сотик каби манбааларидан фойдаланиши.

Буларнинг ичida ҳалқаро терроризмнинг энг асосий ва ҳавфли ҳусусиятларидан бири, "зўрлик - давлатни кулатвучи ва ҳокимиятга эришишни осонлаштирувчи, парокандаликка олиб келади" - деган ғояга асосланиб ҳаракат қилишdir. Бунда сиёсий масалаларни зўрлик ёъли билан ҳал килишга ҳаракат қилинади.

Бу хақда, америкалик мутахассис Б. Женкинс "Терроризм энг аввало, курбонлардан кўра, гувоҳларга қаратилган ва вахима уйғотишга ёъналтирилган зўрлик" деб баҳолайди.

Бошқа бир америкалик сияsatшунос Ж. Лонснинг таърифига кўра, терроризм бевосита курбонлардан кўра кўпроқ одамлар фикрига таъсир ўтказиш учун қилинадиган таҳдид ёки куч ишлатишdir.

Демак, ҳар бир террорчилик ҳуружининг мақсади - давлат тўнтаришини амалга ошириш, фукаролар урушини келтириб чиқаришга асосланади.

**Ҳалқаро терроризм ва унинг салбий иллатлари.** Ҳалқаро терроризм - бир давлат ҳудуди доирасидан ташқарига чиқадиган терроризмdir. Бу одамларнинг беҳуда ҳалок бўлишига олиб келувчи, давлатлар ва уларни расмий вакилларининг осойишта дипломатик фаoliyatiни бузувчи ҳамда ҳалқаро алоқалар ва учрашувларни, шунингдек, давлатлар ўртасида транспорт ва бошқа алоқаларни амалга оширишни қийинлаштирувчи ҳалқаро миқёсдаги ижтимоий ҳавфли ҳаракат ва қилмишлар йиғиндисидир. Ҳалқаро терроризм XX асрнинг 60-70 йилларига келиб ўзини яққол намоён қилди: дастлаб турли давлатлардаги жиноятчилар, ўз давлатига нисбатан экстремистик руҳдаги гурухлар

бирлашиб, ижтимоий-иктисодий жиҳатдан орқада қолаётган ва кам ривожланган мамлакатларда ҳаракат кўрсата бошлади. Халқаро террорчилар айrim давлатларнинг раҳбарларига, халқаро миқёсда обрўга эга бўлган сияsatчиларга четдан туриб суюқасд уюштириш, давлат, транспорт, алоқа ва миллий ҳавфсизлик тизимини ишдан чиқарувчи портлашлар ва ҳаракатлар содир этиш, транспорт воситалари, жумладан самолётларни олиб қочиш билан шуғулана бошладилар. 80 йилларга келиб ҳалқаро терроризм янада жиддий тус олди.

Халқаро терроризм ўзининг ёвуз ниятларини турли террористик ҳаракатлари билан амалга оширади. Жумладан:

- мустақил давлатлар чегарасини бузиш орқали амалга ошириш;
- диний экстремистик гурухлар томонидан содир этиш;
- экстремистик гурухлар таркибида қўпорувчилик ҳаракатлари бўйича хорижлик ёлланган кишиларнинг қатнашиши;
- экстремистик гурух аъзоларининг бошқа давлатлар ҳудудида ташкил этилган маҳсус лагерларда тайёргарлик қўриш;
- қўпорувчилик содир этишда, хорижий давлатлар ва экстремистик уюшмалар ёрдамида халқаро тус олган ноқонуний курол - яроқ савдоси ва наркобиснесдан келадиган манбалардан фойдаланиш.

Булардан қўринадики, халқаро террорчилар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси ортди. Террорчилар қўлига ядровий, кимёвий, биологик ва замонавий ҳужумкор қуролларнинг тушиб қолиш ҳавфи кучайди, бундай ҳолат жаҳон жамоатчилигини қаттиқ ташвишлантириб қўйди.

1977 йилда катта "еттилик" давлатлари раҳбарларининг Бонн (ГФР) шахридаги учрашувида халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида баёнот қабул қилинди. Халқаро терроризмнинг ошиб бораётган ҳавфи ва унга қарши кураш масалалари олий даражадаги кейинги барча учрашувларнинг асосий мавзуси бўлиб келди. Чунки халқаро терроризм бир тизимга бирлашиб ҳаракат қила бошлади.

Улар сафида турли давлат, миллат вакиллари, диний экстремистик руҳдаги шаҳслар, наркобизнес ва курол - яроқ савdosидan фойда қўрувчи жиноий тўдалар, ёлланиб хизмат қилувчилар пайбо бўлди. Халқаро террорчилик ва экстремистик марказида разил жиноятчиларни тайёрлайдиган маҳсус лагерлар очилди. Халқаро террорчилар аҳолини, хусусан, диндорлар ва ёшпарни давлатга, давлат ташкилотларига қарши қўйишга ҳамда ҳокимиятга қарши муқолифатни шакллантиришга ҳаракат қилди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай қўринишига қарши қатъият билан курашиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси халқаро терроризм қўринишларига қаратилган кўплаб халқаро битимларнинг: "Ҳаво кемаларини қонунга хилоф равища эгаллаб олишга қарши курашиш тўғрисида"ти 1970 йилда Гаага конвентсиясининг; "Фуқаро авиациясининг ҳавфсизлигига қарши кураш тўғрисида"ти 1971 йилдаги Монреал Конвентсиянинг; "Халқаро химоядан фойдаланувчи шаҳслар, масалан дипломатик агентларга қарши жиноаятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисида"ти 1973 йилдаги конвентсиянинг; "Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида"ти ва бошқа конвентсияларнинг иштирокчиси ҳисобланади. 2004 йилдан Тошкентда Шанҳай ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) нинг минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси фаолият кўрсата бошлади.

**Халқаро терроризмга қарши кураш.** Халқаро терроризм нафақат ташки, балки ички ҳавфсизликка ҳам даҳлдор масаладир. Чунки террорчилик ташкилотлари жангари усуслари билан ҳокимият учун курашувчи гурухларни шакллантириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб қувватлашга интилади.

Марказий Осиё давлатлари учун халқаро терроризмнинг ҳавфи 1990 йилда Наманган ва Андижонда, 1990 - 1996 йилларда тоҷикистондаги фуқаролик уруши ва можаролар давомида, 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида, 1999-2001 йилларда

Қирғизистоннинг Боткен, Ўзбекистоннинг Сурхандарё ва Тошкент вилоятларида, 2004 йилнинг март - апрел ойларида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятларида, 2004 йилнинг 11-13 май куни Андижон вилоятида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари мисолида ўзини намоён этди.

Мустакилликка эришган Ўзбекистон Республикаси халқаро терроризмнинг умумбашарий миқёсдаги хавфи эканлигидан жаҳон ҳамжамияти билан биргалиқда унга қарши қурашиш лозимлигини жаҳоннинг нуфузли минбарларида эълон қилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1993 йил 28 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош ассамбелясининг 48 сессиясида килган маъruzасида жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистон муаммосини изчил ўрганиш ва ечишга чакирди. Кейинчалик 1998 йилда Президентимиз ташабbusи билан ташкил топган "6+2" гурухини БМТ раҳбарлиги остида 1998-1999 йилларда олиб борилган фаолият Афғонистон террорчиликка қарши қурашда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу гуруҳ Афғонистон билан чегарадош 6 давлат: Хитой, Ўзбекистон, Покистон, эрон, Тожикистон, Туркманистон ва минтақа ташқарисидан таъсир кўрсатиб турган икки давлат АҚШ ва Россия вакилларидан ташкил топган эди.

Юртбошимизнинг 1999 йилда эвропа Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ) Истанбул да бўлиб ўтган саммитда 2000 йилнинг 7-8 сентябр кунлари Ню-Ёркда бўлиб ўтган БМТ бош ассамбелясининг "Мингийиллик Саммити"да, БМТ тузилмаларида терроризмга қарши қураш халқаро марказини тузиш таклифига ҳамоҳанг тарзда 2001 йилнинг 28 сентябрда БМТ доирасида терроризмга қарши қураш қўмитаси тузилди.

Шундай келишувлик асосида Ўзбекистон- АҚШ ҳамкорлигига ташкил этилган халқаро терроризмга қарши қураш борасида АҚШ харбий ҳаво кучларининг траспорт ва верталётларига Афғонистонда қидирув-кутқарув ва инсонпарварлик ёрдамини амалга ошириш учун ҳаво худуди (Хонабод тумани) очиб берилиб, терроризмга қарши вақтинчалик фойдаланиш имконияти яратилди.

Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши олиб бораётган сиёсатининг максади минтақада глобал миқёса тинчлик, барқарорликни саклаш, мамлакат мустакиллиги ва равнақи, халқнинг эркин фаровон хаётини таъминлашдир. Республикамиз ҳукумати тамонидан терроризмга қарши қаратилган коплаб халқаро шартномалардан ҳозиргacha БМТнинг 12 та, Европа Кенгаши доирасида эса 7 та халқаро шартномалари имзоланди.

Булардан ташқари, Ўзбекистон халқаро терроризмга қарши қурашдаги иштироки минтақавий ташкилотлардаги фаолиятида ҳам намоён болмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ), Марказий Осиё ҳамкорлиги Ташкилоти (МОХТ) ва бошқалар. Ўзбекистоннинг бундай ташкилотлардаги иштироки, ташабbusи, глобал ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда давлатимизнинг тутган ўрни муҳим эканлигини тасдиқлайди.

Терроризмга қарши қурашда 2000 йилда "Терроризмга қарши қураш тўғрисида"ти қонуннинг 4-моддасида терроризмга қарши қурашнинг асосий тамойиллари аниқ корсатиб берилган. Улар қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- шахс қонунлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- терроризмнинг олдини олиш чоралари устуворлиги;
- жазонинг муқаррарлиги;
- терроризмга қарши қурашнинг ошкора ва ноошкора усуулларининг устуворлиги;
- жалб этиладиган кучлар ва воситалар томонидан террорчиликка қарши отказиладиган оператсиясига раҳбарлик қилишда яккабошлилик.

Терроризмни олдини олишда давлат органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари билан биргалиқда профилактик чоратадбирлар ўтказиш орқали амалга оширилади. Бу ҳаракатларда қуйидагилар таъкидланади:

- терроризмни таъқиб қилиш;
- террорчилик гурухлари ва ташкилотларини тузиш ҳамда уларни фаолият кўрсатиши;
- террорчилик фаолиятига даҳлдор бўлган юридик шахсларни, уларнинг бўлинмалари ва ваколатҳоналарини аккредитатсия қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши;
- террорчилик фаолиятига даҳлдор чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги болмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши;
- тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатларига оид маълумотлар ва фикрларни яшириш.

Ушбу конунга биноан Ўзбекистон Республикасида қўйидаги давлат органлари терроризмга қарши курашни амалга оширади: жумладан, Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Ҳизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги, Давлат Божхона қўмитаси, Мудофаа ва Фавқулотда Фавиятлар Фазирликлари киради.

Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятини олидини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик ҳизмати томонидан амалга оширилади. Бунда иштирок этадиган ҳар бир давлат органларининг вакиллари ҳам кўрсатиб ўтилган.

Террорчилик ҳаракатларини бартараф этишда биринчи навбатда аҳоли ҳаёти хавф остида қолса ҳамда моддий ва маънавий бойликларни сақлаб қолиш мақсадида куч ишлатмаслик учун музокаралар олиб бориш мумкин. Бунда рухсат эътилган шахсларгина музокарани олиб борадилар.

Музокаралар террорчилар ҳаракатининг иштирокчилари томонидан ижобий ҳал бўлмаса, яъни улар ўз ҳаракатларини тўхтатишига рози бўлмасалар, шунингдек фуқаролар ҳаётига хавф мавжуд бўлса ҳамда моддий ва маънавий бойликларнинг ёъқ бўлиши аниқ сақланиб турган пайтда, уларни қуролсизлантириш ва ёъқ қилиш учун зарур чоралар кўрилади.

Ҳар қандай террорчилик ҳаракати муайян худудда юз беради. Терроҷилика қарши оператсия ўтказиладиган худуднинг чегаралари террорчиликка қарши оператсия ўтказиши раҳбарлари томонидан белгилнадаи. Бунда худуднинг чегараларини белгилашда унинг шароити, географик тузилиши, иншоотлар ўта муҳим обьектларнинг мавжуд ва мавжуд эмаслиги, террорчилик ҳаракатларининг кўлами ва хавфсизлик даражалари эътиборга олинади.

Террорчилик ҳаракатига қарши кураш олиб борилаётган пайтда курашаётган шахсларга конунга биноан қўйидаги хукуқлар берилади:

- зарурият тугилганда кўчада ҳаракатланувчи транспорт воситаларини ҳамда ёъловчиларни чеклаш ва таъқиғаш;
- транспорт воситаларини айрим худудларга ва обьектларга киритмаслик, ҳатто чет эл дипломатик ваколатларининг консултик транспортлари ҳам;
- аҳолини ҳавфли деб топилган худудлардан, корхона, уй, бино ва бошқа обьектлардан чиқариб юбориш;
- жисмоний шахсларнинг шахсини аниқлаш учун ушлаб туриш;
- террорчиликка қарши оператсия ўтказаётган шахсларнинг конуний талабини бажармаган, террорчилик ҳаракати содир бўлаётган худудга суқилиб киришга уринган ёки шундай ҳаракатлар содир этаётган шахсларни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш;
- Операцияни кечикириш кишилар ҳаётига ҳавф солаётган бўлса, террорчилик ҳаракати иштирокчиларини таъқиб қилиб истамаган пайтда бино, корхона, иш жойи, уй ва бошқа жойларга монеъликсиз кириш;

- террорчилар ҳаракатига қарши кураш олиб бораётган худуддан чиқаётган ёки кираётган транспорт воситаларини, жисмоний шаҳсларни текшириш;
- зарурият туғилганда, жисмоний шаҳсларнинг алоқа ва транспорт воситаларидан фойдаланиш (бунга чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳодимларининг алоқа ва транспорт воситалари кирмайди).

Террорчиликка қарши курашда мавжуд бўлган курол ва техникалардан фойдаланиш мумкин. Терроризмга қарши кураш жараёнида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликка иш олиб борилади. Шу билан бирга қўйидаги маълумотларнинг тарқалишига ёъл қўйилмайди. Жумладан:

1. Террорчилик ҳаракатини бартараф этиш ва ёъқ қилиш учун маҳсус техника усуслари ва тактик ёндашиш жараёни тўғрисидаги;
2. Ўтказилаётган оператсияни қийинлаштириб қўядиган, жисмоний шаҳслар ҳаёти ва соғлиғига ҳавф туғдирадиган;
3. Террорчилик ҳаракатларига ҳайриҳоҳлик билдирадиган;
4. Террорчилик ҳаракатини бартараф этиш фаолият кўрсатаётган ва уларга ёрдамлашаётган шаҳслар ҳақидаги маълумотлардир.

Мамлакат барқарорлигини, аҳолининг тинч ва фаровон ҳаётини бузилишига қарши қўрсатувчи шаҳслар қуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилинади. Бу ҳақда "Терроризмга қарши кураш ҳақидаги" қонуннинг 25, 26, 28 бандларида кўрсатиб ўтилган.

Демак, террористик ҳаракатлар ва улар олиб келиши мумкин бўлган оқибатларнинг олидини олиш учун сергак бўлиш, атроф-муҳитга эътибор билан қараш муҳим аҳамият касб этади. Мободо шубҳали буюмлар аниқланса уларга тегмаслик, жойидан қўзғатмаслик, кўттармаслик, ичини очмаслик лозим. Зудлик билан тегишли органларга ҳабар бериш керак.

### **Назорат саволлар**

1. Терроризм ва террорчилик ҳаракатлари қандай тушунчалар?
2. Терроризмнинг қандай турлари мавжуд?
3. Терроризмнинг салбий иллатлари нималардан иборат?
4. Халқаро терроризмнинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги" қонуннинг моҳиятини тушинтириб беринг?
6. Ўзбекистон Республикасининг халқаро терроризмга қарши олиб бораётган сиёсалари нималардан иборат?

### **ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари: «Аҳолини ва худудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» (20.08.1999 й.); «Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида» ги (20.08.1999 й.), «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги (20.05.2000 й.) ; «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида» ги (31.08.2000 й.); «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (15.12.2000 й.) қонунлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари: 4.03.1996 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги 143-сон; 23.12.1997 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида»ги 558-сон; 7.10.1998 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги 427-сон; 27.10.1998 йилдаги «Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида»ги 455-сон қарорлар.

3. М.Тожиев, И.Нигматов, М.Илҳомов «Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси» ўқув кўлланма. Т., М.Ч. «Таълим манбаи», 2002 й.

4. Нигматов И., Тожийев М. “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро мухофазаси”. Дарслик -Т., Иқтисод-молий, 2011 й.
5. Фуқаро мухофазаси асослари (марьзуза матнлари тўплами). Муаллифлар мажмуаси. Т., «Фуқаро мухофазаси институти», 2003 й.
6. Раҳмонов И., Ваҳобов У., Ёқубов Н. “Фавқулодда ҳолатларда шикастланганарга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш”, Т.: “ФАН”, 2004 й.
7. Юлдашев О., Хасанова О., Жалолов У., Турагалов Т., Артыков А., Хусанова С. “Аварийно-спасательные работы”, Учеб. пособие.-Т.:2008 г
8. «Первая медицинская помощь на месте происшествия», Учеб.пособие для добровольных спасателей, Т.: «Международная стратегия снижения риска стихийных бедствий»,2008 г.

#### **Интернет маълумотларн:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
9. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
10. [www. cottonginning.com](http://www.cottonginning.com)

### **3-МАВЗУ: ҚУТҚАРУВ, БИРЛАМЧИ ТИКЛОВ ВА БОШҚА КЕЧИКТИРИБ БҮЛМАЙДИГАН ИШЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ (2-СОАТ).**

**Режа:**

1. Қутқарув ва бирламчи тиклов ишларининг моҳияти.
2. Ҳар қандай экстремал вазиятларда қутқарув ва бирламчи тиклов омилларини ишлаб чиқич ва амалга ошириш.

**Таянч сўз ва иборалар:** Обектлар томон тизимларнинг ҳаракатланиш йўлларини разведка қилиш, шикастланган обектларга ҳаракат қилишда, ёнғинларни ўчириш ва тўсиш заҳарланган, ёнғинли, газга тўлган, сув босган жойларда ва ер остида қолган одамларни топиш ва қутқариш, шикастланган, бузилган ва заҳарланган ҳимоя иншоотларидаги фуқароларни қутқариш, ҳаво алмаштиргичи бузилган, шикастланган ҳимоя иншоотларига ҳавони етказиб бериш, шикастланган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни тиббий шохобчаларига элтиб қўйиш, ҳавфли худуддаги фуқароларни ҳавфсиз худудларга эвакуатсия қилиш.

Маълумки, душман томонидан қўлланиладиган умумий қирғин қуролларининг оқибатлари турли хил даражада бўлади. Албатта, талофот даражаси ишлатилган қурол турига, унинг қўлланилиш миқёсига боғлиқ. Мана шунда ядрорий, кимёвий, биологик ва комбинатсиялашган шикастланган ўчоқларида қутқарув ва тиклаш ишларини (ҚБТИ) амалга ошириш жуда мураккаб ахволда рўй беради, сабаби бундай пайтда ҳамма иншоотлар деярли шикастланган, ёнган, йиқилган, сув босган, атмосфера ҳамда барча ерлар заҳарланган ва шунга ўхшаш бошқа нохуш ҳолатлар кузатилган бўлади.

Худди шунга ўхшаш ҳолатлар тинчлик даврида ҳам (табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялар, фожиалар оқибатида) кузатилиши мумкин. Шу сабабдан фуқаролар муҳофазасининг энг асосий вазифаларидан бири, ҳарбий ҳолатларда ва тинчлик даврларидаги фавқулодда вазиятларда умумий шикастланган ўчоқлардаги ҚБТИ ни амалга ошириш ҳисобланади.

Шикастланган ўчоқларда ҚБТИни олиб борищдан мақсад, фуқароларни қутқариш ва заарланган одамларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, қутқарув ишларини амалга оширишда ҳалақит берадиган аварияларни тўсиш, шикастланган жойларни тиклаш ишларини амалга оширишда шароитни яратиш ва бошқа вазифаларини бажариш кўзда тутилади.

Умумий қирғин қуроллари қўлланилганда қуйидаги қутқарув ишлари бажарилади:

- Обектлар томон тизимларнинг ҳаракатланиш йўлларини разведка қилиш;
  - Шикастланган обектларга ҳаракат қилишда, ёнғинларни ўчириш ва тўсиш;
  - Заҳарланган, ёнғинли, газга тўлган, сув босган жойларда ва ер остида қолган одамларни топиш ва қутқариш;
  - Шикастланган, бузилган ва заҳарланган ҳимоя иншоотларидаги фуқароларни қутқариш;
  - Ҳаво алмаштиргичи бузилган, шикастланган ҳимоя иншоотларига ҳавони етказиб бериш;
  - Шикастланган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни тиббий шохобчаларига элтиб қўйиш;
  - Ҳавфли худуддаги фуқароларни ҳавфсиз худудларга эвакуатсия қилиш;
  - Одамларни санитар қайта ишловдан ўтказиш, уй ҳайвонларга ветеринар қайта ишлов бериш, техника, кийим-кечак, озиқ-овқат, хом-ашё, сув ва ем-хашакларни дезактиватсия ва дегазатсия қилиш;
- Бошқа бирламчи тиклов ишларига қуйидагилар киради:
- шикастланган худудлардаги (захарланган, йиқилган, бузилган иншоотлар)

йўлларни тозалаш;

- кутқарув ишларини олиб борища газли, электрли, сувли, канализатсия ва технологик тизимлардаги аварияларни тўсиш ишлари;
- шикастланган иншоотларни бузиш ёки уни мустаҳкамлаш;
- алоқа ва коммунал-енергетик тармоқлардаги фалокатларни тузатиш ва тиклаш ишлари;
- турли хилдаги портловчи қисмларни, портловчи аслаҳаларни топиш, зарарсизлантириш ва йўқотиш ишлари;

ҚБТИ ишлари куну тун, доимий равища, хар қандай табиий шароитда олиб борилади.

Умумий кирғин қуролларининг шикастланиш ўчоғида ҚБТИни олиб бориш учун, тинчлик давридаёқ туман фуқаролар муҳофазасининг бошлиғи қарори билан фуқаро муҳофазаси кучларининг харакат қилиш йўллари тузилади.

Харакатланувчан кучлар таркибига шаҳар, туман фуқаролар муҳофазасининг худудий, ишлаб чиқариш тамойилга кўра тузилган тизимлари ҳамда ҳарбийлашган фуқаро муҳофазаси қисмлари киради. Бу кучлар асосан биринчи ва иккинчи эшелондан ва қўшимча қисмлардан ташкил топади. Эшелонлар таркибига кирувчи тузилмалар узлуксиз фаолият кўрсатиш учун улар сменаларга бўлинib ишлаб чиқариш тамойилига асосланган бўлади.

Биринчи эшелонда асосан фуқаролар муҳофазаси ҳарбий қисмлари, корхонанинг обектли тузилмалари ва маълум қисмдаги худудий тузилмалари харакатланади. Бунда фуқаролар муҳофазасининг ҳарбий қисмлари ва худудий тизимлари асосан шаҳар, туман фуқаролар муҳофазаси режасига асосан халқ ҳўжалиги тармоқларининг энг муҳим обектларида ҚБТИ ишларини бажарадилар.

Иккинчи эшелон тизимлари асосан биринчи эшелон тизимлари кучини ошириш ҳамда фаолият кўрсата олмайдиган тизимлар ўрнини эгаллаш мақсадида харакатланади. Обектнинг фуқаролар муҳофазасини харакатланувчан кучлари асосан умумий отряди, кутқарув отряди ҳамда ишларни бажарувчи тизимлардан ташкил топган.

Фуқаролар муҳофазасининг техника воситалари ҳамда кучлари шикастланган худудга жуда қисқа вақтда кириши, ҚБТИ ишларини муваффакиятли бажариши, замонавий техникадан унумли фойдаланиши, иш жараённида қўл остидаги кучларни, тизимларни алмаштириб туриши ва бошқа ишларни бажариши лозим. Албатта, турли хилдаги техникалардан фойдаланмай шикастланган худудда катта, унумли ишларни бажарив бўлмайди. Фақатгина механизмлар ёрдамигина, жумладан, қурилиш ва йўл машина ва механизмлари, коммунал-техника жиҳозлари ёрдамида, ер остида, бузилган, ёнаётган, газга тўлган иншоотлар ичида қолган, бузилган ҳимоя иншоотлари остида қолган фуқароларни қутқариш ва бошқа ишларни бажариш мумкин.

Бажариладиган ишларни тавсифига қараб механизмларни куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- босиб қолган ҳимоя иншоотларини очиш, тўсилиб қолган, босиб қолган жойларни очиш ва тозалаш, йўлларни тозалашда ишлатиладиган машина ва механизмлар (екскаваторлар, тракторлар, булдозерлар, кранлар, юк ташувчи машиналар ва бошқалар).
- босиб қолган чиқиши жойлари тўсилиб қолган иншоотларда тешик очиш учун ишлатиладиган пневматик жиҳозлар (пармалайдиган ва уриб синдирадиган болғалар).
- металларни кесувчи жиҳозлар.
- сув хайдайдиган механизмлар (насослар, сув сепадиган машиналар, ёнгинни ўчирувчи ва бошқалар)
- сув йўллари оқали ташувчи механизмлар (паромлар, трайлер-тягачлар, юк ташувчи притсеплар)
- таъмирловчи ва хизмат қилувчи жиҳозлар (таъмирловчи қисмлар, бензин, сув куйиш, ёритувчи масканларда ва хизмат кўрсатувчи масканларда қўлланиладиган жиҳоз ва механизмлар).

ҚБТИ ишларини муваффақиятли бажаришда механизм ва машиналардан оқилона фойдаланишдан ташкари, разведка ишларини ўз вақтида ташкил этиб ўтказиши, күрсатилган муддатда ишончли маълумотларга эга бўлиши, шикастланган ўчоқда бажарилиши лозим бўлган ишларга тузилмаларни жалб этилиши, ишларни бажаришда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши, тузилма бошлиқларининг шикастланган ўчоқдаги ишларнинг тавсифини олдиндан ўрганиши, коммунал-енергетик ва технологик жараёнларга эътибор бериши, худудда сакланадиган КТЗМ ўрни, ҳимоя иншоотларининг жойи, тавсифномаси ва бошқа вазифаларга катта эътибор берилади.

ҚБТИ ишлари ўша обектнинг фуқаро муҳофазаси штаби томонидан олдиндан режалаштирилади ва фавқулодда ҳолатда қўл остидаги кучлар, маблағлар, техникалар, бажарадиган иш ҳажми аниқлаштирилади.

**Қутқарув ва бирламчи тиклаш ишларини шикастланган ўчоқда олиб бориши усуллари.** Маълумки, ҚБТИни бажариш усуллари ва қоидалари, ўша шикастланган ўчоқда ҳаракатланувчан тузилмаларга ҳалакит берувчи омиллар даражасига караб танланади. Жумладан, шикастланган иншоотларни тавсифига, коммунал, энергетик ва технологик тармоқлардаги авария даражасига, ўша жойдаги радиактив ва кимёвий заарланиш даражаси ҳамда ёнгин миқёсига караб усуллар танланади. Чунки радиактив, кимёвий ва биологик шикастланган ўчоқларда шикастланиш ҳар хил даражада ва миқёсда бўлганлигидан ҚБТИ усуллари ҳам ҳар хил тартибда қўлланилади. Масалан, ядроий шикастланган ўчоқда колган одамларни қутқариш ва бошқа қутқарув ишларини бажариш учун биринчи навбатда, шикастланган иншоотлар, ҳимоя иншоотларига борадиган йўл, йўлакларни очиш ва тозалаш ишлари амалга оширилади.

Бунинг учун бир томонлама ҳаракатланувчан йўллар 3-3,5 м кенглиқда, икки томонлама ҳаракатланувчан йўллар учун эса 6-6,5 м кенглиқда тозаланади ва очилади. Бундай йўлларда ҳар 150-200 м.га 15-20 м узунликдаги разездлар қўйилади. Йўл ва йўлакларни тозалашда барча механизmlар (булдозер, кранлар ва бошқалар) билан иш кўрилиб, ёнгинга карши тузилмалар ҳам биргалиқда ҳаракатланиб, ёнаётган иншоотларни ўчиради. Кейин бузилган бинолар, ер остида колган одамлар ва ёнгинли уйда қолиб кетган фуқароларни қутқариш ҳарбийлашган фуқаро муҳофазаси қисмлари ва тузилмалари томонидан амалга оширилади, бунда ишга яроқли фуқаролар ҳам иштирок этадилар. Бунинг учун дархол разведка маълумотларига караб иншоотларда колган одамлар билан турли хил услублар орқали алоқа боғланади. Масалан, ҳаво кирадиган тешиклар, девор, эшиқ, сув ва иссиқлик таъминоти қувурларини тиққилатиш орқали. Ер остидаги, ҳимоя иншоотларидаги одамларни қутқаришдан олдин унга ҳаво берилади. Бунинг учун ҳаво берувчи тешиклар тозаланади ёки деворлардан тешик ҳосил қилинади.

Бошпаналарини очиш усуллари, унинг тузулишига ва шикастланиш даражасига караб танланади. Яъни иншоотнинг чидамлилиги, ён томонданми, қўшимча эшик томони очиладими, деворлари тешилиб, йўлакча ҳосил қилинадими ёки бошқа йўллари тайёрланадими, булар ўша иншоотнинг ахволидан келиб чиқсан ҳолда танланади. Кейин шу иншоотлардаги одамлар қутқарилиб, уларга тиббий ёрдам кўрсатилади.

Худди шунга ўхшаш ишлар тинчлик даврида ҳам, табиий оғатлар, кучли ер силкиниши натижасида ҳам олиб борилади. Масалан, Афғонистон, Мексика, Арманистон, Ҳиндистон ва бошқа ер силкинишлари ни ёдга олиш мумкин. Бу ерларда ер остида колган одамларни қутқаришда жуда катта (16 т) юк кўтаргичлари, проекторлар туну кун ишладилар. Бузилган жойларда колган одамларни 2-3 ҳафта давомида қутқарилган ва яшаётган фуқаролар борлиги аниқланган. Масалан, 1985 йил Мексикада бўлган ер силкиниши оқибатида 13 суткагача ҳаробалар остида қолиб кетган 4,5 минг одам қутқарилган. Арманистондаги ер силкинишида эса 5 кундан кейин қутқарилганлар сони 5398 кишини ташкил этган. Бу фалокатда Франсия, Англия, АҚШ, Швейтсария ва бошқа давлатларнинг қутқарув қисмлари иштирок этдилар ва ўзларининг энг замонавий ускуналари ҳамда бошқа воситалардан фойдаланиши, бир қанча одамларни тирик сақлаб колганлари маълум.

Юқорида айтиб ўтилган шикастланган ўчоқларда фақатгина күткарув ишларини бажармасдан, бирламчи аварияни тиклов ишлари ҳам бажариладики, бунда күткарув ишларига ҳалақит берувчи авариялар ҳамда янги фалокатларни келтириб чиқарувчи авария ва талофотланишларнинг олди олинади. Чунки булар оқибатида фуқаролар қўшимча талофот олишлари мумкин. Бунинг учун сув тармоғи канализатсияси, газ, электртармоқларидағи аварияни тузатувчи тузилмалар ҳам жалб қилинади. Албатта, бу ишларга умуммақсадли тузлиамлар ҳам жалб этилади. Юқоридаги аварияларнинг олдини олишни асосий йўли бу шикастланган участкаларга сув, газ, электр ва бошқа сабаб бўлиши мумкин бўлган омилларни келишини тўсиш хисобланади. Бунда турли хилдаги тўсиш омилларидан фойдаланилади. Масалан, иншоотларнинг деворлари турли хилдаги тирговучлар орқали мустахкамланади, бузиладиганлар эса тамоман бузиб ташланади. Чунки бу ишларни қилмасдан туриб, одамларни күткариш хавфли хисобланади.

**Кимёвий шикастланган ўчоқда күткарув ишларини бажариш** бирмунча олдингисидан фарқланади. Бу ҳолатда биринчи навбатда огохлантириш белгиси «Кимёвий тревога» берилиб, дарҳол ўша жойга радиатсия, кимёвий ва тиббий разведка бўлимлари юборилади. Улар шикастланган жойни, вақтни, қўлланилган қурол турини (ёки заҳарли моддалар - КТЗМ), заҳарланган худуд ўлчамини ва уни тарқалиш йўлини аниқлаб берадилар. Мана шуларга асосланиб бу обект фуқаролар муҳофазаси бошлиғи қарор қабул қилиб, ўзи күткарув омилларини ҳамда кимёвий заарланишни тўсиш омилларини ташкил этади. Бундай ҳолатларда күткарув ишларига биринчи навбатда санитар дружиначилари, умумий отряд, заарсизлантириш гурухлари ва механизатсия тузилмалари жалб этилади.

Бунда ҳар бир тизимлар аниқ вазифа ва техникалар, жиҳозлар билан таъминланади. Чунончи:

- Санитар ва күткарув тузилмаларига иш жойларини, транспорт воситаларини, заарланган одамларни ўчоқдан олиб чиқиш, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва эвакуатсияни ташкил этиш вазифалари;
- Радиатсияга қарши (РҚ) ва кимёвий ҳимоя (КТҚ) ҳамда умумий тузилмаларга күткарув ишларининг жойи, КТЗМ сақланадиган жойлардаги аварияни тўсиш ва заҳарланган иншоотларни, атроф-муҳитни дегазатсия қилиш ишлари;
- Заарсизлантириш гурухларига дегазатсия бажариладиган иш жойлари, обектлари, дегазатсия қилувчи эритмаларни тайёрлаш ва машиналарни тўлдириш, дегазатсия ишларини олиб бориши юклатилади;

Кимёвий ўчоқда күткарув ишларини бажариши лозим бўлган вазифалар олингандан кейин ҳар бир тузилма бошлиқлари ўз қўл остидаги фуқароларни якка тартибдаги ҳимоя воситалари, антиidotлар, ШКП-8 билан таъминлайдилар. Шундан кейин улар разведка, санитар дружина, РҚ ва КТҚ тузилмаларидан кейин иш жойларига бориб, вазифаларини бажаришга киришадилар. Бунда биринчи бўлиб заарланган одамларга ёрдам кўрсатилади, яъни газниқоб кийдирилади, антиidot берилиб, тиббий ёрдам кўрсатилади ва улар ҳар хил заарланиш тоифаларига бўлиниб, сўнгра тиббиёт шохобчаларига эвакуатсия қилинади. Заарсизлантирувчи тузилмалар, ҳамма йўллар, иншоотлар, техникалар дегазатсия қилинади. Шу тариқа кимёвий шикастланган ўчоқда күткарув ишлари бажарилади.

**Биологик шикастланган ўчоқда эса** биологик разведка ва бактериал моддалар хили, карантин ёки обсерватсия режимини қўлланилиши; санитар-експертиза, озиқ-овқат маҳсулотлари, сув, емларнинг заҳарланганлигини аниқлаш ва уларни заарсизлантириш; эпидемияга қарши, санитар-гиеник, ветеринария ишлари ва бошқа омиллар амалга оширилади.

Бу ишларни олиб борища биологик шикастланган ўчоқда санитар-епидемеологик маскан, ветеринария маскани, эпидемияга қарши ҳаракатланувчан отряд, шифохоналар, поликлиника, ветеринария тармоқлари ва бошқа медитсина тармоқлари жалб этилади. Улар биринчи навбатда оғир касаллик тарқатувчилардан саклаш учун

профилактик омиллар олиб боришидади. Бунда турли хилдаги таъсир этувчи антибиотиклардан ҳамда ШД-2 дан, газниқоблардан фойдаланилади.

Худудда касаллик тарқатувчининг аниқ тури топилгандан кейин, унга қарши маҳсус дорилардан фойдаланилади. Шундан кейин шикастланганларнинг касалланиш ҳолатига қараб ҳар хил даражада тузатиш муолажалари олиб борилади. Улар дархол касалхонага ётқизилади ва жуда оғирлари маълум жойга, маҳсус гурухлар ёрдамида эвакуатсия қилиниб ўша ерда даволанадилар.

Биологик ўчоқнинг тутатилиши у ердаги охирги одамни тузалиб кетиш вакти билан аниқланади. Биологик ўчоқда ҳаракатланувчан қисмлар, у ердаги юқувчан касаллик билан касалланмасликлари учун ҳамма омилларни олиб бориш керак, яъни касаллар билан мулоқатда бўлмаслик, иншоотлар, хоналар, атроф-муҳит заарсизлантириб турилиши, кийим-кечакларни дезинфексия қилиб турish ва ўзини санитар - қайта ишловдан ўтказиб турish талаб этилади. Мана шуларга риоя қилиб, ҳаракатланувчи тузилмалар ҳеч қандай йўқотишиз, ўз вазифаларини бажариб борадилар. Мураккаблашган шикастланиш ўчоғида ҚБТИ ни олиб бориш, алоҳида-алоҳида ўчоқларда олиб борилган ишларга нисбатан бир неча ўн баробар оғир ҳисобланади. Чунки бу ҳолатда вазият жуда мураккаб бўлиб, ўчоқдаги шикастлантирувчи омиллар турини аниқлаш жуда оғир ҳисобланади. Булардан ташқари, бундай ўчоқда бирор омилга қарши олиб бориладиган тадбирлар иккинчи омилга тамоман тескари бўлиши мумкин. Масалан, хавфли эпидемия билан касалланган одамларни даволашда фойдаланиладиган карантин омили кучли бинар-хусусиятли кимёвий қуроллар ишлатилганда қўлланиладиган эвакуатсия ва бошқа воситалар. Мураккаблашган ўчоқда бирор услубий кўрсатма асосида эмас, ҚБТИни шароитини аниқ ўрганиш орқали, ўша ердаги вазиятдан келиб чиқкан ҳолатда олиб борилади.

#### **Ишлаб чиқариш тармоқларидағи аварияларда қутқарув ва тиклаш ишлари.**

Ишлаб чиқариш жараёнларидағи авариялар тасадифан содир бўлиб, унинг кўлами тез кенгаяди ҳамда инсонларнинг ҳаёт фаолиятига катта хавф солади. Ишлаб чиқаришдаги аварияларнинг содир бўлиши, кўпроқ ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятига боғлиқ бўлиб, кўпчилик ҳолларда бундай фалокатлар иккиласмичи салбий таъсирларни юзага келтириб, атроф-муҳиттага катта зарап келтиради. Масалан, бундай ҳолатлар нефтни қайта ишлаш, кимё, ёқилғиларни қайта ишлаш, кончилик саноат тармоқлари, биотехнологик жараёнлар кечадиган ҳамда КТЗМ ларни ташиш жараёнидаги хатоликлар натижасида кўпроқ юзага келади. Бундай фалокатлар юз берган обектдаги фуқароларни ва обект атрофида яшайдиган аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш ҳамда уларни муҳофазасини ташкил этиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифаларга жароҳат олган аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни даволаш шоҳобчаларига жойлаштириш ишлари ҳам киради.

Обектнинг аварияга учраган жойлари разведка қилиниб, ёнгин чиққан худудларда ёнгинни ўчириш ва уларнинг кўламини чеклаш ҳамда содир бўлиши мумкин бўлган бошқа нохуш вазиятларни олдини олиш ишлари олиб борилади. Аварияга учраган обектлардаги шикастланган бино, конструкциялардан, газга, тутунга тўлган иншоотлардан эҳтиёт бўлиш керак. Чунки, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қиласлик инсон учун салбий ҳолатларга олиб келади. Шунинг учун ҳар қандай муҳофаза вазифаларини бажаришдан олдин қулақ тушиш эҳтимоли бор бўлган бино қисмларини мустахкамлаб ёки бузуб ташлаб, ундан кейин ҳаракат қилиш керак. Баъзи бир фалокатлар содир бўлганда ёқилғи ёки хавфли суюқликлар сифимидан оқиб кетиши ва тарқалиши оқибатида кучли ёнгинлар, портлаш ҳодисаларининг келиб чиқишига ва ўз навбатида атроф-муҳитни заҳарланишига олиб келади. Шу сабабдан авария оқибатларини бартараф этиш ишларини олиб боришида бундай салбий ҳолатларга асосий эътиборни қаратиш лозим. Шунинг учун аварияга учраган обектларда иш олиб борилаётганда обект атрофи тўсиқлар билан ўралади, ҳамда қўриқчилар ёки кузатувчилар билан таъминланади.

**Заарланган объектларни маҳсус ишловдан ўтказиш.** Душман томонидан қўлланилган қирғин қуроллари оқибатида инсонлар, атроф-мухит, сув, озиқ-овқатлар, техника, транспорт воситалари ва иншоотлар радиактив заррачалар, заҳарли моддалар ва бактериал моддалар билан заарланиши мумкин. Шу сабабдан фуқароларни мана шу заарланишдан сақлашда маҳсус ишлов бериш омиллари бажарилади. Маҳсус ишлов бериш омили - умумий қирғин қуроллари талофотларини йўқотиш жараёнининг асосий қисмини ташкил этиб, у кутқарув ва тиклаш ишларини олиб борища комплекс вазифаларни ўз ичига олади.

Маҳсус ишлов бериш омили - тўлиқ ҳамда қисман ишлов бериш хилларига бўлинади. Тўлиқ ишлов бериш омили дейилганда қўйилган вазифаларни бажаришда ҳеч қандай ҳимоя воситаларисиз амалга ошириш, яъни - хавфсиз шароит яратиш тушунилади. Қисман ишлов бериш омилларида эса қўйилган вазифаларни фақат терини химояловчи воситаларисиз амалга ошириш шароити тушунилади. Маҳсус ишлов бериш омили - атроф-мухитни заарсизлантириш ҳамда фуқароларни санитар қайта ишлов беришдан ташкил топган.

Техника ва транспорт воситаларини заарсизлантириш автосервис ва бошқа таъмирловчи корхоналарда амалга оширилади. Фуқароларни санитар ишловдан ўтказиш эса ҳаммом, душхона ва бошқа маҳсус ювениш жойларида амалга оширилади. Заарсизлантириш омилига дезактиватсия, дегазатсия ва дезинфекция жараёнлари киради.

**Дезактиватсия** дейилганда, заарланган воситалардан (кийим-кечақ, ҳимоя воситалари, сув, техника, транспорт воситалари) ҳамда иншоотлардаги радиактив моддаларни активлигини йўқотиш тушунилади. Дезактиватсиянинг тўлиқ ҳамда қисман хили мавжуд бўлиб, у асосан механик ва физик-кимёвий усул билан олиб борилади. Механик усулда - радиактив моддалар билан заарланган сирт юзаларини артиш орқали йўқотилади. Физик-кимёвий усулда эса радиоактив моддалар турли хилдаги кимвий модда эритмалари билан ювиш амалга оширилади. Дезактиватсияда асосан сув ишлатилиб, радиоактив моддаларнинг ювилувчанлигини оширишда, сирт-актив ҳамда комплекс ҳосил қилувчи моддалар, кислоталар ва ишқорлар ишлатилади. Булар: СФ-2, ОП-7, ОП-10, НазПО<sub>4</sub> трилон Б, шавел, лимон кислоталари ва унинг тузлардир.

**Дегазатсия омили** - заҳарловчи моддаларни парчалаб, заарсиз моддалар ҳосил қилиши ҳамда уларнинг миқдорини камайтириш ҳисобланади. Дегазатсия омили маҳсус техникалар ёрдамида амалга оширилади. Дегазатсия қилувчи моддаларга кимёвий моддалар кириб, улар оксидловчи хлорли бирикмалар (гипохлоридлар, хлорамин) ва ишқорий бирикмалар (НаОН, сода, аммиак, аммиакли тузлар) киради. Бу бирикмаларнинг ҳаммаси эритма ҳолида ишлатилади.

Еритувчи сифатида: сув, дихлоретан, трихлоретан, бензин ишлатилади. Дегазатсия қилувчи эритма №1, 5 фоизли гексахлормеламин ёки 10 фоизли дихлорамин эритмаси иприт ва бошқа кимёвий қуролларни заарсизлантиришда ишлатилади. Дегазатсия қилувчи эритма №2, 2 фоиз НаОН, 5 фоизли моноетаноламин ва 20 фоиз аммиакли сув эритмасидан ташкил топиб, зоман типидаги заҳарловчиларни заарсизлантиради. Терини касаллантирувчи ва асабни фалажловчи заҳарли моддаларни заарсизлантиришда хлорли оҳак эритмаси ишлатилади.

Кимёвий қуроллар билан заарланган атроф-мухит кимёвий ёки механик усулда дегазатсия килинади. Кимёвий усул бўйича юкорида айтилганидек, дегазатсияловчи модда эритмалари билан қайта ишланади. Механик усулда эса заарланган жойларнинг устки қисмлари (7-8 см қалинликда) олиб ташланади ёки ўша жойнинг устини қалин сомон, тахталар билан беркитилиб, ҳимоя қилинади. Дезактиватсия ва дегазатсия омилларининг тозалиги дозиметрик ва кимёвий асбоблар билан текширилади.

**Дезинфекция омили** – биологик шикастланиш ўчоғида олиб бориладиган заарсизлантириш тадбирлари ҳисобланиб, уни олиб бориши усуллари ва қоидалари иккинчи бобда батафсил келтирилган. Дезинфекция омилларининг тозалиги бактериологик усул орқали назорат қилинади.

**Санитар қайта ишлаш.** Бу омил маҳсус қайта ишлов бериш усулининг асосини ташкил этиб, у фуқароларни радиактив, захарловчи моддалар ва бактериал туманлар билан заарланишнинг олдини олишда қўлланиладиган ҳар томонламали омилларидан ташкил топган. Санитар қайта ишлаш, қисман ва тўлиқ турларга бўлинади. Қисман санитар қайта ишлаш - барча кийим-кечак, якка тартибдаги ҳимоя воситалари, очиқ қолган териларни механик усулда тозалаш хисобланади.

Тўлиқ санитар қайта ишлаш - тана аъзоларни заарсизлантирувчи усулларни қўллаш (ювиш, дезинфексия қилиш) тушунилади. Бу барча тана аъзоларини, кийим-кечак, ҳимоя воситалар ва бошқаларни заарсизлантириш мақсадида қўлланилади. Бу усул бўйича шикастланган худуддан чиқкан фуқаролар, ишчи-хизматчилар, тузилмалар жалб қилинади.

Тўлиқ санитар қайта ишлаш омили маҳсус қурилган юваниш шоҳобчаларида амалга оширилади. Бунда фуқаролар бир томондан кириб, кийим-кечак, ҳимоя воситаларини ечиб, ювиниб, оғиз, кўз ичларини зарасизлантириб, иккинчи томондан дозиметриқ, кимёвий текширувдан ўтиб, сўнгра тоза кийим-кечак кийишади ҳамда иккинча дозиметрик кўриқдан ўтилади. Заарланган кийимлар, ҳимоя воситалари, маҳсус усуллар ёрдамида заарсизлантирилади.

Шикастланган худуддан чиқища юқорида айтилган муолажалар юқори савияда ўтказилса, заарланиш миқёси шунча кичик ва талофотларга учрашнинг олди олинган бўлади.

Заарланган жойларни заарсизлантириш ишлар тамом бўлгандан сўнг ҳар бир фуқаро тўлиқ санитар қайта ишловдан ўтиши керак. Бу муолажа ҳаммомларда, душхоналарда ёки маҳсус юваниш жойларида амалга ошириш керак. Бу жойларда заарланган кийим-кечаклар, ҳимоя воситалари, бир жойга эчилиб, кейин юваниладиган хонага кирилади ва совун, мочалка билан ҳамма тери устилари зарасизлантирилади. Ювиниб бўлгандан сўнг дозиметрик кўриқдан ўтилади ва янги заарсизлантирилган кийим-кечак кийилади ҳамда иккинчи дозиметрик кўриқдан ўтилади. Мана шундай муолажалардан ўтган фуқаро, заарли таъсирлар талофотларига учрамайди ва уни олдини олган бўлади.

**Табиий офат, авария ва фожеаларда талафот кўрганларга тиббий ёрдамни ташкил этиш.**

Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида фавқулодда вазиятлар юз бергандা жабрланганларга тиббий хизмат кўрсатиш тизими ўзининг самараасизлигини кўрсатди. Бунинг асосий сабаби, бир томондан тез тиббий ёрдам кўрсатиш билан тиббий таъминот (соғлиқни сақлаш муасасаларининг куч ва воситалари) имкониятлари ўртасидаги номутаносибликтининг барча соғлиқни сақлаш тизмларида юзага келиши бўлса, иккинчи томондан эса, тинчлик даврида бўладиган табиий офатлар, йирик авария ва ҳалокатлар оқибатида талофот олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш етарли ташкил этилмаганлигидандир. Мана шу камчиликлар натижасида санитария талофоти оммавий тусга кириб, катта миқёсидаги ҳам моддий, ҳам маънавий заарларни келтириб чиқарган ҳамда атроф-мухитни издан чиқишига олиб келган. Бундай камчиликларни тутатиш мақсадида мамлакатимизда Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги Фармонига мувофиқ 1999-2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга мўлжалланган дастур қабул қилиниб, унда «Ҳалокатлар тиббиёти» хизматини ташкил этиш кўзда тутилган. Дастурда тез тиббий ёрдам хизматини ривожлантиришга катта эътибор берилган. Шуларга асосланган ҳолда, Тошкент шахрида Шошилинч Тиббий ёрдам Давлат Илмий Маркази (ШТЁДИМ) ташкил этилди. Ўз навбатида республиканинг барча вилоятларида ҳам ШТЁДИМнинг филиаллари ташкил этилиб, улар ШТЁДИМ таркибий қисмларини ташкил этади. Бу марказда асосан реаниматсия-жарроҳлик ва реаниматсия-интенсив даволаш муолажаларини бажаради. ШТЁДИМ ва унинг минтақави филиаллари таркибига тез тиббий ёрдам ва санитар авиятсияси хизматлари киради. ШТЁДИМ

хузуридаги тез ёрдам хизматида 2 та бўлинма: 1 – тез ёрдам хизмати (доимий бригадалар) ва 2 – маҳсус ёрдам хизмати (реаниматсия бригадалари) фаолият кўрсатади.

Ҳалокатлар тиббий хизматининг асосий вазифаси шикастланган ўчокларда авария-күтқариш ишларини олиб бориш ҳамда тиббий-санитария таъминоти самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Яъни унинг бош мақсади - шикастланганларни иложи борича кўп күтқаришдир.

Ҳалокатлар тиббий хизмати, амалдаги тиббий хизматнинг куч ва воситаларидан самарали фойдаланади, у уч таркибий қисмдан ташкил топади. Биринчи қисмга – бошқарув тизими, бу тизим республика даражасида фаолият кўрсатиб, у соғлиқни сақлаш вазири бошчилигига турли вазирлик ва идоралар вакилларидан ташкил топган идоралараро мувофиқлаштирувчи ҳайъатдан иборат. Махаллий даражадаги бундай ҳайъатларга, соғлиқни сақлаш бошқармалари ва маҳаллий бўлимларнинг раҳбарлари бошчилик қилади.

Бошқарув тизимлари фавқулодда вазият юз берган вақтдан иш бошлаб то унинг оқибатлари тўлиқ бартараф этилгунча фаолият кўрсатадилар.

Ҳалокатлар тиббий хизматининг иккинчи таркибий қисмини – амалдаги тез тиббий ёрдам тизими ташкил этади. Ҳалокатлар тиббий хизматининг асосий бўғинини кечикириб бўлмайдиган ихтисослашган тиббий ёрдам хизмати (1-босқич), ҳамда ШТЁДИМ, ва унинг минтақавий филиаллари ва туман марказий касалхоналари (2-босқич) ташкил этади. Бунда ШТЁДИМ – саралаш – эвакуатсия госпиталлари тарзида, туман марказий касалхоналари эса – ихтисослашган касалхоналар сифатида фаолият кўрсатади.

Ҳалокатлар тиббий хизматининг учинчи таркибий қисмини – ихтисослашган хизматлар ташкил этиб, у доимо тайёр турадиган маҳсус тузилмаларни ўз ичига олади. Бундай тузилмаларга: иккинчи босқични кучайтиришга мўлжалланган ихтисослашган шошилинч тиббий ёрдам бригадалари; 1-босқични кучайтиришга мўлжалланган шошилинч тиббий ёрдам бригадалари киради. Бу тузилмалар асосан ўртacha ҳалокатлар содир бўлганда фаолият кўрсатади. Катта ҳалокатлар юз берганда захирада қолган, ихтисослашган кўчма госпиталлар ишга солинади.

Ҳалокатлар тиббий хизматининг асосий йўналишларидан бири аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда фавқулодда вазиятларда хатти-харакат қоидаларини ўргатишдан иборат.

**«Ҳалокатлар тиббиёти» хизматининг ташкил этилиши ва унинг вазифалари.** Фалокат ва ҳалокатларда тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этишда ҳалокатнинг микёси ва санитария талофотининг ҳажмига қараб белгиланади. Албатта таббий оғат ёки катта ишлаб чиқариш авариялардан санитария талофоти катта микёсида бўлганда, бунинг оқибатларини тутатища маҳсус ёндошувлар талаб этилади. Жумладан, бундай ҳолатларда жабрланганларга иложи борича талофот ўчоининг ўзида ёки унга яқин бўлган жойда тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим бўлади.

Катта микёсидаги фавқулодда вазиятларда тиббий ёрдамни ташкил этишда куйидаги ишлар бажарилади:

- Шикастланган ўчокларни тиббий разведка қилиш;
- Жабрланганларни кидириб топиш ва уларни күтқариш;
- Жабрланганларни саралаш;
- Жабрланганларни эвакуатсия қилиш;
- Тиббий ёрдам бериш ва даволаш.

Шикастланган ўчокларни разведка қилишда – аҳолини сони, тиббий хизмат кучлари ва воситаларининг сони, талофот даражаси, йўллар ва сув манбаларининг мавжудлиги, ҳамда уларнинг ахволи ҳақидаги маълумотлар олинади.

Жабрланганларни қисқа вақт мобайнида (бир неча соатдан – бир суткагача) кидириб топиш ва күтқариш талаб этилади, ҳамда иложи борича уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш омиллари бажарилади. Бу омилларнинг бажарилишида күтқарув тизимларидан

ташқари, ўт ўчирувчилар, жамоат тартибини сақловчи, ҳарбий қисмларнинг ходимлари ҳамда кўнгилли фуқаролар бажарадилар.

Жабрланганларни саралаш тиббий хизматининг асосий вазифаси ҳисобланади. Саралаш – тиббий ёрдамнинг ҳажмини, турини, ҳамда ёрдам кўрсатишнинг кейинги босқичларини ҳисобга олиб, жабрланганларни транспортларда ташиш имкониятлари ва навбатини аниқлади.

Жабрланганларни эвакуатсия қилиш – талофот олганларнинг шикастланган ўчоқлардан олиб чиқиш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳамда даволаш учун тиббиёт муассасаларига олиб бориш тадбирларидан иборат. Бунда тиббий ҳисобга олиш варакаси тўлдирилади ва ярадорларни транспорт воситалари (темир йўл, автомобил, сув ва ҳаво йўли) ёрдамида эвакуатсия қилинади.

Даволаш муассасаларига келтирилган сараланган жабрланганларга малакали ва ихтисослашган тиббий ёрдамлар кўрсатилади.

Шундай қилиб шикастланган ўчоқда қолган жабрланган аҳоли тиббий ёрдамнинг ҳамма турлари билан: биринчи тиббий ёрдам, биринчи шифокор ёрдами, малакали ва ихтисослашган тиббий ёрдами бирин кетин кўрсатилади.

**Биринчи тиббий ёрдам.** Шикастланган ўчоқларда талафот олган фуқароларга шу жойнинг ўзида ҳаётий кўрсаткичларга мувофиқ кўрсатиладиган биринчи тиббий ёрдам тушунилади. Ўз вақтида ва тўғри кўрсатилган биринчи тиббий ёрдам шикастланган одамнинг ҳаётини саклаб қолади ва салбий оқибатлар ривожини олди олинади. 19-расмда айрим турдаги фавқулодда ҳодиса содир бўлганда кўрсатиладиган биринчи тиббий ёрдам усуслари келтирилган.

Албатта бу ерда фавқулодда вазиятнинг шикастловчи омилларни тўхтатиш (сувдан олиб чиқиш, ёнаётган кийимларни ўчириш, ёнаётган, газга тўлган уйлардан олиб чиқиш ва бошқалар) чораларни кўрган холда хатти-харакат қилиш керак.

Талафот олган кишини тиббий кўриқдан ўтказища шифокор қуидаги тартибдаги текширувларни ўтказади:

- Оғиз бўшлиғи ва юқори нафас йўлларини текшириш (оғизни бегона нарсалардан тозалаш);
- Нафас олиш харакатларини текшириш (ўпкага сунъий нафас бериш ва юракни бевосита уқалаш);
- Қон томирлари бутунлигини аниқлаш (қон томирларидан оқаётган қонни тўхтатиш, айниқса артериал томирлардан);
  - Юрак-қон томир тизимини текшириш (томир уришини);
  - Сезги аъзоларини текшириш;
  - Шикастланган кишини нутқини текшириш.

Биринчи тиббий ёрдам беришнинг энг қисқа вақти – шикастланган вактдан бошлаб 30 мингача, нафас олиши тўхтаган бўлса 5-7 минутгача амалга оширилиши лозим. Захарланган ҳудудларда 30 минут ичida биринчи тиббий ёрдам кўрсатилса, уларнинг умумий ахволининг оғирлашуви икки баробарга камаяди.

Демак, жароҳат олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш вақти ниҳоятда мухим ҳисобланади. Маълумотлар кўрсатишича, жароҳатланганларга бир соат мобайнида ёрдам кўрсатилмаса ўлимга сабаб бўлиш 30 фоизга, 3 соатгача ёрдам кўрсатилмаса 60 фоиз ва 6 соатгача ёрдам кўрсатилмаса 90 фоизгача ортади.

Биринчи тиббий ёрдамни жароҳат олган кишининг ўзи ёки унинг ёнида бўлганлар (аҳоли, сан дружиначилар ёки фуқаро муҳофазаси ходимлари) кўрсатади.

**Биринчи шифокор ёрдами** – жароҳатнинг жабрланганлар ҳаётига бевосита хавф солувчи оқибатларини бартараф қилиш, жароҳат инфексиясини янада ривож топишининг олдини олиш мақсадида шифокорлар бажарадиган даволаш – муҳофаза омилларидан иборат. Бундай ёрдамни умум шифокорлик тайёргарлиги бўлган ва ихтисослик жароҳ шифокорлари кўрсатади. Биринчи шифокор ёрдамини кўрсатиш вақти жароҳат олган

вақтдан бошлаб 3-6 соат ҳисобланади. Тиббий ёрдамнинг бу турини ҳамма ихтисосликдаги шифокорлар билишлари керак.

**Малакали тиббий ёрдам** – даволаш муассасаларида тегишли ихтисосликдаги шифокорлар амалга оширадиган жароҳат оқибатларини, биринчи галда ҳаёт учун хавфли оқибатларини бартараф қилиши, ривожлана бошлаган салбий оқибатларга қарши курашиш, жароҳатланганларни тўлиқ даволашга қаратилган жарроҳлик ва терапевтик тадбирлар мажмуасидир.

**Ихтисослашган тиббий ёрдам** – ихтисослашган даволаш муассасаларида одамнинг баъзи аъзолари ва тизимларидаги бузилишларини максимал даражада тиклаш мақсадида махсус аппаратлар ва ускуналардан фойдаланиб, мутахассис шифокорлар бажарадиган даволаш-муҳофаза тадбирлари мажмуасидан иборат.

Шундай қилиб, «Ҳалокатлар тиббиёти» хизмати тизимлари икки босқичли тизимда фаолият кўрсатадилар. Биринчи босқичда – бевосита ўчоқнинг ичида жабрланганларни қидириб топиш, уларга биринчи тиббий ва биринчи шифокор ёрдамини кўрсатиш, уларни тиббий эвакуатсия қилиш, ҳамда санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширадилар. Иккинчи босқичда эса жароҳатланганларга шифохоналарда малакали, ихтисослашган тиббий ёрдамни амалга оширади.

### **Назорат саволлар**

1. Кутқарув ишлари нималардан иборат?
2. Тиклаш ишларига нималар киради?
3. Ядрорий шикасланган ўчоқда кутқарув ва тиклов ишлари нималардан иборат бўлади?
4. Кимёвий шикастланган ўчоқда, кутқарув ва тиклов ишлари нималардаан иборат?
5. Биологик шикастланган ўчоқда қандай кечикириб бўлмайдиган ишлар бажарилади?
6. Заарсизлантириш омилига қандай жараёнлар киради?
7. Махсус ишлов бериш омилиниң моҳияти ва унинг турларини тушунтириб беринг.
9. Талафот кўрганларга тиббий ёрдамни ташкил этиш қандай бўлади?
10. Табиий оғат рўй берганда санитар гигиена ва эпидемияга қарши қандай тадбирлар амалга оширилади ?

### **ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари: «Аҳолини ва худудларни табиий ва техноген ҳусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» (20.08.1999 й.); «Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида» ги (20.08.1999 й.), «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги ( 20.05.2000 й.) ; «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида» ги (31.08.2000 й.); «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (15.12.2000 й.) қонунлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари: 4.03.1996 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги 143-сон; 23.12.1997 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва харакат қилиш давлат тизими тўғрисида»ги 558-сон; 7.10.1998 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги 427-сон; 27.10.1998 йилдаги «Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида»ги 455-сон қарорлар.

3. М.Тожиев, И.Нигматов, М.Илҳомов «Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси» ўқув кўлланма. Т., М.Ч. «Таълим манбаи», 2002 й.

4. Нигматов И., Тожийев М. “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро мухофазаси”. Дарслик -Т., Иқтисод-молий, 2011 й.
5. Фуқаро мухофазаси асослари (марьзуза матнлари тўплами). Муаллифлар мажмуаси. Т., «Фуқаро мухофазаси институти», 2003 й.
6. Раҳмонов И., Ваҳобов У., Ёқубов Н. “Фавқулодда ҳолатларда шикастланганарга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш”, Т.: “ФАН”, 2004 й.
7. Юлдашев О., Хасанова О., Жалолов У., Турагалов Т., Артыков А., Хусанова С. “Аварийно-спасательные работы”, Учеб. пособие.-Т.:2008 г
8. «Первая медицинская помощь на месте происшествия», Учеб.пособие для добровольных спасателей, Т.: «Международная стратегия снижения риска стихийных бедствий»,2008 г.

#### **Интернет маълумотларн:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
9. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
10. [www. cottonginning.com](http://www.cottonginning.com)

**4-МАВЗУ: ТЕХНОГЕН ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР:  
ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАРДАГИ АВАРИЯЛАР ВА ТАЛОФАТЛАР, УЛАР  
ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ. (2-СОАТ).**

**Режа:**

- 1.Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни келиб чиқишига сабабчи омиллар.
- 2.Гидротехник иншоотлардаги ёнғин чиқиш ва портлаш хавфи бўлган обектлардаги аварияларда олиб бориладиган чора-тадбирлар.

**Таянч сўз ва иборалар:** ер усти иншоотлари (дарё, кўл, канал ва ҳ.к), ер ости иншоотлари (ўтказувчи қувурлар, тунеллар), сув-енергетика иншоотлари, сув таъминоти иншоотлари, суфориш иншоотлари, чиқинди сувларни чиқариш иншоотлари, балиқчилик хўжалик иншоотлари, сув-спорт иншоотлари, ГЕС лар ва бошқа сув иншоотлари (тўғонлар ва бошқалар), сув ўтказиши иншоотлари (каналлар, тунеллар, қувур ўтказгичлар), тарновлар, осма қувурлар, ташландик сув иншоотлари (ортиқча сувни чиқариш учун), сув оқимини тартиблаш иншоотлари (сув оқимини тўғирловчи, дарё ва қирғоқ ўзанларини яхшиловчи ва бошқалар), балиқ хўжалиги иншоотлари (балиқ боқиши учун).

Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларга 7 хил кўринишидаги фалокатлар кириб, улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги 455-сонли карорида “Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар таснифи”да кўрсатиб ўтилган.

**Гидротехник иншоотлардаги авариялар :**

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтда 53 та сув омбори, дарё сувларини истеъмолчиларга тақсимлаб берувчи 150 дан ортиқ сув тўғонлари, 28122 км узунлиқдаги магистрал каналлар ва бошқа сув иншоотлари мавжуд. Бундай иншоотлар ҳар қандай фавқулодда вазиятлар юз берганда (ҳарбий ҳолатда ҳам, тинчлик даврида ҳам) катта хавф туғдиради. Гидротехника иншоотларнинг айримлари катта шаҳарлар ва йирик аҳоли яшаш жойлари яқинида жойлашга бўлиб, юқори даражадаги хавфли обектлар хисобланади.

Гидротехник иншоотлари, кўрсаткичларига қўра ҳар хил бўлади:

**1) жойлашган ўрнига қўра:**

- а) ер усти иншоотлари (дарё, кўл, канал ва ҳ.к);
- б) ер ости иншоотлари (ўтказувчи қувурлар, тунеллар ва ҳ.к).

**2) фойдаланиш мақсадига қўра:**

- а) сув-енергетика иншоотлари;
- б) сув таъминоти иншоотлари;
- в) суфориш иншоотлари;
- г) чиқинди сувларни чиқариш иншоотлари;
- д) балиқчилик хўжалик иншоотлари;
- е) сув-спорт иншоотлари ва ҳ.к.

**3) вазифасига қараб:**

- а) ГЕС лар ва бошқа сув иншоотлари (тўғонлар ва бошқалар);
- б) сув ўтказиши иншоотлари (каналлар, тунеллар, қувур ўтказгичлар);
- в) тарновлар, осма қувурлар ва ҳ.к.;
- г) ташландик сув иншоотлари (ортиқча сувни чиқариш учун);
- д) сув оқимини тартиблаш иншоотлари (сув оқимини тўғирловчи, дарё ва қирғоқ ўзанларини яхшиловчи ва бошқалар);
- е) балиқ хўжалиги иншоотлари (балиқ боқиши учун).

Гидротехник иншоотларнинг бузилиши жуда ката худудларни, жумладан: шаҳарлар ва ахоли яшаш жойларни, саноат тармоқларини ва моддий ресурсларни сув остида қолишига олиб келиши мумкин, оқибатда жуда катта ҳам маънавий, ҳам моддий заарларни олиб келишига сабаб бўлади. Жумладан, сув уриб кетган иншоотлар, автомобил ва темир йўллар, электр ва алоқа узатиш симларининг заарланиши, чорва моллари, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили, экинзорлар ва бошқаларнинг нобуд бўлиши, хом-ашё, ёқилғи, озиқ-оқат маҳсулотлари, ўғитлар ва бошқа ресурсларни яроқсиз ҳолга келиши; ахолини хавфсиз жойларга вақтинча эвакуатсия қилиш харажатлари; ерларнинг ҳосилдор қатламининг ювилиб кетиши; сув босган худудларда озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа керакли маҳсулотларни олиб келиш харажатлари ва бошқа салбий талофотларга олиб келади.

Гидротехник иншоотлари қуйидаги таъсирлар натижасида бузилади:

- 1) табиий оғатлар оқибатида (зилзила, кўчки, жала ёмғирлар ювиб кетиши ва бошқалар);
- 2) ускуналарнинг табиий емирилиши ва эскириши;
- 3) иншоотни лойихалаш ва қуришдаги хатоликлар;
- 4) сувларни ишлатиш қоидаларини бузилиши;
- 5) портлатишлар оқибатида (ҳарбий ҳаракатлар, террорчилик ва бошқалар).

Гидротехник иншоотларининг бузилиши натижасида муайян оқибатларга олиб келади, жумладан: Гидротехник иншооти ўз вазифасини бажармай қўйиши; сув тўлқинини инсонларга зарар етказиши ва турли иншоотларни бузилиши; худудларни сув босиб, мол-мулкка, ерларга, моддий ресурсларга ва бошқа обектларга жиддий моддий зарар келтиради. Шунинг учун бундай иншоотлардан фойдаланувчи ташкилотлар зиммасига уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги қонунининг 8,9-моддаларида кўрсатиб ўтилган мажбуриятлар юкланган. Унга кўра бундай хавфли обектларни лойихалаш, қуриш ва ишлатиш давомида хавфсизлигини пасайиш сабабларини таҳтил этиш, содир бўлиши мумкин бўлган аварияни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва бажариш, шунингдек бундай масалалар бўйича фавқулодда вазиятлар тизимлари билан ҳамкорлик қилиш таъкидлаб ўтилган.

Шу ўринда 2009 йил 17 августда Россиянинг “Саян- Шушенск” ГЕСида бўлган авария тўғрисидаги маълумотни таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу гидроиншоот жуда баҳайбат қурилган бўлиб унинг узунлиги 1 км дан узун, баландлиги 250 м, гидростатик вазни 22 млн тоннани ташкил этади. ГЕС нинг аварияга учрашишининг сабаби, 1985 йилда гидроиншоатнинг энг баланд устуни дарз кетиб, Енесей дарёсининг бу қирғоғидан у қирғоғигача бўлган бутун тўғон танасида ёриқ пъайдо бўлган. Ёриқдан хар сонияда 550 литр сув оқиб ўта бошлаган ва натижада тўғон бетониниг емирилиши бошланган. Емирилиш жараёни 8 йил мобайнида давом этган ва 1996 йилдагина Франсуз мутахассислари томонидан ёриқ полимер материаллари билан яхлитлиги тикланган. Шу давр мобайнида (8 йил) иншоатнинг баъзи бир сексиялари 97 мм дан - 107 мм гача жойидан силжиган. Аммо, “Гидротехник иншоатлар хавфсизлиги” тўғрисидаги қонунга биноан, 108 мм га силжиш хавфсизлик нуқтаи назаридан “тахликали” холат хисобланади. Шундай аянчли холатга қарамасдан, гидроиншоатдан фойдаланиб келишлиги оқибатида тўғоннинг иккинчи агрегат қисимлари сочилиб кулаб тушган ва ёнғин пайдо бўлган. Бу авариянинг талафоти натижасида 100 дан зиёд фуқароларнинг қурбон бўлганлиги ва катта моддий зарар кўринганлиги маълум.

Гидротехник иншоотларда авария бўлмаслиги учун муҳофаза қилиниш чора-тадбирларини амалга ошириш зарур, жумладан:

- 1) Гидротехник иншоотларини лойихалаш ва қурилишда хатоликларга йўл қўймаслик;
- 2) Гидротехник иншоотларидан тўғри фойдаланиш;

- 3) Гидротехник иншоотларидағи белгиланған тадбирларни ва таъмирлаш ишларини ўз вақтида бажариш;
- 4) қирғоқ ва иншоот тубини мустаҳкамлаш ишларини ўтказиш;
- 5) Сув чиқаришда ва ғамлашда қонун қоидаларга риоя этиш (вақтга мос равищда тақсимланиши);
- 6) Күшімчада сув омборлари ёрдамида тошқын сувлар оқимини тартибға солиб туриш;
- 7) Гидротехник иншоотларидағи вазиятни доимо кузатиб туриш;
- 8) Гидротехник иншоотлари ҳудудини чет элли кишилар киришидан ишончли қўриқлаш;
- 9) Фалокатларга олиб келадиган нокулай омиллар бўлиш эҳтимолини олдиндан айтиш тахминларини тузиш учун гидротехник шароитни мунтазам кузатиб бориш.

**Гидротехник иншоотларидағи аварияларда фуқароларнинг хатти-харакатлари :**

Гидротехник иншоотларидағи аварияда фуқаролар қўйидаги қоидаларни бажаришлари лозим:

- 1) Сув остида қоладиган ҳудуддаги фуқароларни, сув босиши мумкин бўлган ҳудудларни ва сув босиши вақтини шунингдек шикастловчи омилларини (сув уриб кетадиган тўлқин баландлиги ва тезлигини ва бошқаларни) яхши билишлари керак;
- 2) Аҳолининг ҳаммаси сув босиши хавфи туғилгандаги ва сув босгандаги хатти-харакатларга тайёрланган бўлишлари керак;
- 3) Аҳолининг ҳаммаси сув босиши эҳтимоли борлиги, сув босиши вақти, унинг чегаралари ҳақидаги ва эвакуатсия тартиби ҳақидаги тавсияларни вақтида олиши керак;
- 4) Хавф ҳақидаги хабар (огоҳлантириш) олинганда қўйидаги ишлар қилиниши керак:
  - дарҳол ҳужжатларни, қимматбаҳо ва керакли буюмларни, 2-3 қунлик озиқ-овқат ва ичимлик сувини ўзи билан олиш;
  - уйларни эҳтиёт ҳолатда (газ, сув, электр таъминотини ўчириши) қолдириши керак;
  - чорва молларини хавфсиз жойларга ўтказиб қўйиш;
- 5) Агар тўсатдан ҳалокатли сув босса:
  - сувнинг тўлқин зарбидан сақланиш учун мустаҳкам курилган иншоотларнинг юкори қисмларига чиқлади;
  - олдиндан тайёрланган қутқарув воситасини (4-6 та бир литрли пластмасса идишлари осилган нажот камарини) тақиб олишади;
  - агар одам иморат ичида (юкори қисмларида ) колган бўлса, қаердалигини белгилаб, қутқарувчилар ёрдамга келиши учун оқ байроқ белгилари осиб қўйилади.

**Назорат саволлар**

1. Авариялар ва унга сабабчи бўлган омиллар нималардан иборат?
2. КТЗМ таъсиридаги аварияларда фуқаролар муҳофазасининг хатти-харакатларини тушунтиринг.
3. Фожеалар содир бўладиган тармоқлар ва уларнинг оқибатлари қандай бўлади?
4. Фожеа оқибатларини тутатишда фуқароларнинг хатти-харакатлари қандай бўлади?

**ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1.Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари: «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» (20.08.1999 й.); «Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида» ги (20.08.1999 й.),, «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги ( 20.05.2000 й.) ; «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида» ги (31.08.2000 й.); «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (15.12.2000 й.) қонунлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари: 4.03.1996 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги 143-сон; 23.12.1997 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва харакат қилиш давлат тизими тўғрисида»ги 558-сон; 7.10.1998 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги 427-сон; 27.10.1998 йилдаги «Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида»ги 455-сон қарорлар.

3. М.Тожиев, И.Нигматов, М.Илҳомов «Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси» ўкув кўлланма. Т., М.Ч. «Таълим манбаи», 2002 й.

4. Нигматов И., Тожиев М. “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Дарслик -Т., Иқтисод-молий, 2011 й.

5. Фуқаро муҳофазаси асослари (марьузга матнлари тўплами). Муаллифлар мажмуаси. Т., «Фуқаро муҳофазаси институти», 2003 й.

6. Раҳмонов И., Ваҳобов У., Ёқубов Н. “Фавқулодда ҳолатларда шикастланганарга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш”, Т.: “ФАН”, 2004 й.

7. Юлдашев О., Хасанова О., Жалолов У., Турагалов Т., Артыков.А, Хусанова С. “Аварийно-спасательные работы”, Учеб. пособие.-Т.:2008 г

8. «Первая медицинская помощь на месте происшествия», Учеб.пособие для добровольных спасателей, Т.: «Международная стратегия снижения риска стихийных бедствий»,2008 г.

#### **Интернет маълумотларн:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)

4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)

5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

6.<http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>

7.[www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)

8.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

9.[www.edu.uz](http://www.edu.uz)

10.[www. cottonginning.com](http://www.cottonginning.com)

## АМАЛИЙ МАШФУЛОТ МАВЗУСИ

### **МАВЗУ: ФУҚАРОЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСЛУБИЁТЛАРИНИ ЎРГАНИШ. (2 СОАТ)**

**Ишдан мақсад :**

- ФВ да фуқароларни ҳимоя қилиш усулларини ўрганиш;
- Фавқулодда вазиятларда шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни ўрганиш.

Ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврда ҳам фавқулодда вазият юз берганда фуқароларни сақлашнинг асосий услублари муайян тамоиллар асосида амалга оширилади. Фуқароларни мухофаза қилишнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

1. Давлат органлари, вазирлик раҳбарияти ва ҳалқ хўжалик обектларининг раҳбарлари томонидан фуқароларни мухофаза қилиш омилларини доимий равища амалга ошириш ва бошқариш.
2. Мамлакатнинг ҳар бир бурчагида, аҳоли яшаш жойларида, ҳалқ хўжалиги тармоқларида, фуқароларни сақлашнинг омилларини олдиндан режалаштириш.
3. Ҳар бир жойнинг иқтисодий, сиёсий ва мудофаа қудратини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар мухофазасини режалаштириш ва амалга ошириш.
4. Фуқароларни мухофаза қилишнинг омилларини ҳар бир жойнинг (республика, вилоят, шаҳар, худуд, ҳалқ хўжалиги тармоқлари) иқтисодий ва сотсиал ривожланиш режалари билан бирга амалга ошириш.

Фуқароларни мухофаза қилишнинг услублари қўйидагилардан иборат:

1. Фуқароларни хавфли вазият хусусида ўз вақтида огоҳлантириш.
2. Радиатсияга ва кимёвий таъсирларга қарши (РК ва КТК) омиллар.
3. Ҳимоя иншоотларида сақлаш.
4. эвакуатсия омилларини ўтказиш (фуқароларни хавфли худуддан, вақтинчалик узоқлаштириш ёки тўлиқ узоқлаштириш).
5. Шахсий сақловчи воситалардан фойдаланиш.

**Фуқароларни фавқулодда вазият ҳақида огоҳлантириш.** Фавқулодда вазиятларда фуқароларни ҳимоя қилишнинг ҳар томонлами омилларида алоҳида ўрин тугадиган услугуб – бу фуқароларни ўз вақтида огоҳлантириш ҳисобланади. Огоҳлантириш радио, телевизор воситалари орқали амалга оширилади. Бунда фуқаролар сирена, ишлаб чиқариш гудоги, транспорт воситаларининг сигналлари ва бошқа белгилар орқали огоҳ этилади. Яни бу белгилар «ДИҚҚАТ, ҲАММАГА!» деган маънони англатади. Шу белгиларни эшитган ҳар бир фуқаро радио, телевизорларни қўйишлари зарур. Ҳар бир оғат юз берганда, уларни фуқароларга ҳамда ҳалқ хўжалигига кўрсатадиган таъсир хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда огоҳлантириш матнлари тузилади. Масалан: а) атом электр стансиясида юз берган авария ҳақида фуқаролар мухофазаси қўйидаги тартибда аҳолини огоҳ қиласди: Масалан .

«ДИҚҚАТ!», Фуқаро Мухофазаси штабидан гапирамиз. Фуқаролар! Атом электр стансиясида авария содир бўлди. Шу АЕС атрофида жойлашган «УзБАТ» корхонаси, Ҳамза алоқа узатиш тармоғи, янги қурилаётган метро стансияси, Тошкент минерал сув кўйиш заводи ва уй-жойлар, махаллаларга радиоактив чангларнинг тушиши кутилмокда. Шу худудда яшовчи ҳамма фуқаролар ўзлари яшаётган уйларнинг герметиклигини (зичлигини) мустахкамлашлари, уй ҳайвонларини пана жойга киритишлари, озиқ-овқат махсулотларини, сувларни радиоактив

чанг тушишидан сақлашлари, ўзлари эса ёдли препаратдан қабул қилишлари керак. Кейинги хатти-харакатлар фуқаролар мухофазаси штаби йўриқномалари асосида боради»:

- б) хавфли кимё заводидаги аварияда:

«Диққат! Фуқаролар мухофазаси штабидан гапирамиз. Фуқаролар! Чирчиқ кимё комбинатида одамга кучли таъсир этувчи заҳарли модда (КТЗМ) – аммиакнинг

тўкилиши оқибатида авария содир бўлди. Заҳарланган ҳаво Тошкент шаҳри томон тарқалмоқда. Кимёвий заҳарланиш ҳудудига ўша атрофдаги корхоналар ва ахоли яшаш жойлари (корхона, маҳалла яшаш жойлари номлари кўрсатилади) киради.

Кимё корхонасига якин бўлган ишлаб чиқариш тармокларидағи ишчи-хизматчилар, маҳаллаларда яшовчилар ўз уйларини, иш жойларини хавфсиз ҳолатда қолдириб (газ, сув, электрни ўчиришлари), Тошкентта эвакуатсияга тайёрлансинглар. Кимё корхонасидан узоқдаги корхоналар, маҳаллаларда (номлари кўрсатилади) яшовчилар ўз иш жойларида, уйларида қўшимча герметикликни таъминлаб сақланишлари лозим.

**Радиатсия ва кимёвий таъсириларга қарши омиллар.** РК ва КТҚ омиллар дейилганда ионлантирувчи нурлар (г), заҳарли кимёвий моддалар ва одамга кучли таъсири этувчи моддалар (КТЗМ) таъсирини камайтиришга мўлжалланган комплекс омиллар тушунилади. РК ва КТҚ омилларида қўйидаги вазифалар кўзда тутилади:

- а) радиатсиявий-кимёвий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш;
- б) дозиметрик ва кимёвий назоратни ташкил этиш ва ўтказиш;
- д) радиатсияга қарши ҳимояланиш режимларини ишлаб чиқиши;
- е) радиоактив ва кимёвий шикастланишда фуқароларни ҳимоялаш услублари хамда КТҚ омиллари билан таъминлаш (бунда газниқоблар, маҳсус кийим-кечаклар ва бошқа воситаларни йиғиши, сақлаш, тақсимлаш);
- ф) радиоактив ва кимёвий шикастланиш оқибатларини тугатиш омиллари (маҳсус санитар қайта ишлаш, яшаш, ишлаш жойларини, иншоотларни заарсизлантириш ва бошқа омиллар).

Радиатсион ва кимёвий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш. Радиатсиявий-кимёвий ҳолатни баҳолаш – РК ва КТҚ омилларнинг асосини ташкил этиб, уни ўтказишидан мақсад:

- фуқаро муҳофазаси тизимларига киравчи фуқароларнинг ишлаш қобилияtlарини баҳолаш;
- ишчи-хизматчиларнинг иш фаолиятларини баҳолаш ва улардан фойдаланиш чегаралари;
- эвакуатсия даврида тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажми;
- фуқароларни санитар-қайта ишловдан ўтказиш ҳажми;
- жиҳозларни, транспорт воситаларини, шахсий сақловчи воситаларни, кийим-кечакларни, иш жойларини дезактиватсия ва дегазатсия қилиши;
- радиатсиявий-кимёвий заарланган ҳудудларда колган сув, ем, озик-овқат ва бошқаларни қайта ишлаб фойдаланилди ва бошқа омиллар бажарилади.

Дозиметрик ва кимёвий ҳолатни баҳолаш – обектнинг фуқаролар муҳофазаси штаби, унинг тизимлари, жумладан, разведка бўлимлари амалга оширади.

**Радиоактив шикастланган ҳудудда фуқароларни сақлаш.** Радиоактив шикастланган ҳудудларда халқни сақлашнинг асосий қоидалари қўйидагилардан иборат:

- радиоактив шикастланиш хусусида огохлантириш;
- ҳимоя иншоотларида сақлаш (бошпана, радиатсиядан сақловчи бошпана);
- шахсий сақловчи воситалардан фойдаланиш;
- радиатсиядан сақловчи препаратлардан (ШД-2) фойдаланиш;
- заарланган сув ва емишлардан сақланиш;
- заарлинган жойларда фуқароларни сақлаш режимларига риоя қилиши;
- заарланган жойлардан фуқароларни эвакуатсия қилиши;
- заарланган ҳудудларга одамларни киритмаслик;
- фуқароларни санитар қайта ишловдан ўтказиш, кийим-кечак, техника, иншоотларни дезактиватсия қилиши.

Радиоактив моддалар билан заарланган жойларда одамларнинг хатти ҳаракатлари радиатсиявий ҳолатдан келиб чиқиб аниқланади, бунда:

- а) муайян заарланган жойларда, одамлар, РСБда бир неча соатгача сақланышлари, сўнгра оддий иншоотларда бўлишлари тавсия этилади.
- б) кучли заарланган жойлардаги фуқаролар химоя иншоотларида уч кунгача сақланишлари ва кейинги тўртинчи кунда оддий иншоотларда бўлишлари мумкин. Бундай ҳолатларда корхона ва масканлар алоҳида режимда ишлашлари, очик жойда ишловчилар эса бир неча соатдан, бир неча кунгача ишни тўхтатишлари зарур;
- д) хавфли ва жуда хавфли шикастланишда фуқаролар химоя иншоотларида уч кундан кам бўлмасликлари хамда оддий иншоотларда ташқарига чиқмасдан сақланишлари керак.

**Кимёвий шикастланишда фуқароларни сақлаш.** Хавфли кимёвий корхоналарда фуқароларни сақлашнинг асосий услублари қўйидагилардан иборат:

- кимёвий шикастланиш хавфи ҳақида огоҳлантириш;
- химоя иншоотларида (бошпаналарда) сақланиш;
- шахсий химоя воситаларидан фойдаланиш;
- антидод ва ШХП-8 ни қўллаш;
- шикастланган жойларда юриш-туриш режимларига риоя қилиш;
- заарланган худудлардаги одамларни эвақуатсия қилиш;
- фуқароларни санитар-қайта ишлаш, кийим-кечак, иншоотларни, транспорт ва техникаларни дегазатсия қилиш.

Кимёвий заарланишда, биринчи навбатда, разведка ўтказилади: бунда авариянинг аниқ жойи, КТЗМ тури, худуднинг шикастланиш даражаси, одамларнинг заарланган ўчоқдан яқин-узоқлиги, шамолнинг кучи ҳамда йўналишини ва бошقا кўрсаткичлар аниқланади. Захарланган фуқароларга биринчи ёрдам берилиб, тиббий ёрдам кўрсатиш шохобчаларига ётқизилади. Заарланган озик-овқатлар, сув текширилиб, дегазатсия қилинади ёки йўқ қилиб юборилади. Заарланган худудда чекиши, ичиши, химоя воситаларисиз юриш тақиқланади. Заарланган худуддан чиққанда, очик қолган терилар, шахсий химоя воситалари, кийим-кечаклар ШХП-8 билан заарсизлантирилади, сўнгра ўзлари тўлиқ санитар ишловдан ўтказилиб, кийим-кечаклар алмаштирилади.

**Фуқароларни химоя иншоотларида сақлаш.** Республикаизда қабул қилинган «Ахолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конуннинг 11-моддасида «Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлар» да муҳофаза иншоотлари заруратга караб олдиндан барпо этилишини таъминлашлари ҳамда уларни доимо шай ҳолатда сақлаб туришлари лозим, деб таъкидланган. Химоя иншоотлари фуқароларни табиий оғатлар, авария ва ҳалокат оқибатларидан ҳамда қирғин куроллар таъсир омилларидан ва уларнинг иккиламчи таъсир омилларидан сақлайдиган бошпаналар хисобланади.

Химоя иншоотлари қўйидагиларга бўлинади:

- а) йўналишига кўра: фуқароларни сақлашга, бошқарув тизимларини жойлаштиришга мўлжалланган;
- б) жойлашган ўрнига кўра; алоҳида жойлашган (метрополитенлар ва тоғ-кон курилишлари);
- д) қурилиши муддатига кўра – олдиндан курилган ва тез қуриладиган;
- е) химоялаш даражасига кўра – бошпана, РСБ ва оддий бошпана (очик ёки ёпик ертўлалар).

Бошпанани куришда қўйидаги талаблар қўйилади:

- 1) 3 суткадан кам бўлмаган муддатда сақлаш;
- 2) сув босмайдиган жойларда куриш;
- 3) оқар сувлардан, канализатсия коммуникатсияларидан ҳамда курилиш коммуникатсияларидан узоқроқ жойларда куриш;

4) чиқиши ва кириш эшикларининг бўлиши.

Бошпана маълум жиҳозлар билан жиҳозланиши шарт, жумладан: шамоллатгич, санитар-техник жиҳозлар, ҳаводаги заҳарли моддаларни, радиоактив бирикмаларни ва биологик воситаларни тозаловчи ускуналардан иборат бўлиши керак. Бошпана асосий ва қўшимча хоналардан ташкил топади. Асосий хоналарга – одамлар, бошқарув тизимлари, тиббий хизмат тизимлари жойлаштирилди, қўшимча хоналарда жиҳозлар, асбоб-ускуналар, озиқ - овқатлар, сув ва бошқа керакли воситалар жойлаштирилди. Бу бошпананалар жуда мустаҳкам қурилганлиги, герметиклиги юқорилиги ва санитар-гиеник шароити бўлганлигидан аҳолини бир неча кун давомида беталафот сақлаши мумкин. Бошпаналар одамлар ётадиган ва туриб сақланадиган ҳолда бўлади. Туриб сақланадиган бошпаналар учун ишлаб чиқариш, маъмурий ва аҳоли яшайдиган баланд уйларнинг ертўлаларидан фойдаланилди. Бошпана жуда яхши герметик равишда қурилиши, Яни деворлари, хона бўлимлари жуда зич қилиб ишланиши зарур. Акс ҳолда ташқаридан радиоактив, кимёвий ва биологик заҳарловчилар ҳаво билан бирга кириши мумкин. Бошпанада камида иккита қарама-қарши томондан кирадиган эшик ва эҳтиёт эшиги бўлиши керак. Эшиклар тамбур типида икки қаватли қилиб герметик равишда ёпиладиган бўлиши лозим. Эшикнинг ташки томони жуда мустаҳкам материалдан ясалади, сабаби, у ядро портлаганда чиқадиган тўлқин зарбидан сақлайди. Бошпаналар филтрлайдиган, ҳаво алмаштирадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Уларда электр, алоқа, сув ҳамда канализатсия ва иситиш тармоқлари ҳам бўлиши керак. Бошпанада дозиметр, кимёвий разведка жиҳозлари, химояловчи воситалар, ўт ўчириш қуроллари, озиқ-овқатлар, сув захираси ва дори-дармонлар бўлиши шарт.

Агар фавқулодда вазиятда алоҳида қурилган бошпаналар бўлмаганда тез жиҳозланиб фойдаланадиган бошпаналар қурилади. Бундай бошпаналарни метрополитенлар, ер ости йўллари, иншоотларнинг ертўлаларини керакли жиҳозлар билан жиҳозлаб тайёрланади.

**Хавфли ҳудуддан хавфсиз ҳудудга эвакуатсия қилиш.** Қирғин қуроллари таъсиридан сақлаш усууларидан яна бири – бу фуқароларни фалокат юз берган жойдан вактинчалик узоклаштириш ёки бутқул эвакуатсия қилиш хисобланади. Иш билан машғул бўлган одамларни ҳарбий вақтда вактинчалик шаҳардан ташқари ҳудудга ёки бошқа қишлоққа қўчиришни биз узоклаштириш деб биламиз. Эвакуатсия деганда ҳаммани бир вақтда бир яшаш жойидан иккинчи яшаш жойига доимий яшаш учун қўчирилиш тушунилади (асосан, ишламайдиган фуқаролар, пенсионерлар, болалар ва касаллар эвакуатсия қилинади). Эвакуатсия қилинганда алоҳида буйруқ бўлмагунча фуқаролар ўша жойда яшаб турадилар. Хавфсиз ҳудуд хавфли ҳудуддан бирмунча узоқ масофада жойлашган бўлиши ва аҳолига ҳеч қандай хавф түғдирмаслиги лозим. Яна хавфсиз ҳудуд темирийўл, автомобил йўлларига яқин, ишчи-хизматчиларнинг ишга бориши ва қайтиб келиши учун кулай бўлган жойларда ташкил этилади. Ишга боғлиқ бўлмаган ишчилар ҳудуддан узоқроқ ерга эвакуатсия қилинади.

Кўчириш ишларининг ҳаммаси эвакуатсия қилинадиганларнинг йиғиладиган жойидан ташкиллаштирилди. Йиғилиш жойлари (евакуатсия пункти – эП) асосан, мактаблар, клублар ва бошқа жамоат иншоотлари бўлиши мумкин. Аҳолини кўчириш ҳакида маълумот олганда, дархол ишлаб чиқариш корхонаси, ўкув юртлари, корхоналар, милитсия органлари ҳамда радио, телевидение орқали одамлар хабардор қилинади. Йиғилган одамлар қайта хисоботдан ўтказилиб, гурухларга бўлинади, транспорт воситаларига тақсимланиб, кўрсатилган вақт ичida хавфсиз ҳудудга етказалади. Евакуатсия қилинган фуқаролар ўша ердаги ишлаб чиқариш корхоналарининг эвакуатсия қилинган кисмида ишлашлари мумкин.

**Якка тартибда сақловчи воситалар ёрдамида фуқароларни муҳофаза қилиш.** Якка тартибда сақловчи воситалар инсон танасига, ички органларига, терисига ва кийим-кечакларига радиоактив моддалар, заҳарли бирикмалар ва биологик туманлар

тушишидан сақлайди. Якка тартибда сақловчи воситалар қўлланилишига кўра: терини сақловчи, нафас органларини, юз-кўзни сақловчи турларга бўлинади. Бундан ташқари, филтрловчи ва изолирловчи хилларга бўлинади. Бундай воситаларга тиббий сақловчи воситалар хам киради. Нафас органларини сақловчи воситаларга газниқоблар, респераторлар, матоли ниқоблар, пахта, докали таққичлар киради.

Газниқоблар – нафас йўлларини, юз ва кўзни ҳар хил заҳарли таъсиrlардан сақлайди, газниқоблар филтрловчи ва изолирловчи хилларга бўлинади. Фуқаро муҳофазаси бўйича қуйидаги филтрловчи газниқоблар: ГП-5, ГП-5М, ГП-7, ГП-7В; болалар учун – ПДФШ, ПДФ-Д, ПДФ-2Ш, ПДФ-2Д ва БХКдан фойдаланилади.

Болалар ҳимоя камераси (БХК) 1,5 ёшгача бўлган болаларни заҳарли бирикмалар, радиоактив моддалар ва биологик таъсиrlардан сақлайди. БХК таркибиға: ҳимоя камераси, атмосфера ёғинларидан сақловчи ёпинчиқ, картонли кути ва камерани сақловчи филоф киради.

Газниқобларнинг ўлчами 2 хил усулда аниқланади:

- а) юзнинг ўлчамини аниқлаш орқали;
- б) даҳан билан қош суяги орасидаги масофани ўлчаш орқали.

Биринчи услуб билан 0-ўлчам 63 см гача, 1-ўлчам 63,5–65,5 см гача, 2-ўлчам 66–68 см гача, 3-ўлчам 68,5–70,5 см ва 4-ўлчам 71 см ва ундан катта.

**Респераторлар** асосан радиоактив ва механик чанглардан нафас органларини сақловчи восита хисобланади. Фуқаролар муҳофазасида асосан Р-2 ва ШБ-1 русумли респераторлар ишлатилади. Респератор Р-2 филтрловчи ярим ниқоб ва маҳқамловчи тасмадан иборат. Ниқобда 3 та клапан: 2 таси нафас олиш учун ва биттаси нафас чиқариш учун хизмат қиласи.

Респератор Р-2 уч хил ўлчамда чиқарилиб, унинг ўлчами юз баландлигини ўлчаш орқали аниқланади. 1-ўлчам 99–109 мм, 2-ўлчам 109–119 мм ва 3-ўлчам 119 дан катта. Болалар учун респератор нол ўлчамда чиқарилади.

**Матоли ниқоблар** – нафас органларини сақловчи воситаларнинг асосий услуби саналиб, у радиоактив моддалардан, биологик туманлардан сақловчи восита хисобланади. Лекин бу восита заҳарли моддалардан сақлай олмайди.

Бундай воситаларни ҳар бир фуқаро зич тўқилган матолардан ўзи тайёрлаши мумкин ва унинг русуми ММ-1 деб аталади. Яна нафас органларини сақловчи оддий воситалар қаторига пахта, докали таққичлар хам киради.

**Терини сақловчи воситалар** хам саклаш даражасига кўра: филтрловчи ва изолирловчи хилларга бўлинади. Изолирловчи терини сақловчи воситалар ҳаво ўтказмайдиган резинали эластик материаллардан ( масалан, ПВХ) тайёрланади. Улар герметик ва ногерметик холда бўлади. Герметик воситалар бутун тери аъзоларини беркитиб, заҳарли моддаларнинг буғи ва томчиларидан бутунлай сақлайди. Герметик бўлмаган воситалар эса факат заҳарли моддаларнинг томчиларидан сақлайди. Изолирловчи терини сақловчи воситаларга: комбинезон ва камзул, енгил ҳимоя костуми Л-1 ва умумқўшин ҳимоя жамламаси киради. Ҳимоя комбинезони – битта қилиб тикилган куртка, шим ва бош кийимдан ташкил топган.

Ҳимоя комбинезони ва костуми одамларнинг тузилишига кўра 3 ўлчамда ишлаб чиқарилади: 1-ўлчам 166 см гача, 2-ўлчам 165–172, 3-ўлчам 172 см дан юқори.

Кимёвий заҳарловчиларга қарши якка тартибдаги пакет (ШКП-8) ишлатилади. Бу восита ҳар бир одамда бўлиши шарт. Бу пакет кимёвий заҳарловчилар терига, кийимларга, шахсий сақловчи воситаларга тушганда заарсизлантиришида фойдаланилади. Бу пакетда дегазатсия қилувчи идиш эритмаси ва тўртта пахта докали тампон бўлиб, булар полиетилен қопчада герметик жойлаштирилган бўлади.

**1-Топширик:** Берилган топшириқ варианtlари бўйича ФВ юзага келганда фуқароларни қандай ҳимоя воситалари ва усуллари билан ҳимоялаш зарурлигини таҳлил қилинг:

ФВ турлари	Вариантлар									
	1,20	2,19	3,18	4,17	5,16,	6,15	7,14	8,13	9,12	10,11
Фуқароларни ФВ хусусида огоҳлантириш (матн тузиш)	X									
Фуқароларни ҳимоя иншоотларида сақлаш қоидалари.		X								
Аҳолини хавфсиз худудларга эвакуатсия қилиш тартиби ва қоидалари			X							X
Шахсий сакловчи воситалар қандай ҳолатларда қўлланилади				X					X	
Терини ҳимоя қилувчи воситаларнинг қўлланилиши, турлари, хусусиятлари, ва уларга кўйиладиган талаблар					X				X	
Шахсий дорихонанинг (ШД2) тузилиши ва қўлланилиши						X	X			

### **МАВЗУ: ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ШИКАСТЛАНГАН ЎЧОҚЛАРДА ҚУТҚАРУВ ВА БИРЛАМЧИ ТИКЛОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (2 СОАТ)**

#### **Ишдан мақсад :**

- Табиий оғатлар юз берганда олиб бориладиган қутқарув ва тиклов ишлари ўтказишни ўрганиш
- Зилзила оқибатларини бартараф этиш ишларини ташкил этишни ўрганиш
- Сув тошқини, қўчки ва сел оғати оқибатларини бартараф этиш тадбирларини ўрганиш
- Авария ва ҳалокат оқибатларини бартараф этиш қоидаларини ўрганиш

Табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва ҳалокатлар юз берганда катта миқёсдаги қулғатларга олиб келади ҳамда кўплаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлади. Агар бу фалокатлар ўз вақтида бартараф қилинмас экан уларнинг қамрови миллий, ҳатто, трансчегаравий даражадаги фавқулодда вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш – фавқулодда вазиятлар юзага келганда

ўтказиладиган чора-тадбирлар, жумладан, инсонларнинг соғлигини ва ҳаётини сақлаш, атроф-мухитга етказиладиган зарар ва моддий йўқотишлар миқдорини камайтириш, фавқулодда вазиятлар юз берган худудларни ҳалқага олиш, хавф хусусида аҳолини ўз вактида огоҳлантириш, иқтисодёт тармоқларининг барқарор ишларини таъминлаш, юзага келадиган хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган авария-күткарув ва бошқа кечикириб бўлмас тиклов ишларининг мажмуасидан иборат. Мазкур мажмуани ташкил қилувчи омилларнинг энг асосий тури – бу фавқулодда вазиятларни бартараф этишда ўтказиладиган авария-күткарув ва бошқа кечикириб бўлмас ишлар (ҚБТИ) хисобланади. Чунки табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва ҳалокатлар ўзининг тўсатдан юзага келиши билан ҳамда келтирадиган заарлари билан хавфли. Бу ҳалокатларнинг олдини олувчи ва бошқа зарурый чора-тадбирлар қанчалик тез бажарилса, уларнинг талафотга олиб келувчи таъсириларни бартараф этиш шунчалик осон кечади. Бунинг учун авария-күткарув ва бошқа кечикириб бўлмайдиган ишларни олиб борувчи кучлар ва воситалар тайёр бўлиши лозим. ҚБТИ ишларини олиб борища раҳбарлар таркиби, ишларни олиб борувчи мутахассислар ҳам мазкур ишларни ташкиллаштириш ва олиб борищ, юз берган фавқулодда вазиятларнинг моҳиятини, мазмунини яхши билишлари ва бажариладиган тадбирлар бўйича амалий кўнникмаларга эга бўлишлари шарт. Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда куйидаги авария-күткарув ишлари бажарилади:

- тизимларнинг ҳаракатланиш йўналиши ва бажариладиган ишлар кўламини аниқлаш;
- тизимларнинг ҳаракат йўналишида ва бажариладиган иш худудлари даги ёнғинни ҳалқага олиш ва ўчириш;
- жабрланувчиларни қидириб топиш ва уларни күткариш;
- вайрон бўлган, бузилган, ёнғинли, сув босган, газга, тутунга тўлган обектларда қолган фуқароларни күткариш;
- жабрланганларга биринчи тиббий ва биринчи шифокор ёрдамини кўрсатиш ва уларни даволаш муассасаларига эвакуатсия қилиш;
- аҳолини хавфли худудлардан хавфсиз худудларга кўчириш;
- шикастланган ўчоқларда зарурый санитария-гиёна ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш;
- аҳолини сув, озиқ-овқат ва бошқа биринчи эҳтиёж буюмлари билан таъминлаш.

Бошқа кечикириб бўлмайдиган ишлар (тиклов ишлари) қўйидагилардан ташкил топган:

- юқ ташиш йўллари ва вайроналардан ўтиш жойларини тозалаш;
- күткарув ишларини олиб борища газли, электрли, сувли канализатсия ва технологик тизимлардаги аварияларни тўсиш ва тиклаш ишлари;
- ҳаракат хавфсизлигига ва күткарув ишларини олиб боришига тўскинлик қилувчи иншоотларни бузиш ёки уни мустаҳкамлаш;
- алоқа ва коммунал-енергетик тармоқлардаги фалокатларни тузатиш ҳамда тиклаш ва бошқа ишлар.

Демак, тиклов ишларини олиб боришдан мақсад – тизимлар ҳаракатланадиган йўлларни тозалаш, алоқа, транспорт, коммунал-енергетик, технологик тизимлардаги бузилишларни ва фалокат оқибатларини тўсиш ва уларни тиклаш йўли билан күткарув ишларини ўтказиш учун шарт-шароитлар яратишдан ҳамда шикастланган худудларда аҳолини хавфсиз яшаш шароитини ташкил этишдан иборат.

**Зилзила оқибатларини бартараф этиш.** Зилзила оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ күткарув ва тиклов ишларининг кетма-кетлиги ҳамда муддатлари зилзила худудида жойлашган шаҳар (обект) нинг фуқаро муҳофазаси бошлиғи томонидан белгиланади. Оғат оқибатида юзага келган вайrona хусусиятини аниқлашда иншоотларнинг мустаҳкамлик даражаси, одамларни күткариш бўйича бажариладиган

ишлиарнинг тартиби ва ҳажмини аниқлаш учун текшириш (експертиза) ишлари ташкил этилади. Бунда кўйидаги қўрсаткичларни аниқлаш лозим:

- обектларга тизимлар харакатининг энг қисқа ва энг хавфсиз йўлларини;
- коммунал-енергетик тармоқлар, бино-иншоот ва қурилмаларнинг вайронагарчилик даражаларини;
- жабрланганларнинг турган жойи ва уларга етадиган хавф даражасини;
- вайроналарни ажратиш ва улардан жабрланганларни олиб чиқаришни;
- жабрланганларни қулай жойларга эвакуатсия қилишни;
- ичимлик ва хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланадиган сув манбаларининг ҳолатини;
- қутқарув ишлиарни амалга оширишнинг шароитлари ва кетма-кетлигини;
- механизатсия воситаларидан фойдаланиш қоидаларини;
- портлатиш ишлиарни олиб бориш имкониятлари ва ҳоказоларни аниқлаштириш талаб этилади.

Зилзила натижасида вайроналар тагида, тупроқ остида, қулаш хавфи мавжуд бўлган иншоотлардаги, ёнгин чиқаётган бинода қолган одамларни қутқаришга дархол киришилади. Бунинг учун шикастланиш худудларига ФВДТ тизимлари тезда киритилади. Вайроналар тагидаги жабрланувчиларни топиш учун қутқарув тизимлари вайронга худудини, вайрон бўлган бино ва иншоотларнинг ҳолатини тўлиқ ўрганиб, сўнгра вайроналар остида қолган одамлар билан музокара ёки тақиллатиш усули билан алоқа ўрнатилиб, сўнгра уларни қутқарадилар. Жабрланувчилар тепасидаги иншоот вайроналарини ажратишда хавфсизлик чораларига катъяян риоя қилиш керак. Сабаби агар вайrona мустаҳкам бўлмаса ёки иншоот конструксиялари ўртасидаги боғловчи элементлар бузилган бўлса, элементларнинг ўз-ўзидан силжиши ёки вайrona вазни чўкиши мумкин, бу эса қутқарувчиларга ҳам, жабрланувчиларга ҳам хавф туғдириши мумкин. Шунинг учун вайроналардан одамларни қутқаришда бузилган иншоотларнинг йирик элементларини қаттиқ тортиш, қимирлатиш ёки кучли зарбалар беришга йўл қўймаслик даркор. Шунингдек, вайроналар ичидан ёки қурилиш элементлари (парча плита) остидан одамларни олиб чиқишида вайrona элементларини ҳам силжитиш керак эмас, чунки булар жабрланувчиларга қўшимча жароҳатлар етказиши мумкин. Жабрланувчиларни қутқаришда, биринчи навбатда, жабрланувчининг боши ва танасининг юкори қисми чиқариб олиниб, сўнгра танасини босиб қолган қурилиш парчаларидан озод қилинади ва унга биринчи тиббий ёрдам қўрсатилади. Ҳозирги даврда вайроналар остидаги жабрланувчиларни қидириб топишда қутқарув воситаларининг янги турлари қўлланилмоқда. Жумладан, жабрланувчилар чиқарадиган товушларни аниқлайдиган электрон мослама – геофонлар ишлатилмоқда. Бундай мосламаларнинг баъзи турлари шундай сезгирики, ҳатто, улар одамнинг юрак уриши бўйича ҳам топишга қодир. Шунинг учун қутқарувчилар одамларни қидириб топишда доимо «тинчлик соати»ни ўтказадилар. «Тинчлик соати» вақти мобайнида ҳеч қандай ускуна, жиҳоз, техникалар ишлатилмаслиги лозим бўлади. Қутқарув ишлиарни олиб боришида маҳсус ўргатилган итларнинг ёрдами ҳам яхши натижаларни қўрсатяпти. Бу турдаги итлар икки млн. га яқин ҳидни фарқлай олиш хусусиятига эга, шунинг учун ҳам улар қор-ёмғир, тупроқ, бино парчалари остида қолган одамларни қидириб топишда бошқа замонавий услублардан устунлик даражаси юкори хисобланади. Шуларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра 1998-йил 5-сентабрда ФВВ таркибида «кинология» хизмати ташкил этилган. Кинология хизматининг асосий вазифаси – итларни хизматга тайёрлашни ташкил этиш ва ҳар қандай экстремал вазиятларда жабрланганларни қидириб топишдан иборат.

**Сув тошқини, кўчки ва сел оғатлари оқибатларини бартараф қилиш.** Сув тошқини хавфи туғилган тақдирда, худуднинг фукаро муҳофазаси бошлиғи қарорига биноан бошқарув пунктлари тайёр ҳолга келтирилиб, масъулияли мансабдор шахсларнинг кеча-юкундуз навбатчилиги ташкил этилади.

ФВДТнинг сув тошқини хавфидаги вазифалари қуидагилардан иборат:

- сув тошқини хавфи тўғрисидаги маълумотни ФМнинг органларига ва аҳолига етказиш;
- кузатув ва назоратни кучайтириш;
- сув тошқинида фаолият кўрсатувчи куч ва воситалар ҳолатини аниқлаш ҳамда сув босган худудларда кутқарув ишларини олиб боориш учун тайёр ҳолга келтириш;
- аҳолини, моддий ва маданий бойликларини хавфли худуддан хавфсиз худудга кўчириш;
- сув тошқини худудларидаги корхона ва ташкилотлар фаолиятини қисман чеклаш ёки вақтингчалик тўхтатиш;
- ўзаро ҳамкорлик режалари бўйича ёрдамга бириктирилган Қуролли Кучлар бўлимлари билан алоқа ўрнатиш ва бошқалар.

Кутқарув ишлари учун худуднинг тегишли куч ва воситалари ҳамда фукаро муҳофазасининг юқори ташкилотлари томонидан ажратилган кучлар ва воситалар, шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг сузиш воситалари жалб қилинади. Жумладан, катер, мотоқайиқ ва бошқа воситалар илан таъминланган кутқарув отрадлари одамларни сув босган худудлардан кутқариш, эвакуатсия қилинишга жалб этилади. Сув тошқинида кутқарув ишларини олиб бориш учун жалб қилинадиган кутқарувчилар сувда харакатланиш қоидаларини ҳамда одамларни ва чўкаётгандарни кутқариш, уларга бирлинчи тиббий ёрдам кўрсатиш усусларини билишлари шарт. Сузиш воситаларида харакатланувчи тизимлар, иплар, кутқариш айланмаси ва бошқа зарурий жиҳоз ҳамда воситалар билан таъминланиши лозим, шунингдек, сувдаги одамларни кутқаришда иштирок этувчи шахсий таркиб ҳимояланган кийимларда бўлиши шарт. Сув тошқинларидаги кутқарув ишлари сув босган худудлардаги одамларни топиш, уларни сузиш воситаларига ёки вертолётларга ўтказиш ва хавфсиз жойга эвакуатсия қилишдан иборат. Зарурат бўлса, жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам ўрсатилади. Сўнгра сув тошқинига учраган жиҳозлар, моддий ва маданий бойликларни кутқариш ҳамда сувдан чиқариб олишга киришилади.

**Сел ва кўчки оғатлари оқибатларини бартараф этишда**, энг аввало, бу оғатларни олдиндан характерловчи белгиларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг миқёсини чамалаш, аҳолини хавф тўғрисида огоҳ этиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу белгилар қанчалик олдин аниқланса, оғат келтирадиган заарларни шунчалик камайтиришга эришилади. Кўп ҳолларда сел оқими хавфи тўғрисида аҳоли 10 дакиқалар олдин, камдан кам ҳолларда эса 1–2 соат олдин огоҳлантирилиши мумкин.

Сел хавфига селнинг аҳоли пунктларига келиш йўлларидаги тўсиқлар мустаҳкамланади, қўшимча тупроқ тўсиқлари, сел таркибидаги бегона жисмларни ушлаб қолиш учун вақтингчалик деворлар, сел пистирмалари, сувнинг ўзини ўтказиб юборувчи трубалар ва бошқалар ташкил қилинади. Сел хавфи туғилганда аҳоли хавфли худудлардан хавфсиз худудларга эвакуатсия қилинади. Бунда одамлар билан бирга моддий бойликлар ва қишлоқ хўжалик хайвонлари ҳам олиб чиқлади. Яқинлашиб келаётган сел оқими ёки кўчки тўғрисидаги хабарни эшитган ҳар бир фукар, тезда уйларини, иш жойларини эҳтиёт ҳолатда қолдириб, тарқ этишлари лозим бўлади. Бунда уйларидаги ёки иш жойларидаги иситгичларни ўчиришлари, газ кранларини ёпишлари, электр ва электр жиҳозларини ўчиришлари керак. Булар ёнғин пайдо бўлишини олдини олади.

**Ишлаб чиқариш авариялари ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш.** Ишлаб чиқаришдаги йирик авариялар ва ҳалокатлар тўсатдан пайдо бўлиб, тезда ривожланиб кетади, натижада инсонлар ҳаёти ва соғлиғига катта хавф туғдиради. Авария ва ҳалокатлар ишлаб чиқариш хусусиятларига боғлиқ бўлиб, иш жараёнининг характеристига караб, салбий ўзгаришлар юз бериши ва вазиятни чигаллаштиришга олиб

келади. Йирик авария ва ҳалокатларда ишчи ва хизматчиларни, шунингдек, фалокатга яқин атрофда яшовчи аҳолини огоҳлантириш ва уларнинг ҳимоясини ўз вақтида ташкил этиш жуда муҳим вазифалардан хисобланади. Бунда, биринчи навбатда, одамларни қутқариш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва жароҳатланганларни даволаш муассасаларига етказиш лозим. Кейинги босқичда авария ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишда қулаш хавфи бўлган бино, иншоотларнинг мустаҳкамлигини ошириш ёки уларни бузиб ташлаш, коммунал-енергетик тармоқлардаги аварияларни бартараф этиш, издан чиққан технологик жараёнларни тиклаш ва бошқа кечиктириб бўлмас ишлар амалга оширилади. Авария ва ҳалокатлар оқибатларини тезда бартараф этишда катта қуч ва воситалар талаб этилади. Заарали оқибатларни бартараф этишда ФМнинг турли мақсадли тизимлари, обект ишчи ва хизматчилари, шунингдек, яқин атрофдаги аҳоли ҳам жалб этилади. Авария натижасида бино ва иншоотларнинг бузилиши, атроф муҳитнинг тутунга, чангта тўлиши, заҳарли газларнинг тарқалиши аҳоли ўртасида жароҳатланиш ва қурбонларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Бундай вазиятларда ҳар бир ҳолат учун хавфсизлик қоидаларига риоя этиш муҳим аҳамиятга эга, жумладан, вайронали ҳудудларга, бузилган бино ва иншоотларга кириш, қулаш хавфи мавжуд бинолар атрофида айланиб юриш, химоя воситаларисиз ерда ётган, осилиб турган электр узатиш симларини ушташ ва электр жиҳозларига тегиш қатиян ман этилади. Хавфли жойлар олдида хавфсизлик тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзувлар мавжуд бўлган кўргазмали воситалар ўрнатилиши лозим. Вайроналардаги ёнгинларни ҳалқага олиш ва бартараф этиш бўйича тезкор чоралар қўрилади, бунда ўтни ўчиришда иштирок этувчилар химоя воситаларидан, зарурат туғилса, газникоблардан фойдаланишлари зарур.

## **МАВЗУ: КТЗМ ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРДАГИ АВАРИЯЛАРДА КИМЁВИЙ ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ (4 СОАТ)**

### **Ишдан мақсад:**

- радиатсиявий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш қоидаларини ўрганиш.
- кимёвий ҳолатни аниқлаш ва баҳолашни ўрганиш.

Маълумки, барқарорликни баҳолашда қуидаги маълумотлар зарур:

- обектнинг ФВ шароитидаги ҳолати;
- обектнинг ишчи кучи, техникаси, энергия манбалари, хомашёси ва бошқа-захиралар билан таъминланганлиги;
- обектнинг иқтисодий кўрсаткичлари;
- одамлар, ҳайвон ва ўсимликларнинг ҳамда бошқаларнинг эҳтимолий талофати ва шу кабилар.

Радиатсиявий ҳолатлар ва уларнинг хавфсизлиги бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда «Радиатсиявий хавфсизлик тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади инсонлар хаёти, соғлиги ва мол-мулки, шунингдек, атроф-мухитни ионлаштирувчи нурланиш, радиоактив ифлосланишларнинг заарали таъсирларидан муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишдан иборат.

Қонунга радиатсиявий хавфсизликка доир янги таҳирдаги тушунчалар ҳам киритилган, жумладан:

**Ионлаштирувчи нурланиш** радиоактив парчаланишда, ядервий емирилишларда, мoddадаги зарядланган заррачалар харакатланишини секинлашувида ҳосил бўладиган ҳамда муҳит билан ўзаро таъсир этиш чоғида ҳар хил қутбли ионларни ҳосил қиласидиган нурланиш;

**Ионлаштирувчи нурлаш манбаи** -ўзидан ионлаштирувчи нурларни чиқарувчи курилма ёки радиоактив модда;

**Кузатув зонаси** - радиатсиявий мониторинг ўтказиладиган санитария муҳофаза зонасидан ташкаридаги ҳудуд;

**Радиатсиявий авария** - ускуна носозлиги, ходимларнинг хатти -харакатлари табиий ва технологик хусусиятли ФВ туфайли келиб чиқсан, фуқароларнинг белгиланган меъёрдан кўпроқ нурланиш олишга ёки атроф-мухитнинг радиоактив ифлосланишига олиб келувчи ёхуд олиб келган ионлаштирувчи нурланиш манбаи устидан бошқарувнинг издан чиқиши;

**Радиатсиявий хавфсизлик** - фуқаролар ва атроф-мухитнинг ионлаштирувчи нурланишнинг заарали таъсирдан муҳофазаланганлик ҳолати;

**Ядервий хавфсизлик** - ядервий материалдан хавфсиз фойдаланишни таъминловчи чора -тадбирлар мажмуси.

**Радиатсиявий ҳолатни баҳолаш.** Ер усти ва ер ости ядро портлашлари натижасида радиоактив мoddалар ҳаво ва тупроқ маҳсулотлари билан аралашади, сўнг ҳаво оқими бўйлаб харакатланиб, секин-аста ерга тушади. Бунда кўзга кўринмайдиган радиоактив заарланиш изи ҳосил бўлади, бу из қанчалик кўп бўлса инсонларнинг яшашлари ва ишлашлари учун шунча узоқ хавф түғдиради. Худди шундай ҳолат ядро заряди билан ишлайдиган тармоқларда (АЕС, гамма нуридан фойдаланиладиган илмий лабораторияларда) авария натижасида ҳам кузатилиши мумкин. Жумладан, 1986 йилдаги Чернобил АЕСдаги авария оқибатида тўртинчи энергоблоқдан чиқсан радиоактив мoddалар 30 км.гача масофага тарқалиб, у ердаги жамики Обектларни (атроф-мухитни, инсонларнинг яшаш, ишлаш жойларини, кийим кечакларни, мoddий ресурсларни, сувни ва бошқаларни) шикастлаган.

Радиатсиявий ҳолатни баҳолаш фуқаро муҳофазаси бошлиғининг, штаб ва обект мутахассисларининг мажбурий ишидир. Радиатсиявий ҳолат деганда, жойларнинг

радиоактив заарланиш даражаси ва ўлчами тушунилиб, бу аҳолининг яшашига ҳамда иқтисодиёт тармоғи Обектларида ишлашларига таъсир этади. Жойларнинг радиоактив заарланиш ўлчови ва даражаси маълум худуддаги ядро портлашларининг сонига, кувватига, турларига ҳамда портлаш вактидаги шамолнинг тезлигига боғлиқдир.

Радиоактив булут изининг катта кичикилгига ўртача шамолнинг тезлиги сезиларли таъсир кўрсатади. Ўртача шамолнинг тезлиги ошиши билан ядро куролининг портлашидан зааралланган майдонларнинг хажми ҳам ошади. Радиатсия даражаси 0,5 Р/с га тенг бўлган жойларни радиоактив моддалар билан зааралланган худуд деб ҳисобланади.

**Радиатсиявий ҳолатни баҳолаш деганда** -жойларни радиоактив зааралланганлик тавсифномаси ва уларнинг фуқароларга, техника, қурилиш ва иморатларга ҳамда ҳайвон ва ўсимликларга таъсири тушунилади.

*Тавсифномага қўйидагилар киради:*

- обект худудидаги ионлаштирувни нурланишни хавфлилик даражаси;
- радиоактив модда билан зааралланган худуд ўлчами;
- радиатсия хавфининг иқтисодиёт Обектларига, тармоғига қанчалик зарар етказганлик даражаси ва бошқалар.

Радиатсия ҳолатининг натижаларига қараб зааралланган жойларда аҳолига даволаш ва профилактик чораларини қўллаш зарурлиги аниқланади. Разведканинг берган маълумотлари асосида радиатсиявий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш мумкин, бундай маълумотларни туман, шахар вилоят ва Республика фуқаро муҳофазасиниг раҳбарлари, уларнинг штаблари қабул қиласидар. Радиатсиявий ҳолатни баҳолаш билан боғлиқ бўлган ҳисобларни бажаришда турли формулалар, жадваллар, радиатсиявий ўлчов линейкаси ва бошқа ҳисоблаш жиҳозларидан фойдаланилади.

Радиатсиявий ҳолатни баҳолашда об ҳавонинг текшириш стантсияларидан кунига бир неча марта шамолнинг ўртача тезлиги ва йўналиши тўғрисидаги маълумотлар узатилиб турилади. Лекин бундай маълумотларни керакли жойларга этказиш кўп вақтни талаб қиласиди. Ўз вақтида чора-тадбирларни ўтказиш учун бундай маълумотларни амалда портлашдан кейин, дарҳол билиш керак бўлади. Ҳеч бўлмагандан аслала портлаганини билдирувчи битта кўрсаткичи маълум бўлиши керак. Масалан, портлаш турини билиш, жойларни радиоактив заарланиш нуктаи назардан тезлиқда радиатсиявий ҳолатни баҳолашга имкон беради. Шунинг учун бундай ҳолатларда таъкидланган кўрсаткичларни тахминан баҳолашни билиш зарур. Масалан, оддий соат ёрдамида портлаш вақтини ва портлаш жойигача бўлган масофани тахминан аниқлаш мумкин. Бунинг учун сарик чақмоқ хосил булгандан то товуш тулқини кузатув жойига этиб келгунга қадар утган вақт сонияда аниқланиши керак.

Енг кийин масала портлаш қувватини аниқлаш ҳисобланади. Аммо унинг тахминан қийматини билиш мумкин. Бунинг учун портлаш, авария содир бўлгандан сўнг чанг устунини ердан максимал баландлиги “Н” ва булутни кўриниб турган горизонтал диаметри “Д” аниқланиб, сўнгра уларнинг нисбатига кўра, радиоактив ҳолат аниқланади.

Радиоактив ҳолатда ер устида радиоактив булут шамол таъсирида узоқ жойларгача тарқалиб, ерга тушади ва ўша жойлар тахминан 4 та зааралланган худудга бўлинади. Зааралланган жойларнинг (А,Б,В,Г худудлари) радиоактив ҳолатини баҳолаш қўйидаги тартибда аниқланади:

- радиоактив шикастланган жойларнинг қўлами аниқланади;
- радиоактив шикастланган худудлар харитага туширилади;
- бошланғич шикастланиш вақти аниқланади.

**Радиоактив ифлосланиш.** Ядро аслаларининг бу таъсир омили бошқа шикастловчи омил ичига алоҳида ўрин тутиб, унинг таъсир доираси нафакат аслала портлатилган худуд, балки ўнлаб, юзлаб узоқлиқдаги жойларни ўз ичига олади. Бу омил узоқ вақт давомида катта худудни зааралраб, инсонларга, ҳайвонот дунёсига қаттиқ шикаст етказади. Радиоактив заарланишнинг манбаи ядрорий портловчи модданинг парчаланган кисмлари, парчаланмаган ядрорий зарядлар, активланган тош, тупроқлардан ташкил

топган булут хисобланади. Буларнинг ҳаммаси атмосферага кўтарилиб энг юкори баландликка етгандан кейин тургунлашади ва метерологик шароитларга қараб, ҳар хил узокликка тарқалиб, ерга тушади ва ўша ердаги жамики нарсаларни заарлайди.

**1-мисол.** Обект да ядервий портлашдан 2 соат кейин нурланиш дозаси ўлчанади -  $P_2=100$ рад/соат. Ядервий портлашдан бир соат кейин нурланиш дозаси қанча бўлганини топинг?

Ечиш: Иловадаги 1- жадвалдан фойдаланиб, 2 соатга тўғри келадиган қийматини топамиз ва у 2,30 мин.га тўғри келади.

Жавоб: аслаха портлагандан 1 соатдан кейинги нурланиш дозаси 230 Р/соат.

**2- мисол.** Радиатсиявий авариядан кейин ионлаштирувчи нурланиш 40 рад / соат бўлиб, 2 соатдан кейин ўлчангандан 20 рад/соатни ташкил қилди. Шу худудда харакатланувчан ФМ тизимларининг ишлаш учун рухсат этилган вақтни топинг?

Ечиш:

$$\frac{D_{oxir} \cdot K_{sus}}{D_{oxir}}$$

Келтирилган формуладан фойдаланамиз. Масала шартидаги қийматларни формулага кўйсак:

$$\frac{D_{boshl} \cdot K_{sus}}{D_{oxir}} = \frac{40 \cdot 1}{20} = 2$$

Бу ерда:

$D_{oxir}$	-шикастланган худуддаги охирги ўлчанган радиатсия даражаси;
$D_{boshl}$	-боштанғич радиатсия даражаси, рад;
$K_{sus}$	- радиатсияни сусайтириш коефитсиенти.

Иловадаги 2-жадвалдан фойдаланиб, топилган қийматга тўғри келадиган вақт аниқланади. Яни 4 соат 6 дақика давомида фуқаролар муҳофазасининг хизматчилари 20 рад/соатли шикастланган худудда ишларини олиб боришлари мумкин.

**Радиоактив моддалар билан заарланиш ҳолатини баҳолаш.** Радиатсиявий ҳолатни баҳолашда маълум хисоблашлардан ташқари, авариядан кейин маълум вақтларда ўлчанган ионлаштирувчи нурланиш қийматларидан фойдаланиб, ўша аслхани портлатилган аниқ вақтини, муайян масоғадаги фуқаролар ва жойларнинг шикастланиш даражалари ҳамда бошқа ҳолатлари маҳсус формулалар ва жадваллар ёрдамида хисобланади.

Радиоактив заарланишни баҳолаш асосида инсонга таъсири қиладиган ва унинг иш қобилиятига таъсири кам бўлган нурланиш дозасини аниқлаш ётади. Радиатсия даражасини аниқлаш маҳсус асбоблар - ДП-5А, ДП-5Б, ДП-5В, формулалар ёрдамида, график ва жадваллар орқали амалга оширилади.

Формулалар ёки графиклар ёрдамида радиатсия даражасини аниқлаш учун жуда тез вақтда хисоблаш ишлари бажарилиши зарур. Ушбу ҳолатни хисобга оладиган бўлсак номограмма ёки график асосида аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

«Радиатсиявий хавфсизлик тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида радиатсиявий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш тартиблари кўрсатилган. Унга кўра радиатсиявий ҳолатни баҳолаш деганда - жойларни радиоактив заарланганлик тавсифномаси ва уларнинг фуқароларга, техника, курилиш ва иморатларга ҳамда ҳайвон ва ўсимликларга таъсири тушунилади.

*Тавсифномага қўйидагилар киради:*

- обект худудидаги ионлаштирувчи нурланишни хавфлилик даражаси;
- радиоактив модда билан заарланган худуд ўлчами;

- фукаролар ва ҳайвонларнинг нурланиш даражаси;
- техника, тупроқ, ўсимлик, озиқ-овқат, сув, бино ва иншоотларнинг радиоактив зааралланганлик даражаси;
  - фукароларга ва ҳайвонларга ионлаштирувчи нурланишнинг хавфлилик даражаси;
  - радиатсия хавфининг иқтисодиёт тармоғига қанчалик зарар етказганлик даражаси.

Радиатсия ҳолатининг натижалариға қараб зааралланган жойларда ахолига даволаш ва профилактик чораларини қўллаш зарурлиги аниқланади. Разведканинг берган маълумотлари асосида радиатсиявий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш мумкин, бундай маълумотларни туман, шахар, вилоят ва Республика фукаро муҳофазасининг раҳбарлари, уларнинг штаблари қабул қиласидар. Радиатсиявий ҳолатни баҳолаш билан боғлиқ бўлган ҳисобларни бажаришда турли формулалар, жадваллар, радиатсиявий ўлчов линейкаси ва бошқа ҳисоблаш жиҳозларидан фойдаланилади.

Радиатсиявий ҳолатни баҳолашда ядрорий портлашлар вақтини, жойини ва қувватини билиш керак бўлади. Ўз вақтида чора-тадбирларни ўтказиш учун бундай маълумотларни амалда портлашдан кейин, дарҳол билиш керак бўлади. Ҳеч бўлмагандан аслаҳа портлаганини билдирувчи битта кўрсаткичи маълум бўлиши керак. Масалан, портлаш турини билиш, жойларни радиоактив заараланиш нуқтайи назардан тезлиқда радиатсиявий ҳолатни баҳолашга имкон беради. Шунинг учун бундай ҳолатларда таъкидланган кўрсаткичларни тахминан баҳолашни билиш зарур. Масалан, оддий соат ёрдамида портлаш вақтини ва портлаш жойигача бўлган масофани тахминан аниқлаш мумкин. Бунинг учун сариқ чақмоқ ҳосил бўлгандан то товуш тўлқини кузатув жойига етиб келгунга қадар ўтган вақтни сонияда аниқланиши керак.

Товуш тўлқини ҳар бир километр масофани 3 сонияда босиб ўтади. Айтайлик, кузатув жойига товуш тўлқини 60 сонияда етиб келган бўлса, портлаш кузатув жойидан  $60/3=20$  км узоклиқда содир бўлади.

Портлаш турини оловли гирдоб (шар) нурланиши сўнгандан кейин кўриб аниқлаш мумкин. Агар чангли устун, булат билан уланган бўлса, (қўзиқорин тузилишидаги кўринишида) у ҳолда портлаш ер устида содир бўлган бўлади. Агар портлаш ҳавода содир этилган бўлса, у ҳолда чангли устун, булат билан уланмаган бўлади. Энг қийин масала портлаш қувватини аниқлаш ҳисобланади. Аммо уни тахминан қийматини билиш мумкин. Бунинг учун портлаш содир этилгандан (8-9 минутдан) кейин чанг устунини ердан максимал баландлиги “ $x$ ” ва булатни кўриниб турган горизонтал диаметри “ $d$ ” аниқланиб, сўнгра уларнинг нисбатига кўра, аслаҳанинг тахминий қуввати топилади. Масалан,  $x/d_x=5$  бўлса, бу тротил эквиваленти 5000 тоннали, агар  $x/d_x=1$  бўлса тротил эквиваленти 1 минг тоннали аслаҳага тўғри келади.

Ядрорий аслаҳалар ер устида портлатилганда ҳосил бўладиган булат шамол таъсирида узок жойларгача тарқалиб, ерга тушади ва ўша жойлар тахминан 4 та зааралланган худудга бўлинади. Зааралланган жойларнинг (А,Б,В,Г худудлари) радиоактив ҳолатини баҳолаш қуйидаги тартибда аниқланади:

- радиоактив шикастланган жойларнинг кўлами аниқланади;
- радиоактив шикастланган худудларни харитага туширилади;
- бошланғич шикастланиш вақти аниқланади.

**3-мисол :** Шаҳарга қуввати 400 000 тоннали ядрорий қурол ташланди. Ундан 50 км узоклиқда жойлашган завод ходимларига бўладиган таъсир хусусиятларини аниқланг?

Портлаш вақтида шамолнинг ўртача тезлиги 50 км/соат, йўналиши  $90^0$ . Заводнинг радиатсия нурини сусайтириш коефитсиенти 7 га тенг.

### Аниқланг !

- заводга радиоактив булатнинг етиб келиш вақтини;
- заводдаги ишчи ва хизматчиларнинг 1 ва 12 соат давомида оладиган радиоактив нурланиш дозаларини топинг.

Ечиш:

- 1) Обект га радиоактив булутнинг етиб келиш вақтини топамиз:

$$t = \frac{R}{V} = \frac{50}{50} = 1 \text{ soat} \dots$$

Р – заводгача бўлган масофа, км

В – шамолнинг ўртacha тезлиги км/соат

- 2) Радиоактив заарланиш зонасининг узунлигини топамиз:

$$K(g) = 1.0$$

$$L(g) = K(g) * \sqrt{q} = K(g) * \sqrt{400} = 20 \text{ км};$$

$$L_{(B)} = 2,5 L(g) = 2,5 * 20 = 50 \text{ км}$$

Демак, завод Б зонанинг ташки чегарасида жойлашган экан, унинг максимал дозаси  $D^{\infty} = 1200$  радианга тенг бўлади.

Радиоактив булутнинг эни  $\varrho = 0,1$  Л =  $0,1 * 50 = 5$  км.

У холда заарланган жойнинг юзаси:

$$S_{\text{юзаси}} = L * \varrho = 50 * 5 = 250 \text{ км}^2 \text{ бўлади.}$$

- 3) Ишчи хизматчиларни берилган вақтларда оладиган нурланиш дозаларни топамиз.

$$T_1 = 1 \text{ соат}$$

$$K_1 = 13 \% \quad D = \frac{K_1 * D^{\infty}}{K(g)} = \frac{0,13 * 1200}{7} = 22 \text{ r}$$

K(c) – иншоотнинг радиатсия нурини сусайтириш коефитсиенти.

Хуласа:

1. Обектдаги ишларни радиатсия даражаси пасайгунча тўхтатиш керак.
2. Ишчи ва хизматчилар бошпанада химояланишлари керак, чунки ишчи ва хизматчилар 6-8 соатли иш кунида рухсат этилган дозадан ортиқ нурланиш олишлари мумкин эмас (рухсат 50 радиан).

**4-мисол:** Сех жойлашган жойнинг радиатсия даражаси ўлчанди.

$$T_1 = 10 \text{ соат } 00 \text{ дақиқа} \quad \Pi_{T_1} = 50 \text{ рад/соат}$$

$$T_2 = 10 \text{ соат } 30 \text{ дақиқа} \quad \Pi_{T_2} = 45 \text{ рад/соат}$$

Портлаш вақтини топинг?

Ечиш:

- 1) Радиатсия даражаларини нисбати топилади:  $\frac{\Pi_{T_2}}{\Pi_{T_1}} = \frac{45}{50} = 0,9$

- 2) Иловадаги 3- жадвалдан фойдаланиб, радиатсия даражаси 0,9 тўғри келадиган вақтни топамиз.

$$T = 6 \text{ соат. Портлаш вақти } t_0 = T_2 - \Delta T = 10,30 - 6,00 = 4,30$$

Демак портлатилган вақт эрталаб 4 соат 30 минут.

**5-мисол** Обектдаги ядервий портлашдан 2 соатдан кейин радиатсия даражаси ўлчанди.  $\Pi_{T_2} = 3,5 \text{ рад/с.}$  Портлашдан 1 соатдан кейин радиатсия даражаси ( $\Pi_{T_1}$ ) қанча бўлган?

Ечиш:

- 1) Иловадаги 1- жадвалдан фойдаланиб, 2 соатга тўғри келадиган  $\Pi_1/\Pi_2$  қийматини топамиз.

$$\Pi_2 = 2,30 \text{ га тенг.}$$

$\Pi_1/\Pi_2 = 2,30$  экан, бундан:

- 2)  $\Pi_1 = \Pi_2 * 3,5 = 2,30 * 3,5 = 8,05 \text{ рад/с га тенг.}$

## **МАВЗУ: ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МУҲАНДИСЛИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ (4- СОАТ)**

### **Ишдан мақсад:**

- Иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини оширишининг мазмун-моҳиятини ўрганиш.
- Иқтисодиёт тармоғининг барқарор ишлашини ошириш муаммолари юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиши ўрганиш.
- Иқтисодиёт тармоғининг барқарорлигини ошириш услубларини ўрганиш.

Маълумки, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, ҳар кандай фавқулодда вазиятларда (ҳарбий ва тинчлик даврларида) фуқаролар муҳофазасининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятларда иқтисодиёт тармоқлари барқарорлиги дейилганда, уларнинг режалаштирилган микдорда сифатли маҳсулотларини ишлаб чиқариши ёки бирор авария натижасида шикастланган ишлаб чиқариш корхоналарида жуда қисқа вақт ичида тиклаш ишлари тушунилади. Иқтисодиёт обектларининг барқарор ишлаши шу тармоқлар жойлашган минтақага ва унинг метеорологик шароитларига боғлиқ бўлади. Чунки минтақада хавфли табиий оғатлар (зилзилалар, ер, кор кўчкилари, селлар, сув тошқинлари, кучли шамоллар ва бошқалар) натижасида иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлаш даражасини пасайтириш мумкин. Иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашига яна қуйдаги омиллар: обектнинг қурилиш характери, обект атрофида жойлашган хавфли корхоналр, ишловчилар сони, обект ўлчами ва характери, иморат ва иншоотларнинг қурилиш тавфиси, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми, кўлланиладиган технологиялар, кўлланиладиган КТЗМнинг хусусиятлари ва бошқалар таъсир қиласи.

Мана шу омилларни ўрганиш асосида обектнинг барқарорлигига баҳо бериши мумкин.

Иқтисодиёт тармоқларининг фавқулодда вазиятларда барқарор ишлашини таъминлашда қуйидаги тадбирлар бажарилади:

1. Иқтисодиёт тармоқларига яқин жойда яшовчи аҳолининг ҳаётини муҳофаза қилиш;
2. Шикастланган худудларда қуткарув ва бирламчи тиклов ишларини ўтказиш;
3. Ташкилий, илмий-тадқиқот, технологик ва муҳандислик-техник тадбирлари комплексини ўтказиш.

Иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини пасайишига қуйидаги омиллар сабаб бўлиши мумкин. Жумладан: ишлаб чиқариш тармоғида бошқарув; меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомларининг бўшашиши оқибатида; техника ва технологияларнинг эскириши оқибатида; хавфли кимёвий моддаларни ташиш, сақлаш ва ишлатиш қоидаларининг бузилиши ҳамда атроф-муҳитга заҳарли чиқиндиларни чиқарилиши оқибатида; давлат назорат органлари ва инспексиялар ишини талабчанлигининг пасайиб кетиши; ҳарбий можаролар ва террорчилик ҳаракатлари содир бўлиш эҳтимолида ва бошқалар.

Юкоридаги омиллар нафақат иншоотларнинг барқарорлигини таъминлайди, балки уларнинг даражасини ҳам оширади. Шу сабабдан ҳам ҳозирги даврда тинчлик даврдаги фавқулоддаги вазиятларда саноат ишлаб чиқариш тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш катта аҳамият касб этади.

Умуман олганда, ҳалқ хўжалиги тармоқларининг барқарорлигига 5 та омилларни кўллаш орқали эришиш мумкин:

- а) Ўз вақтида огоҳлантириш;
- б) Ҳимоя иншоотларидан фойдаланиш;
- в) Якка тартибда сақловчи ва тибиий воситалардан фойдаланиш;
- г) Эвакуатсияни кўллаш;
- д) Хом-ашё, материаллар, электр қуввати, газ, сув билан таъминлаш.

**Иқтисодиёт тармоқларининг барқарорлигини таъминлаш услублари.** Фавқулодда вазиятларда (тинчлик ва ҳарбий даврларда) иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш йўллари ва усуслари турли хилда бўлиб, ҳар бир корхона бажарадиган ишларининг хусусиятларига караб олиб борилади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида иқтисодий жиҳатдан энг қулай йўлни танлаш, ҳар бир корхона ўз иншоотини, фуқароларни муҳофаза қилувчи обект сифатида, вазиятни ҳар томонлама муҳокама этиб, кейин унинг барқарор ишлашини таъминлаш йўли ва усулинин танлаши керак.

Одатда фавқулодда вазиятларда иншоотларга таъсир этувчи омил ва уларнинг қиймати фуқаро муҳофазаси штаби томонидан берилади, агар ундан маълумот келмаса, у ҳолда ҳисоблаш йўли билан шу ернинг ўзида аниқланади. Агар бу маълумотларни шу ернинг ўзида ҳам аниқлаш имкони бўлмаса, у ҳолда шу таъсир этувчи омилларнинг тахминий қийматлари асосида кучсиз, ўртacha ва кучли шикастлантириш худудларини аниқлаш мумкин. Масалан, ер силкинишидан (баллга караб), ядро куроли ишлатилганда таъсир этувчи тўлқинни ҳосил қиласидаган ортиқча босим ( $\Delta P$ ) қийматига караб иншоотлар турли хил даражада шикастланади. Жумладан, ер силкинишининг 5, 6, 7, 8, 9 балларида ёки ядро куролини  $\Delta P_f = 10, 20, 30, 40$  КПА омилларида кимё, нефтни қайта ишлаш, радиоелектротехника, медитсина ва шунга ўхшаш саноат корхоналарида шикастланиш рўй бериши мумкин. Албатта, бу маълумотлар юқоридаги саноат корхоналарини хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилган иншоотлар сифатида караб холоса чиқарилади.

Саноат иншоотларининг сейсмик тўлқинлар таъсирига чидамлилик даражасини баҳолашда, унинг элементларида (сех, участка, тизим) чиқарилаётган маҳсулот, иншоотлар ҳар қайси элементларини омиллар таъсирида (босим, тўлқинлар) ўртacha бузилишга чидамлилиги қараб иншоотни бутун ўзини чидамлилиги ҳақида холоса чиқарилади. Одатда, сейсмик тўлқинлар таъсирида бузилган иншоот ва унинг элементларини қисқа ваqt ичида, ҳамда иқтисодий жиҳатидан қулай даражада тиклаш, ўша иншоотни чидамлилигини оширишнинг энг қулай йўли ҳисобланади.

Юқорида айтилган услублар асосида ёруғлик нурланиш, ўтувчи радиатсия ва бошқа таъсир омиллари таъсирида ҳам иншоот ва унинг элементларининг барқарорлигини (чидамлилигини) ҳам аниқлаш мумкин ва барқарор ишлашини таъминлаш имконияти яратилади. Жумладан, ( $\gamma$ ) нури таъсирида иншоотларнинг чидамлилиги, шу обектга келадиган максимал ( $\gamma$ ) нур дозаси, обектдаги одамларнинг шикастланиш даражаси, асбоб-ускуна, жиҳозларнинг бузилиши ва бошқа таъсиirlар орқали ўша иншоотларнинг чидамлилиги баҳоланади. Агар тўлқин зарбасида ҳосил бўладиган ортиқча босим қиймати, ўша иншоотни чидамлилик (30-50 КПА атрофиди) даражасида бўлса, у ҳолда 0,5-1 МТ қурол портлатилганда ҳам ўтувчи нур қиймати кичик бўлади (5-20 рад.дан ошмайди). Бундай ҳолатда ўша ишлаб чиқариш иншооти ва унинг фаолиятига у деярли таъсир этмайди.

**Иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини ошириш омиллари.** Иқтисодиёт тармоқларининг барқарорлигини ошириш деганда, бўладиган талофтот ва вайронликларнинг сонини ва ҳажмини камайтиришга, қутқарув ва бирламчи тиклов ишларини ўtkазиш учун шароит яратиш ва ўtkазишга ҳамда республика халқ хўжалиги режаларида белгилаб қўйилган маҳсулот миқдори ва турларини ишлаб чиқаришга қаратилган тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тушунилади.

Иқтисодиёт обектларнинг барқарор ишлашини ошириш масалалари умумдавлат миқёсида ҳамда обектларнинг ҳамма қўйи бўғинларида ҳал этилиши керак. Бунинг учун ҳар бир корхонада унинг барқарорлигини оширадиган тадбирлар комплексини (ташкилий, илмий-тадқиқот, технологик ва муҳандислик-техник тадбирлар) амалга оширилиши лозим.

Ташкилий тадбирларга – ишлаб чиқариш ходимларини фавқулодда вазият шароитида муҳофаза қилиш тадбирлар комплекси: жамoa ҳимоя иншоотлари, шахсий

сақловчи воситалар, озиқ-овқат, сув манбалари билан таъминлаш, фукаро муҳофазаси кучларини ва моддий бойликларни сақлаш киради.

Илмий тадқиқот тадбирларига – барча илмий тадқиқот муассасаларида республика худуди учун характерли табиий ва техноген фавқулодда вазиятларни юзага келишини таҳминлаш, бундай вазиятларни олдини олиш, аҳолини муҳофаза қилиш ва республика иқтисодиёт тармоқларининг барқарорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар комплекси киради.

Технологик тадбирларга ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш хусусияти ва технологиясига монанд олиб бориладиган тадбирлар киради.

Муҳандислик-техник тадбирларга катта маблағлар талаб қиласидан тадбирлар мажмуаси (иншоотлар куриш, ишлаб чиқаришни янги технологиялар билан жихозлаш ва бошқа тадбирлар) киради. Албатта, бу тадбирлар комплексининг асосий бўғинини илмий тадқиқот ишлари ташкил этади. Илмий тадқиқот ишларида қўйидагилар ўрганилади:

- фавқулодда вазиятнинг муҳандислик-техник комплексига таъсири;
- ишлаб чиқарувчи ходимларни муҳофаза қилиш;
- ишлаб чиқариш, технологик ва лаборатория ускуналарини муҳофаза қилиш;
- обектни электор энергияси, сув, газ ва буғ билан таъминлаш даражаси;
- ишлаб чиқаришдаги ўзаро алоқаларни таъминлаш;
- хом-ашё материалларини, тайёр маҳсулотни муҳофаза қилиш;
- шикастловчи иккиласми таъсирларга қарши омилларни ўрганиш;

**9-мисол.** Иқтисодиёт обекти худудида ер силкин таҳминий кучи 9 балл атрофида болганида: Обект худудида металл каркаслари мурый ва ишлаб чиқариш иншоотлари ва 25-50 тонна юк кўтарувчи кранқурилмаси, ғиштли захира иншоати, металли ва темир бетонли труба ўтказувчи эстакада мавжуд.

Ер силкиниши оғатида обект элементларининг бузилиш ҳолатини аниқланг ?

**Ечиш.** Иловадаги 10- жадвалдан, мамурий ва саноат биноларининг ва труба ўтказувчи қурилмаларнинг ўртача даражада бузилиши, ғиштли захира иншоатини эса кучли даражада бузилиши топилади.

**10-мисол.** 500 минг тоннали аслаҳа портлатилганда ундан 6 км узоқлиқда жойлашган машинасозлик заводи қурилмаларига бўладиган тўлқин зарбаси тасирида, завод иншоотларининг барқарорлигини баҳоланг ?

Портлатиши – ҳавода рўй берган, ядрорий аслаҳанинг обектга бўладиган таъсир аниқлигининг максимал четланиши  $P_{четланиш} = 0,8 \text{ км}$ ; сех биноси ғиштли, каркасиз, бўлмалари темир бетонли плиталардан ташкил топган технологик жихозларга кўприксимон кранлар ва юк кўтарувчи оғир станоклар ; коммунал энергетик тизимда (КЕТ) труба ўтказувчи металл эстакадалар ва ердаги кабеллар жойлашган.

**Ечиш :**1) Портлаш эпитцентрининг минимал масофаси топилади :

$$P_{\min} = P_{\max} - P_{четланиш} = 6 - 0,8 = 5,2 \text{ км}$$

2) Иловадаги 11- жадвалдан фойдаланиб, 500 минг тонна қувватли аслаҳа ҳавода портлатилганда 5,2 км масофадаги тўлқин зарбаси ортиқча босининг максимал қиймати топилади :

$$P_{\max} = 25 \text{ кПа га тенг}$$

3) Иловадаги 10-жадвалдан фойдаланиб, юзага келган завод қурилма элементларининг кучсиз, ўртача, кучли ва тўлиқ бузилиш даражалари аниқланади. Олинган қийматлар иловадаги **12 жадвалга** қўйиб баҳоланади.

4) Заводдаги сехнинг барқарорлик чегараси, сехни ташкил этувчи элементлар барқарорлигининг минимал чегараси билан аниқланади. Яни у  $\Delta P_{\min} = 20 \text{ кПа га тенг}$  экан.

Бунда барча элементларининг барқарорлик қийматлари иловадаги 12 жадвалга қўйиш орқали топилади :

$$\Delta P_{\max} > \Delta P_{\min}$$

Демак, заводдаги сех қурилмаси түлкін зарбаси таъсирига барқарор эмас экан.

### Уйға вазифа:

**Топшириқ 1.** 100 минг тоннали аслаҳа портлатилганда, ундан 5 км узоклиқда жойлашған ғишт заводи биноларига бўладиган түлкін зарбаси таъсиридаги иншоотларнинг барқарорлигини аниқланг ? Аслаҳа ҳавода портлатилган бўлиб, унинг ғишт заводига бўладиган таъсирининг максимал четланиши 4 км ни ташкил этади. Завод қурилмалари металл каркассиз ғишт билан қурилган. Ғиштни пишириш сехи металл каркасли плиталардан қурилганғанлиги маълум.

**Топшириқ 2.** 1 мГ тоннали аслаҳа портлатилганда ундан 10 км узоклиқда жойлашған аҳоли яшаш Обектларига бўладиган түлкін зарбаси таъсиридаги шахсий уйларининг барқарорлигини баҳоланг ? Аслаҳа ҳавода портлатилган бўлиб, унинг аҳоли яшаш массивига бўладиган таъсирининг максимал четланиши 5 км ни ташкил этади. Аҳоли уйлари ғиштли материаллардан, деворлари энгил каркасли конструкциялардан ташкил топган, электр манбаи эр устидан, сув таъминоти эр ости трубалари орқали ўтказилган.

**Топшириқ 3.** Аҳоли яшаш қишлоғида эр силкинишининг тахминий кучи 7 балл атрофида. Қишлоқ худудида кўпчилик яшаш уйлари 1 қаватли металл каркассиз ғиштли уйлар ҳисобланади. Уй бўлмалари ёғочли материаллардан қурилган. Сув ўтказувчи трубалар, темир бетонли эстакадаларда жойлашған. Қишлоқда 1 та юкори қаватли темир бетонли конструкция қурилган. Ер силкиниши оғатида қишлоқдаги уйлар ва майший конструкцияларнинг барқарорлик даражасини баҳоланг ?

**11-мисол.** 500 минг тоннали аslaҳа портлатилганда, ундан 6 км узоклиқда жойлашған машинасозлик заводи қурилмаларига бўладиган ёруғлик нурланиши таъсирида завод Обектларининг барқарорлигини баҳоланг ?

Портлаш ҳавода рўй берган бўлиб, аслаҳанинг обект га бўладиган таъсир аниқлигининг максимал четланиши  $R_{\text{чет}} = 8,8 \text{ км}$ . Сех биноси ғиштдан қурилган, металл каркасиз, бўлмалари темир бетонли плиталардан ташкил топган; деворларнинг ёнғин бардошлиқ чегараси 2,5 соат; уй ёпқич темир бетон конструксияли плитадан -1 соат, том ёпқич юмшоқ материаллердан иборат; эшик ва ромлар ёғочдан ташкил топган.

Ечиш. 1) Иловадаги 13 жадвалдан фойдаланиб, 500 минг тоннали аslaҳа портлатилганда, 5,2 км узоклиқда юзага келадиган ёруғлик импулсини топамиз :

$$U_{\text{ёруғ .нур}} = 1200 \text{ кДж/м}^2$$

2) Иловадаги 14 жадвалдан фойдаланиб, сех қурилмасининг ёнғинбардошлиқ даражасини топамиз. У - 2 даражали ёнғинбардошли қурилма экан. Сех қурилмаси ва уни ташкил этувчи элементларнинг ёнғин бардошлиқ қийматларини 15 жадвалга ёзиб кўямиз.

3) Иловадаги 16 жадвалдан сех қурилмасининг ёнғинбардошлиқ тоифаси аниқланади ва у “Т” тоифага кирад экан.

4) Иловадаги 17 жадвалдан фойдаланиб, қурилмадаги қурилиш элементларининг ёруғлик импулси қиймати таъсирида қурилмаларнинг ёнувчанлиги топилади: жумладан эшик, ромлар, бўяллган бўёклар  $300 \text{ КДж/м}^2$ ;

5) Ёруғлик нурланишининг минимал импулсида юзага келадиган қурилмадаги ёнғинга караб сех қурилмасининг барқарорлик чегараси аниқланади :

$$U_{\text{ёруғ .нур}} = 300 \text{ кДж/м}^2$$

Бундан кўринадики, сех қурилмаси ёруғлик нурланишига бардошли эмас.

## ТАҚДИМОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ШРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА  
РАҲБАР ХОДИМЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК  
МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАДАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ  
МОДУЛ НОМИ:  
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

ТАҚДИМОТЧИ:  
К.Ф.Н. ДОЦЕНТ И.НИГМАТОВ

**АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БҮЙИЧА РЕЖАЛАРИ, УЛАРНИНГ ИШЛАВ  
ЧИҚИЛИШИ ВА МАЗМУНИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

**КОРХОНА, МУАССАСА, ТАШКИЛОТЛАРДА ФВЛАРДАН  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БҮЙИЧА ҚУЙИДАГИ РЕЖАЛАР  
ИШЛАВ ЧИҚИЛАДИ:**

- 1) АҲОЛИНИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БҮЙИЧА ЙИЛЛИК АСОСИЙ ТАДБИРЛАР  
РЕЖАСИ;**
- 2) ТАБИИЙ ҲАМДА ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА  
ВАЗИЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ҚИЛИШ  
ҲАРАКАТЛАРИ РЕЖАСИ;**



- 3) АЛОХИДА ДАВРЛАР УЧУН ФМСИ РЕЖАСИ  
(МАХФИЙ);**
- 4) ОБЪЕКТЛАРНИНГ БАРКАРОР ИШЛАШИНИ  
ТАЪМИНЛАШ РЕЖАСИ (ТОИФАЛАНГАН ВА ЎТА  
МУХИМ ОБЪЕКТЛАР УЧУН);**
- 5) ЭВАКУАЦИЯ РЕЖАСИ;**
- 6) ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК РЕЖАСИ.**



**Юқори даражада муҳофаза қилиш  
мақсадида барча ФМ режаларига  
қўйидаги талаблар қўйилади:**

- режа тўлиқ ишлаб чиқилиши;
- мазмуннинг қисқа бўлиши;
- вақтни қатъий ҳисобга олиниши;
- реаллик ва аниқлик;
- иқтисодий мақбуллик.





- “ТЕРРОР” атамаси лотинча “terror” – даҳшат, кўрқув сўзидан келиб чиқкан.

Террор – оммавий ва сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонлиқдан ҳамда зўравонлик қилиш билан таҳдид солишдан мунтазам фойдаланишдир. Душманни жисмоний зўравонлик йўли билан қўрқитиш, ҳатто уни жисмонан йўқ қилиш.

“Терроризм” эса террор амалиётидир.

Ўзбекистон Республикасининг

2000 йил 15 декабрдаги

## “ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДА”ги ҚОНУНИ

(6 бўлим, 31-моддадан иборат)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

II. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ  
СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

III. ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ ОПЕРАЦИЯНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ

IV. ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ  
ҶОПЛАШ ВА ЖАБРЛАНГАН ШАХСЛARНИНГ ИЖТИМОИЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯСИ

V. ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН  
ШАХСЛARНИНГ ҳуқуқий ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ

VI. ТЕРРОРЧИЛИК ФАОЛИЯТИДА ИШТИРОК ЭТГАНЛИК ҲАМДА  
ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**Террорчи** —  
террорчилик  
фаолиятини амалга  
оширишда иштирок  
этадётган шахс

**Террорист** —  
участвующее  
осуществлении  
террористической  
деятельности

лицо,

в



**Гаровга олиш**



*Захват и удержание заложников*

**Мол-мулкни йўқ қилиниши**



*Уничтожение имущества*

## Давлат хавфсизлигига таҳдид



*Подрыв безопасности государства*

### Инсонларниң оммавий ўлими



*Массовая гибель людей*

### Дунё ҳамжамиятияга нисбатан йирик кўламли харакатлар



*Крупномасштабные акции против мирового сообщества*

**Гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш учун**  
Ўзбекистон Республикасизда 1999 йил 20 августда “Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида” қонун қабул қилинди.

**Марказий Осиёда гидротехник иншоотларнинг ишончли ва узлуксиз, умуман олганда хавфсиз фаолият юритишни таъминлаш ўта мухим хисобланади.**


Дунё миёссида сув омборларининг дамбалари ва бошқа гидротехник иншоотларни ишлатиш тажрибаси шуни кўрсатадики, иншоотлар 30-40 йилдан ортиқ ишлайдиган бўлса, у иншоотлар авария (бузилиш) холатига тушиб, катта майдонларда фавкулодда холатларга олиб келиши мумкин ва натижада инсонлар хаётига, мамлакат иктисадиятига оғир мусибат келтириши мумкин.

**Гидротехника иншоотларини аварияларини олдини олиш бўйича ўз вақтида кўрилган чоралар, уларни содир бўлгандан кейин кўрилган чораларга нисбатан ҳам самарали ҳам кам чикимлидир.**



**Гидротехник иншоотлар:** тўғонлар, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш, насос станциялари, сув чиқариш иншоотлари, тоннеллар, гидроэлектр станциялари бинолари, каналлар, сув омборлари қирғоклари, дарё ва каналлар ўзанлари ва тубини тошқин ҳамда емиришлардан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотларга айтилади.

**Гидротехнические сооружения:** плотины, дамбы, ГЭС, водоводы, каналы, водосбросы, поверхностные, русловые, береговые, насосные станции, водохранилища и т.д.



**ГЭС** - это сооружение или естественное образование, создающее разницу уровней воды до и после него.

- **Верхний бьеф** – это часть реки (канала, протоки и д.р.) выше подпорного сооружения (плотины, шлюзы и д.р.), т.е. верхний уровень воды и занимаемое ею пространство;

- **Нижний бьеф** – это часть реки (канала, протоки и д.р.) ниже подпорного сооружения (плотины, шлюзы и д.р.), т.е. нижний уровень воды и занимаемое ею пространство;







Lekin yong`in chiqishining oldini olish va o`t o`chirishda asosiy ma'suliyat kishilar zimmasiga tushishini hamda ularning yong`inni o`chirish texnikasining barcha talablarini to`liq bajarilishiga bog`liq ekanligini unutmaslik kerak. To`qimachilik korxonalarida bu tadbirlar tartibli ravishda, yong`in texnikasi haqidagi nizom, yong`in xavfsizligi qoidalari, yo`riqnomalar va boshqa hujjatlar asosida olib borilishi shart.

arxiv.uz

Yong`in xavfi kam bo`lgan hamda kichikroq korxona muassasalarda yong`in muhofazasi va obektni qo`riqlash xizmati birgalikda qo`shib olib boriladi. To`qimachilik korxonalarida yong`in muhofazasini tashkil qilish va yong`in chiqishini ogohlantirish o`t o`chirish texnikasini hamda quollarini aloqa va o`chirish vositalarini jangovar holatda saqlash, yong`in chiqqan taqdirda ularni o`chirishda faol qatnashish, xalq mulkini asrab-avaylab saqlash borasida targ`ibot va tashviqot ishlarini olib borishni taqozo qiladi.

**Korxona, muassasa va tashkilotlarda yong`in xavfsizligini ta'minlash ishini tashkil qilish.** Ishchilar, xizmatchilar va muxandis-texnik xodimlarning ko`pchiligi jalb etilgandagina korxona, muassasa hamda tashkilotlarda yong`inga qarshi muvaffaqiyatli kurash olib borish mumkin. Buning uchun har bir ob'ektda yong`in-texnik komissiyasi tuziladi.



## To`qimachilik korxonalari uchun xarakterli bo`lgan yong`inlarning sabablarini quyidagicha tasniflash mumkin:

- texnologik jarayonning buzilishi;
- mashina va apparatlardan texnik foydalanish qoidalariga rioya etilmasa;
- xomashyo va tayyor mahsulotlarni saqlash qoidalarining buzilishi;
- mashina va apparatlarning aspiratsiya hamda changli havoni tozalash tizimlarining qoniqarsiz ishlashi;

arxiv.uz

- elektr uskunalarining noto`g`ri o`rnatilganligi va noto`g`ri ishlatalishi;
- ishlab chiqarish sexlarida va korxona hududida o`tirgan changlarni tozalash ishlari qoniqarsiz tashkil etilishi;
- ishlab chiqarish sexlarida va korxona hovililarida alanga bilan bog`liq ishlarni noto`g`ri olib borish;
- o`t o`chirish va xabar berish vositalarining texnik jihatdan qoniqarsizligi;
- korxona ishchi va xizmatchilarining hamda ko`ngilli o`t o`chirish komandalarining tayyorligi qoniqarsiz ekanligi.

Yonish jarayoni to`xtashi uchun oksidlanish-tiklanish ekzotermik zanjir reaktsiyasi tuzilishi kerak. Bu reaktsiyada to`xtashning fizik hamda kimyoviy usullari qo`llaniladi. Fizik usullari: alangani yonuvchi modda yuzasidan uzib tashlash, yonuvchi modda yuzasi haroratini alanganish haroratidan pasaytirish, oksidlovchi modda (kislород) konsentratsiyasini kamaytirish (ko`pincha yonmaydigan gazlar kontsentratsiyasini oshirish hisobiga) va yonuvchi modda bilan oksidlovchini bir-biridan ihotalash. Kimyoviy usullar yonish reaktsiyasini tormozlash hisobiga amalga oshiriladi.

